

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент Молия институти

Молия-иқтисод факультети

“Молия” кафедраси

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

5230600 – Молия йўналиши талабалари учун

“Молиявий назорат”

фанидан

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ ТЎПЛАМИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири

доц. К.Шарифходжаева _____

«20 » сентябр 2012 й.

№ 3 сонли баённома

Тузувчи:

к.ўқ. В.Нуритдинова

«20 » сентябр 2012 й.

№ 3 сонли баённома

Тошкент – 2012

1-мавзу: Молиявий назорат фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.

Режа:

1. “Молиявий назорат” фанининг предмети, мазмуни ва ўрганиш объектлари.
2. “Молиявий назорат” фанининг мақсади ва вазифалари.

“Молиявий назорат” фанининг предмети -жамиyatда хўжалик юриштишнинг турли соҳа ва тармоқларида, давлат бошқарувининг барча боғоналарида пул оқимлари, молиявий ресурслар ҳаракатини назорат қилиш ва бу борадаги молиявий назорат органларининг мақсадли фаолиятини таъминлашдан иборатдир.

Молия назорати молиянинг махсус функцияси бўлиб, унинг мақсади молиявий ресурсларни бошқариш қонунийлиги ва самарадорлиги бўйича қабул қилинган андозалардан четга чиқиш ҳолларини аниқлаш, бундай четга чиқишлар мавжуд бўлганида эса, уларни тузатиш ва олдини олиш бўйича тегишли чораларни ўз вақтида қабул қилишдан иборат. У қиймат хусусиятига эга бўлиб, назоратнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган ҳолда, пул жамғармалари ҳаракатининг бутун жараёнида кузатилади. Шу сабабли молия назорати ҳар қандай ишлаб чиқаришда хўжалик юриштиш механизмнинг объектив равишда зарурий бўлган таркибий қисмидир, деб тасдиқлаш мумкин.

Молиявий назорат иқтисодий категория сифатида молияга объектив хос бўлган назорат хусусиятининг амалда намоён бўлишидир. Одатда, молиявий назорат қуйидаги икки йўналишда қаралади:

- барча иқтисодий субъектларнинг молиявий қонунчилик ва мо-лиявий интизомга риоя қилиши устидан махсус ташкил этилган назорат органларининг қатъий тартибга солинган фаолияти;
- молиявий операцияларнинг самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида макро ва микродаражада молия ҳамда пул оқимларини бошқаришнинг ажралмас элементи.

Молиявий назоратнинг ҳар икки йўналиши бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлса-да, назоратнинг мақсади, методи ва субъектла-рига мувофиқ равишда фарқланади ҳам. Агар биринчи ҳолда назо-ратнинг ҳукуқий ва миқдорий томонлари устунлик қилса, иккинчи ҳолда молиявий назоратнинг аналитик томонига жуда катта эъти-бор берилади.

Барча иқтисодий субъектларнинг (давлат, корхона ва таш-килотларнинг) молиявий фаолияти устидан қонунчилик ва ижроия ҳокимияти органларининг турли даражалари, шунингдек махсус ташкил этилган муассасалар томонидан амалга ошириладиган назо-ратга молиявий назорат дейилади. Бу назорат, энг аввало, пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида мо-лиявий-иқтисодий қонунчиликка риоя этилиши, молиявий-хўжалик операцияларининг самарадорлигини баҳолаш ва амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни ўз ичига олади.

Бошқача сўзлар билан айтганда, молиявий назорат у ёки бу молиявий ҳаракат содир бўлишининг баҳолашни ўз ичига олиш би-лан чекланмасдан, балки у ўзининг аналитик йўналишига эга.

Молиявий назорат қиймат шаклида амалга ошириладиган назорат бўлганлиги учун ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараё-нининг барча соҳаларида амалга оширилади ва пул фондлари ҳаракатининг барча жараёнларида, шу жумладан, молиявий натижаларни идрок этиш жараёнида ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам, молиявий назоратнинг объекти пул муносабатлари ҳисобланади.

Молиявий назоратнинг предмети қуйидаги молиявий кўрсат-кичлардан иборат:

- турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари;
- солиқ тўловларининг ҳажмлари (миқдорлари, ўлчамлари);
- хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг муомала харажатлари;
- таннарх ва фойда;
- уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратнинг предмети ҳисобланган юқоридаги кўрсаткичларнинг кўплари ҳисобли кўрсаткичлар ҳисобланади ва бу нарса, ўз навбатида, уларнинг амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ равишда ҳисобланишининг тўғрилиги ва ишончлилигини назорат қилишни тақозо этади.

Молиявий назорат молия функцияларининг амалга оширилиш шакли бўлиб хизмат қилади. У ҳам давлатнинг, ҳам бошқа барча иқтисодий субъектларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъмин-лашга қаратилган.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат, бир томондан, ўзаро таъсирчан ва иккинчи томондан, мус-тақил бўлган икки соҳага бўлинади¹:

- давлат молиявий назорати;
- нодавлат молиявий назорати.

Давлат молиявий назорати бу давлатнинг асосий қонунларига таянадиган ва ҳокимият ҳамда бошқарув конкрет органлари иқтисодий-ҳуқуқий ҳаракатининг комплексли ва мақсадга йўналтирилган тизимидир. Молиявий назоратни ташкил этишда мамлакатнинг Конституцияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Унинг ҳуқуқий регламенти давлатнинг типига, унинг социал-сиёсий йўналтирилганлигига, иқтисодий тараққиёт даражасига, мулкчилик шакл-ларининг нисбатига боғлиқ.

Давлат молиявий назорати ЯИМ тақсимланишининг қиймат

¹ Айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, молиявий назорат тизими ўз ичига қуйидаги-ларни олади: давлат молиявий назорати; контрагентлар билан молиявий - ҳисоб-китоб муносабатлари жараёнидаги назорат; нодавлат молиявий назорати. (Қаранг: Финансы, налоги и кредит. Учебник. Изд. 2-е, доп. и перераб. /Под ред. д.э.н., проф. И.Д. Мацкуляка. – М.: Изд-во РАГС, 2007. с.23).

пропорцияларини кузатишга қаратилган. Бу назорат давлат молиявий ресурсларини шакллантириш, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиб туриши ва улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул ресурслари ҳаракатининг барча каналларига тегишли ҳисобланади.

Давлат молиявий назорати давлатнинг молия сиёсатини амалга оширишга ва молиявий барқарорлик учун шароитларни яратиш-га қаратилган. Бу нарса, энг аввало, барча даражалардаги бюджетлар ва нобюджет фондларни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, корхона ва ташкилотлар, банклар ва молиявий корпорацияларнинг молиявий фаолияти устидан назоратни аниқ-латади. Агар умуммиллий иқтисодий манфаатлар билан аниқланган бўлса, давлат молиявий назоратчилари ҳам давлат секторида, ҳам хусусий ҳамда корпоратив бизнес секторида тафтиш ва текшириш-ларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бироқ иқтисодиётнинг нодав-лат секторида давлат томонидан амалга ошириладиган молиявий назорат фақат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам қўшиб олган ҳолда давлат олдидаги пул мажбуриятларининг бажарилиши соҳаларини, уларга ажратилган бюджет субсидиялари, кредитлари-ни сарфлашда мақсадга мувофиқлик ва қонунийликнинг риоя қилиниши, шунингдек, ҳукумат томонидан ўрнатилган пул ҳисоб-китобларини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни юритиш қоидаларига риоя этилишини қамраб олади.

Нодавлат молиявий назорати иккига бўлинади: ички (фирма ичидаги, корпоратив) ва ташқи (аудиторлик)².

Молиявий назоратнинг давлат ва нодавлат соҳалари назоратни амалга ошириш методларининг ўхшашлигига қарамадан, ўзлари-нинг пировард мақсадлари бўйича бир-биридан тубдан фарқ ҳам қилади. Давлат молиявий назоратининг бош мақсади давлат хази-насига ресурслар туширишни максималлаштириш ва давлат бош-қарув харажатларини минималлаштириш бўлса, бунга қарама-қар-ши равишда нодавлат молиявий назоратнинг (айниқса, фирма ичи-даги молиявий назоратнинг) бош мақсади жойлаштирилган капи-талдаги фойда нормасини ошириш мақсадида давлат фойдасидаги ажратмалар ва бошқа харажатларни минималлаштиришдан иборат. Бир вақтнинг ўзида молиявий назоратнинг ҳар икки соҳаси амал-даги қонунларнинг ҳуқуқий доирасида чеклаб қўйилган.

Пул муносабатлари, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишдаги қайта тақсимлаш жараёнлари, шу жумла-дан, барча даражалардаги ва ҳўжаликнинг барча бўғинларидаги пул фондлари шаклидаги молиявий ресурслар молиявий назоратнинг объекти ҳисобланади. Текширувларнинг бевосита предмети сифа-тида фойда, даромадлар, рентабеллик, таннарх, муомала харажат-лари каби қиймат кўрсаткичлари майдонга чиқади. Пулдан фойда-ланиш орқали ва айрим ҳолларда пулсиз (масалан, бартер битимла-ри) амалга ошириладиган операцияларнинг барчаси молиявий назо-ратнинг соҳаси ҳисобланади.

² Нодавлат молиявий назорат хусусида ушбу бобнинг 6.4. параграфида батафсилроқ тўхталилади.

Молиявий назорат ўз ичига қуйидаги текширувларни олади:

- иқтисодий қонунларнинг талабларига риоя этиш (МДни тақ-симлаш ва қайта тақсимлаш пропорцияларининг оптималлиги);
- бюджет режасини тузиш ва ижро этиш (бюджет назорати);
- корхона ва ташкилотлар, бюджет муассасаларига тегишли бўлган меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш;
- ўзаро солиқ муносабатлари.

Тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат тизими, асо-сан, бир типда бўлиб, қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- бевосита мамлакатнинг парламенти ёки президентиға бўйсунувчи ҳисоб палатаси. Бу ташкилотнинг бош мақсади давлат маблағларининг сарфланиши устидан умумий назоратни ўрна-тишдир
- асосан солиқли даромадларнинг давлат хазинасига келиб ту-шишини назорат қилувчи ва мамлакат президенти, ҳукумати ёки Молия вазирлигига бўйсунувчи солиқ муассасаси;
- қуйи ташкилотларини текширувчи ва тафтиш қилувчи давлат ташкилотларининг таркибидаги назорат қилувчи органлар;
- ҳисобот ҳужжатларининг ишончлилигини ва молиявий опера-цияларнинг қонунийлигини тижорат асосида текширувчи нодавлат назорат хизматлари;
- асосий вазифаси харажатларни қисқартириш, молиявий оқим-ларни оптималлаштириш ва фойдани ошириш бўлган ички на-зорат хизматлари.

Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда молиявий на-зорат тизими баъзи бир махсус органларни ҳам қамраб олади. Ана шундай органлар қаторига Марказий банк, Давлат божхона қўми-таси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бозор ҳўжалиги асосларининг мустақамланиб бориши билан молиявий назоратни ташкил этиш масалалари янада ҳуқукийроқ хусусиятга эга бўлиб, секин-асталик билан ғарб моделига яқинла-шади. Бу модел амалиётда ўзининг самарадорлигини яққол кўрсатган³.

Жаҳон ҳамжамияти кўп йиллик тажриба асосида молиявий на-зоратни ташкил этишнинг асосий принципларини ишлаб чиққанки, ҳозирги пайтда уларга риоя қилишга дунёнинг ҳар бир цивилиза-циялашган давлати интилади. Бу принциплар ИНТОСАИ⁴нинг Лима декларациясида ўз аксини топган. Уларнинг таркибига қуйи-дагилар киради:

- мустақиллик;
- объективлик;
- компетентлик (лаёқатлилиқ, қодирлик);

³ АҚШ Конгрессининг маълумотларига кўра, охирги 50 йил ичида федерал назорат-тафтиш органларининг фаолиятдан олинган жами иқтисодий самара 500 млрд. доллардан кам бўлмаган. Қаранг: Соменков А.Д. Парламентский контроль за исполнением государственного бюджета. – М.: Экономика, 1998. с. 79.

⁴ ИНТОСАИ – дунёнинг 178 мамлакати олий назорат органларининг Халқаро ташкилоти. Унинг доирасида минтақавий ташкилотлар ҳам амал қилади. Улардан бири ЕВРОСАИ бўлиб, у олий назорат органларининг Европа ташкилотидир.

- ошкоралик.

Молиявий назоратнинг мустақиллиги назорат органининг мо-лиявий жиҳатдан мустақиллиги, назорат органлари раҳбарларининг ваколат муддатларининг парламент муддатларидан узоқлиги, шунингдек, уларнинг конституцион хусусияти билан таъминлани-ши керак. Объективлик ва компетентлик (лаёқатлилик, қодирлик) назоратчилар томонидан амалдаги қонунчиликка сўзсиз итоат эти-лишини, тафтиш ишларини амалга оширишнинг белгиланган (ўрна-тилган) стандартларига (андозаларига) қаттиқ риоя этиш асосида назоратчилар ишининг юқори касбий даражада бўлишини тақозо этади. Ошкоралик давлат назоратчиларининг жамоатчилик ва ом-мавий ахборот воситалари билан доимий алоқада бўлишини кўзда тутди.

Ана шу асосий принциплардан амалий аҳамият касб этувчи молиявий назоратнинг қуйидаги бошқа принциплари келиб чиқиши мумкин:

- натижалилик;
- назоратчилар томонидан талаб қилинадиган талабларнинг аниқлиги ва мантиқийлиги;
- назорат субъектларининг сотиб олувчанмаслиги;
- текшириш ва тафтиш актларида келтирилган маълумотлар-нинг асосланганлиги ва исботланганлиги;
- превентивлик (молиявий бузилмалар эҳтимолининг огоҳлан-тирилувчанлиги);
- молиявий жиноятлар бўйича шубҳаланилаётган шахсларнинг айбсизлик (судгача) презумпцияси;
- турли назорат органлари фаолиятларининг мувофиқлашти-рувчанлиги;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратни ташкил қилиш тизимига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи қонунлар қабул қила туриб, ҳар бир давлат, одатда, юқоридаги принципларга асосланади. Бир вақтнинг ўзида, ҳар бир давлатда назорат ҳаракатларининг ўз регламенти мавжуд бўлиб, бу нарсa пировардда молиявий назоратнинг нати-жаларига ўз таъсирини кўрсатади.

Молия назоратига илова объекти бўлиб, авваламбор, молия тизимининг барча бўғинларидаги моддий ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларида молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган пул муносабатлари ҳисобланади. Молия назоратининг амал қилиш кўлами хўжалик муносабатларининг бутун мажмуини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Молия назоратининг моҳияти унинг вазифаларида ўз ифодасини топиб, улардан бири молиявий ресурсларнинг аҳволини назорат этишдан иборатдир. Ушбу назорат давлат бюджети олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларидан фойдаланишга доир операцияларнинг тўғри амалга оширилишини текширишни кўзда тутди.

Молиявий назорат олдида қуйидаги вазифалар туради:

- молиявий ресурслар билан, халқ хўжалик фондлари ва пул даромадлар миқдори ўртасидаги талабларни балансга келтириш учун ёрдам бериш;
- давлат бюджети олдида молиявий мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш;
- молиявий ресурсларни ўсиши учун ички ишлаб-чиқариш резервларни аниқлаш, шу жумладан: таннархни камайтириш ва рентабелликни ошириш;
- корхоналар, ташкилотлар ва бюджет муассасаларда молиявий бойликларни ва пул ресурсларни рационал сарфлашда ёрдам бериш, ҳамда бухгалтерлик ҳисоб-китоб ва ҳисоботни тўғри олиб бориш;
- ҳозирги қонунларга ва норматив актларга амал қилишни таъминлаш, шу қаторда турли ташкилий-ҳуқуқий усулларига оид корхоналарни солиққа тортиш доирасида;
- корхоналарни ташқи-иқтисодий фаолиятидан юқори унумдорликка эришиш учун ёрдам бериш, шу жумладан валюта операцияларидан ва бошқалар.

Молия назоратининг ниҳоятда муҳим вазифаларидан бири, шунингдек, тўлов айланмасини нормаллаштириш, нотўловлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича салбий оқибатларни тугатишдир.

Молия назорати вазифаларини амалга ошириш натижасида молиявий фаолиятда қонунийлик принципи томонларидан бирини ифодаладиган молия интизоми мустаҳкамланади. Молия интизоми деганда, давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар пул жамғармаларини яратиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш вақтида белгиланган кўрсатмалар ва тартибга қатъий риоя этилиши тушунилади. Молия интизоми талаблари юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат органлари учун амал қилади. Шундай қилиб, молия назорати давлат манфаатларини таъминлайди ва аниқ жисмоний шахслар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши (масалан, бюджетга тўловлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши, солиқлар тўғри олиниши ва ҳ.к.ни назорат этиш)га ёрдам беради.

Молия назоратининг бошқа вазифалари қаторига юридик адабиётларда корхоналар, ташкилотлар томонидан уларнинг тасарруфидаги пул маблағлари (бюджет маблағлари, банк ссудалари ва ҳ.к.)дан тўғри фойдаланилиши ҳамда ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар томонидан молиявий операциялар, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва пул маблағларини сақлашга оид қоидаларга риоя этилишини текшириш киритилган. Яна бир вазифа сифатида молия интизомининг бузилишини бартараф этиш ва бунинг олдини олиш, огоҳлантириш ажратилади. Улар аниқланган ҳолларда ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан белгиланган тартибда жазо чоралари қўлланилади, давлат ва хўжалик юритувчи субъектларга етказилган зарарни қоплаш таъминланади.

«Молиявий назорат» фани «Иқтисодиёт назарияси», «Молия», «Иқтисодий таҳлил» каби фанлардан олинган назарий билимларга таянади.

Шу билан бирга «Молиявий назорат» фани қатор махсус фанлар, жумладан, «Давлат бюджети», «Маҳаллий бюджетлар», «Молиявий ресурсларни бошқариш муаммолари», «Бюджетдан ташқари фондлар» каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар молиявий назорат тизими ва унинг назарий, услубий ва ҳуқуқий асослари ҳақида, молиявий назоратни ташкил қилиш турлари, шакллари ва усуллари ҳақида тегишли билимга, ўқувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда молиявий қонунчиликдаги янгиликлар, оммавий-ахборот воситалари орқали халқаро миқёсдаги кундалик молиявий ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур фаннинг асосий ғояларини тўла ва муваффақиятли ўрганиш учун талабалар молия-бюджет амалиётида мавжуд иқтисодий таҳлил усулларида, молиявий назорат усулларида фойдалана билишлари лозим.

2-мавзу. Молиявий назоратни ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари

Режа:

1. Молиявий назорат – бошқариш тизимининг асосий элементи сифатида. Молиявий назоратнинг назарий асослари.
2. Молиявий назоратнинг объектлари ва субъектлари. Назорат элементлари. Молиявий назоратни ташкил қилиш тамойиллари.
3. Молиявий назоратнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, хўжалик юрителишнинг юқори натижаларига эришишга, давлат даромадларининг ошишига ҳамда давлат маблағларидан самарали, мақсадга мувофиқ фойдаланишга таъсири.
4. Молиявий назоратни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг мустаҳкамланиши ва такомиллашуви.


Назорат - бу бирор ишнинг, нарсанинг ахволи, кишининг юриш-туриш ва шу каби устидан доимо кузатиш, текшириш. Назорат – давлат бошқарув органларининг айрим бошқарув соҳаларида давлат томонидан белгиланган қоидаларга давлат томонидан белгиланган қоидаларга ҳужалик субъектлар, мансабдор шахслар роя этишини контроль қилишдан иборат фаолиятдир.

Молиявий назорат – бу молиявий текшириш ва у билан боғлиқ бўлган масалалар ҳаракатини ва муомаласини мажмуи бўлиб, хўжалик субъектлари фаолиятини ва бошқаришни узига хос усуллар ва шакллар ёрдамида ташкил этиш.

Мамлакат иқтисодиёти ва молия тизимининг самарали амал қилишининг зарурий шарти бўлиб молиявий назорат хизмат қилади. Молиявий назорат жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш устидан давлат назоратининг таркибий элементи бўлиб ҳисобланади. Давлат молиявий назоратнинг бошқарув тизимининг асосий элементи бўлган умумий назорат тизимидаги муҳим ўрни ва аҳамияти шундаки, биринчидан, молия ўзи иқтисодий категория сифатида объектив тарзда назорат функциясини бажаради; иккинчидан, бозор иқтисодиётида молиявий муносабатларнинг роли ошиб боради. Барча узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнларини, хўжалик юрителишнинг барча поғоналари, давлат бошқарувининг барча даражаларини қамраб олар экан молиявий назоратнинг универсал қуроли сифатида амал қилади.

Бозор иқтисодиёти учун давлат молиявий назорати фаолиятнинг алоҳида бир соҳасига айланиб боради. Давлат молиявий назоратнинг объекти бўлиб бошқаришнинг барча даражаларида молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва ишлатилишидан тақсимланиш жараёнлари майдонга чиқади. Бу борадаги Давлат молиявий назорати аввало давлат молиявий ресурсларидан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиши, давлат мулкидан оқилона фойдаланишини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим.

Молиявий назоратнинг мазмуни



Молиявий назоратнинг юзага келиши ва ривожланиши давлат молиявий тизимининг ташкил этилиши ва ривожланиши билан шарт қилиб қўйилди.

Молия каби молиявий назорат ҳам капиталистик жамиятдан аввалги босқичлардаёқ, шаклланиш ва ривожланишнинг узок даврини босиб ўтди. Унинг баъзи элементлари кулдорлик ва феодал жамиятларидаги ижтимоий муносабатларда намоён бўлди. «Натура хўжалигининг умумий иқтисодий

Қулдорлик ва феодал жамиятлари барча ижтимоий қатламларига сингган ҳокимлик ва тобелик муносабатлари, «мушт» ҳуқуқи давлат солиқ тўловчилари фаолиятининг ниҳоятда хилма хил «назорат» шакллариининг гуркираб гуллаб-яшнаши учун объектив асос яратади.

Молиявий назорат назарияси, унинг мазмуни, ўрни ва ташкил этилишини ишлаб чиқиш билан кўплаб олимлар шуёулланган бўлиб, шунинг учун бозор муносабатларининг янги тизимига ўтиш ва янги молиявий тизимни шакллантириш чоғида барча турли-туман фикрларни, жумладан МДХ давлатлари ва бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар олимларининг фикрларини ўрганиб чиқмоқ фойдалидир.

Молиявий назорат таърифларининг қиёсий таҳлилини келтирамыз.

Манбалар	Таъриф
Назорат амал қилинувчи қоидаларнинг Лима декларацияси. Олий назорат органлари халқаро ташкилотининг (INTOSAI) IX Конгрессида 1977 йил қабул қилинган, 1-модда. "Назоратнинг мақсади" [20, 56-б.].	Назоратни ташкил этиш ижтимоий молиявий маблағларни бошқаришнинг зарурий элементи ҳисобланади, чунки бундай бошқарув жамият олдидаги масъулиятни келтириб чиқаради. Назорат шунчаки мақсад бўлиб қолмасдан, балки тартибга солиш тизимининг ажралмас қисмидир, унинг мақсади аҳволни тўқрилаш чораларини кўриш, айрим ҳолларда айбдорларни жавобгарликка тортиш, етказилган зарар учун товон ундириб олиш ёки келгусида бундай бузилишларнинг олдини олиш ёхуд камайтириш имкониятига эга бўлиш учун имкони борида дастлабки босқичда қабул қилинган стандартлардан чекинишларни ва қонун қоидаларининг бузилишларини, моддий ресурсларнинг самарадорлиги ва тежаб сарфланишини аниқлашдан иборатдир
Н.С.Малеин [22, 103-б.]	Молиявий назорат - молиявий, кредит ва хўжалик органлари (ташкilotлари)нинг режаларнинг бажарилиш жараёнида молиявий, бюджет, солиқ, кредит, ҳисоб-китоб ва касса интизомини таъминлашга ўратилган ва пул ҳаражатларининг қонунийлиги, асослилиги ва оқилоналигини текширишдан иборат қонун нормалари билан тартибга солинувчи фаолиятидир.
Д.А.Аллахвердян [6, 6-б.]	Молиявий назорат - давлат назоратининг таркибий қисми, иқтисодий бошқариш ва режалаштириш бутун тизимининг элементидир.
Э.А.Вознесенский [14, 43-б.]	Молиявий назорат - давлат ва жамоат органларининг; кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришда режали мутаносибликка риоя қилиш мақсадларида марказлаштирилган ва маҳаллий пул жамғармаларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнларининг асосли эканлигини текширишдан иборат фаолиятдир.
И.А.Белобжецкий [7, 7-б.]	Иқтисодий назорат қабул қилинган бошқарув қарорларининг асослилиги ва самарадорлигини ва улар ижросининг натижаларини баҳолаш мақсади билан бошқарилувчи объектнинг иш олиб бориш жараёни ва ҳақиқий ҳолатини кузатиш камда текшириш тизимини ўз ичига олади.
Манбалар	Таъриф

И.А.Белобжецкий [8, 23-6.]	Молия-хўжалик назорати деганда назорат вазифалари юклатилган давлат ва жамоат органларининг корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотлар ва моддий ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларининг молия-хўжалик фаолияти устидан бу фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини ҳолис баҳолаш, хўжалик ва молиявий операцияларнинг қонунийлиги, тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигини, социалистик мулкнинг сақланишини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва давлат бюджети даромадларини оширишнинг ички хўжалик имкониятларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган назорат тизимидир.
Ю.А.Данилевский [15, 16-6.]	Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни бошқариш умумий механизмининг муҳим вазифалари ва ажралмас таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, молиявий, кредит, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўз ичига олади. Нazorat доирасига пулда ивдаланган товар-моддий ўйматликларни ишлаб чиқариш, таъсимлаш, уларни ишлатиш ва истеъмол киради.
С.С.Носова [25,5-6.]	Иқтисодий назорат ишлаб чиқариш устидан инсоният яратган Ғоят самарали назоратдир. У нарх, иш ҳақи, фойда, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва фойдаланиш, ссуда фоизи, рента, солиқ, пул ва ш.к. орқали амалга оширилади.
Ю.М.Иткин	Давлат назорат органларининг вазифаси, энг аввало, давлат қонунлари ва президент фармонларининг ижросини; Олий Кенгаш томонидан ажратилган бюджет маблағлари йўналтирилишининг қонунийлиги, тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигини: ҳукумат ва унинг органлари фаолиятининг самарадорлигини, молиявий ва моддий ресурсларнинг бошқаришнинг барча даражаларида давлат маблағлари самарали ва тежаб-тежаб сарфланишини текширишга йўналтирилиши керак.
Манбалар	Таъриф
Ю.М.Иткин [17, 38-6.]	Нazoratнинг вазифаси йўл кўйиладиган четга чиқиш меъёрларини малакали белгилашдан иборат, қолган барча четга чиқишларни қайд этиш ва бартараф қилиш талаб қилинади. Бошқарувнинг ички ва ташқи хўжалик жараёнларини кузатиш, текширишни амалга оширар экан, назорат бозор иқтисодиётида, бу ҳаракатларнинг ҳаммаси фаўат самарали бошқариш учун фойдали бўлгандагина мавжудлик ҳуқуқига эгадир.
С.О.Шохин, Л.И.Воронина [27, 14-6.]	Молиявий назорат деганда назорат вазифалари юклатилган давлат ва жамоат органларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ҳолис баҳолаш мақсади билан бу фаолият устидан назоратнинг кўп томонлама тармоқлардаги тизимини, хўжалик ва мақсадга мувофиқлигини аниқлашни ҳамда давлат бюджети даромадларининг резервларини аниқлашни тушунмок керак.

Молия назорат вазифасининг мавжудлиги ў-ўзидан молиявий назорат мавжудлигини келтириб чиқармайди, у тегишли давлат органларининг муҳим ташкил этувчи фаолиятини тақазо этади.

1. Молиявий назорат - кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда молия муҳим ролининг бир кўринишидир.

2. Молиявий назорат давлат бошқарув органлари фаолиятининг турларидан бири сифатида намоён бўлади.

3. Молиявий назорат - бошқарувнинг тартибга солиш, режалаштириш, ҳисоб-китоб ва хўжаликни юритувчи субъект фаолиятининг таҳлили сингари мустақил вазифасидир.

4. Тақсимлаш муносабатлари орқали молиявий назорат ишлаб чиқариш, айирбошлаш, муомала ва истеъмол муносабатларига татбиқ этилади.

Молиявий назорат

Молиявий назорат иқтисодий категория сифатида молияга объектив хос бўлган назорат хусусиятининг амалда намоён бўлишидир.

Одатда, молиявий назорат қуйидаги икки йўналишда (аспектда) қаралади

Барча иқтисодий субъектларнинг молиявий қонунчилик ва молиявий интизомга риоя қилиши устидан махсус ташкил этилган назорат органларининг қаттиқ регламентация қилинган (тартибга солинган) фаолияти

Молиявий операцияларнинг самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида макро ва микро даражада молия ҳамда пул оқимларини бошқаришнинг ажралмас элементи

Барча иқтисодий субъектларнинг (давлат, корхона ва ташкилотларнинг) молиявий фаолияти устидан қонунчилик ва ижроия ҳокимияти органларининг турли даражалари, шунингдек махсус ташкил этилган муассасалар томонидан амалга ошириدىган назоратга **молиявий назорат** дейилади

Молиявий назорат - давлат томонидан ташкил этилган, назорат ўтилиш вазифалари юклатилган давлат ёки мустақил жамоат органлари томонидан ҳукумат, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятининг самарадорлигини аниқлашга қаратилган назорат тизимидир. Давлат бюджетини шакллантириш ва сарфлашдаги резервларни, молиявий ва моддий ресурсларни бошқаришнинг барча даражаларида операцияларнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини, қонунийлик принципларидан четга оғиш ва уларни бузишларни аниқлаш назорат тизими вазифасига киради. Назорат мақсади - тузатиш чораларини кўриш, айбдорларни жавобгарликка тортиш ва бузишларнинг олдини олишдан иборат.

Молиявий назоратнинг асосий элементлари



Назорат субъекти – назорат тизимининг махсус органи, назорат қилувчи ташкилот, алоҳида шахс бўлиши мумкин. Назорат қилувчи субъект фаолиятини ташкилот қисмида маълум умумийликка эга бўлган бир гуруҳ объектлар масалан, Молия Вазирлигига ёки назорат тафтиш бошқармасига бириктириб қўйилади. Назорат фаолиятини амалга оширишда бир объектнинг бир қанча назорат субъектлари томонидан айна бир назорат предмети юзасидан текшириш ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида у ёки бу назорат субъектнинг фаолият доираси аниқ чегараниши керак. Назорат субъектларига юклатилган мажбуриятлар назорат органларининг олдига қўйилган мақсадлардан келиб чиқиш ва уларга тўлиқ мос келиши муҳимдир.

Назорат объекти – кимни назорат қилиш керак ? деган саволга жавоб беради. Давлат молиявий назорати объектилари ташкилий-ҳуқуқий шакли ва фаолият туридан қатъий назар давлат молиявий ресурсларидан фойдаланувчилар: давлат молиявий сиёсатини юритишга мутасадди бўлган ҳукуматнинг ижроия органлари пул-кредит муассалари, давлат маблағларини жалб қилувчи ва улардан фойдаланувчи инвестицион институтлар, давлат корхоналари, бюджет ташкилотларидир.

Молиявий назорат махсус тамойиллар орқали амалга оширилади.

Назорат тамойиллари- назоратнинг илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган ва амалий фаолиятдан ўтган сиёсий, ташкилий ва ҳуқуқий асослари бўлиб, уларга амал қилишлиги назоратнинг самарадорлигини таъминлайди. Назорат тамойиллари молия соҳасидаги назоратнинг умумий тартибини мақсадга йўналтирилганлигини белгилаб беради

Кўп йиллик тажриба асосида жаҳонда давлат молиявий назоратини ташкил этишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳар бир цивилизациялашган давлатларга амал қилинган ва интилади. Бу тамойиллар қонунийлик, дахлсизлик, объективлик, малакалилик, ошкораликни талаб қилади.

Қонунийлик – молиявий назоратнинг муҳим таъинилларидан бири бўлиб, биринсидан, давлат ва маҳаллий молиявий ва моддий ресурслардан фойдаланишдаги қонунийликни кўзда тутса, иккинчидан, назорат органлари фаолияти ҳам қонун асосида белгиланган ваколатлари доирасида ташкил этилмоғи керак.

Дахлсизлик - назорат органларининг дахлсизлиги қонунан белгилаб қўйилиши керак. Дахлсизлик назорат органлари ишининг самарадорлигини таъминловчи омил бўлиб назорат қилувчи органнинг молиявий жиҳатдан ҳам мустақил ва дахлсизлигини кўзда тутди.

Объективлик ва малакалилик – назорат ўтказувчи шахслар томонидан амалдаги қонунчиликнинг сўзсиз риоя қилишни, уларнинг юқори малакали касбий даражада бўлишларини кўзда тутди.

Ошкоралик – тамойили эса назорат органларининг жамоатчилик оммавий ахборот воситалари билан яқиндан алоқада бўлишларини талаб қилади. Чунки назорат органлари бевосита ёки билвосита тарзда бир гуруҳ

кишиларнинг ёки бутун аҳолининг манфаатларини иш юритадилар.

Назорат-иқтисодий ишлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, хўжалик юритишнинг юқори натижаларига эришишга, давлат даромадларининг ошишига ҳамда давлат маблағларидан самарали, мақсадга мувофиқ фойдаланишга таъсир этади.

Мамлакат иқтисодиёти ва молия тизимининг самарали амал қилишининг зарурий шартини бўлиб молиявий назорат хизмат қилади. Молиявий назорат жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш устидан давлат назоратининг таркибий элементи бўлиб ҳисобланади.

Назорат бошқариш циклининг шакли сифатида қабул қилинаётган ёки қабул қилинган бошқарув қарорларининг асосланганлиги ва самарадорлигини баҳолаш, бу қарорларнинг амалга оширилиш даражасини ҳақиқий натижаларнинг ўрнатилган параметрлари ва меъёрий кўрсатмалардан оғиш (фарқ қилиш) даражасини аниқлаш ва салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида бошқарилувчи объект фаолиятини кузатиш, солиштириш, текшириш ва таҳлил қилиш тизимидир.

Бозор иқтисодиёти учун давлат молиявий назорати фаолиятнинг алоҳида бир соҳасига айланиб боради. Давлат молиявий назоратнинг объекти бўлиб бошқаришнинг барча даражаларида молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва ишлатилишидан тақсимланиш жараёнлари майдонга чиқади. Бу борадаги Давлат молиявий назорати аввало давлат молиявий ресурсларидан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиши, давлат мулкидан оқилона фойдаланишини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим.

Бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ мақсадларда фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини, штат-смета интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябр-даги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизнинг Давлат бюджети шаклан қонуний асослаб берилди. Ўтган давр ичидаги барқарор бюджет тизимини тўлиқ шакллантириш соҳасидаги барча ишлари-миз ва тажрибаларимиз бу соҳадаги жаҳон тажрибаси билан уйғун-лашди, бу эса Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда ўзининг ҳуқуқий аксини топди.

2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ҳамда уни бошқариш асосларини ҳамда давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини ва Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ҳамда унинг харажатларини амалга ошириш принципларини кўрсатиб берди. Шунингдек, мазкур қонун давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда давлат бюджети маблағлари билан

операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қи-лиш тартибини белгилайди.

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 2002 йил 13 декабрда 447-II сон билан узгартиришлар киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ги қонунига мувофиқ банк тизими барқарорликни қўллаб-қувватлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида банк назоратини ва банклар фаолиятини тартибга солишни амалга оширади.

2004 йил 26 августда ғазна ижросини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 665-II сонли «Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида» ги Қарори қабул қилинди.

Давлат молиясини бошқаришда солиқ органлари муҳим рол уйнайди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда 474-сон билан қабул қилинган ва 2003 йил 25 апрелда 482-II сон Қонун билан узгартиришлар киритилган қонуни солиқ назоратининг асослари, уни амалга ошириш бўйича солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган.

Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлаган эдилар: «Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат Солиқ Қўмитаси, Адлия вазирлиги Савдо-саноат палатасини жалб қилган ҳолда амалдаги солиқ қонунчилигини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, шу асосда уни янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришни назоратда тутадиган янги таҳрирдаги Солиқ Кодексини тайёрлашлари ва тасдиқлаш учун киритишлари зарур».¹

Шу муносабат билан, 2007 йил 25 декабрда янги Солиқ Кодекси тасдиқланди ва 2008 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилди. Ушбу Кодекснинг 14-моддасига мувофиқ ваколатли органлар эtib қуйидагилар белгиланган:

- давлат солиқ хизмати органлари;
- божхона органлари;
- молия органлари;
- бошқа мажбурий туловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари.

**Молиявий назоратни амалга оширишнинг
қонуний-ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет
tizими тўғрисида»ги Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси

Ўзбекистон Республикаси нинг “Давлат
бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг
ҳар молиявий йил учун қабул қилинадиган
“Ўзбекистон Республикасининг Давлат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҳар молиявий йил учун қабул қилинадиган
“Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети
параметрлари тўғрисида”ги Қарори

Молия вазирлиги, Марказий Банк,
бошқа бюджетни бошқариш органларининг
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

Назорат учун саволлар.

1. Молиявий назоратнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унинг Ўзбекистон Республикасида тутган ўрни
2. Молиявий назорат – молиявий бошқарувнинг элементи сифатида ва унинг давлат молиясини бошқаришдаги аҳамияти.
3. Молиявий назоратни ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари
4. Молиявий назорат тамойилларининг моҳиятини изоҳлаб беринг.
5. Назорат жараёнининг ўзаро боғлиқ босқичларини айтинг.
6. Давлат молиявий назоратнинг амал қилиш тизимининг элементлари.

3-мавзу: Молиявий назоратни ташкил қилиш тур, шакл ва усуллари

Режа:

1. Молиявий назоратни гуруҳлаш асослари. Молиявий назоратнинг уни амалга оширувчи субъектларга кўра турлари.
2. Молия органларида молиявий назоратни олиб бориш шакллари
3. Назоратни олиб бориш усуллари

Давлат молиявий назоратнинг амал қилиш соҳасига кўра қуйидагилардан иборат.

1) Давлат молиявий назорати

2) Нодавлат молиявий назорат

- Давлат молиявий назорати давлат бошқаруви ва ижроия органлари томонидан қонуний асосда тегишли ваколатлар доирасида амалга ошириладиган назорат туридир.

Умумдавлат молиявий назорати бутун мамлакат миқёсида тегишли ваколатларга эга бўлган иқтисослашган давлат назорат органлари томонидан амалга оширилади. Хўжалик алоқаларининг кенгайиши хусусиятларининг ва давлат тасарруфидан чиқарилиши жараёнларини жадаллашуви натижасида турли мулк шаклларига асосланган корхона-ташкилотларнинг пайдо бўлиши хўжалик фаолиятларининг эркинлашуви нодавлат молиявий назоратнинг шаклланишини ва ривожланишига туртки бўлди. Нодавлат молиявий назоратни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- Хўжалик ички молиявий назорати
- Жамоат молиявий назорати
- Дахлсиз (мустақил) молиявий назорати

Хўжалик ички молиявий назорати хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-иқтисодий хизматлари томонидан субъектнинг молиявий фаолитини: пул маюлағларининг ҳаражатини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиши фаолиятини корхонанинг давлат, молия-банк муассалари ҳамкорари ва ўз ҳодимлари олдидаги молиявий мажбуриятларни бажариш ҳолатлари корхоналарнинг ликвидидлик даражасини, молиявий барқарорлигини назорат қийиндир. Хўжалик ички молиявий назоратини амалга оширишда ички аудитнинг аҳамияти катта.

Ички аудит – бу фирма ичидаги аудиторлик хизмати бўлиб, бош фирма марказида фаолият кўрсатиш билан бир қаторда филиаллар ва бўлинмалар таркибида ҳам фаолият қилиши ички аудитни фаолият қилиши мумкин.

Ички аудитни фаолияти корхоналарда молия-хўжалик фаолиятини такомиллаштириш, тўғри ва оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашиш ҳамон минимал мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда максимал фойдалилик ва рентабелликни таъминлашга қаратилган.

Ички молиявий назорат тизими аниқ хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг раҳбарлари ва функционал тузилмалари томонидан амалга ошириладиган кундалик иш-фаолиятнинг

ажралмас қисмидир. Аммо молия ҳуқуқига оид адабиётларда ушбу тизимнинг моҳияти асосан “умуман корхоналар, уларнинг айрим тузилмавий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини хўжалик юритувчи ссубъектнинг ўз бухгалтерияси, молия бўлими ва айрим иқтисодий хизматлари томонидан текшириш⁵”дан иборат деб, у “ички хўжалик назорати” атамаси билан белгиланган. Шундай қилиб, ички молиявий назорат тизимидан унинг жуда муҳим бўғини, хусусан, бюджет ташкилотларининг ўз ҳуқуқий мақомига кўра хўжалик юритувчи ссубъектларга кирмайдиган тегишли хизматлари томонидан амалга ошириладиган молиявий фаолият ҳисобга олинмаган.

Ички хўжалик назорати хўжалик юритувчи ссубъектларнинг турли ресурслари ва потенциалини сақлаб қолиш ва улардан самарали фойдаланишда, уларнинг молиявий фаолиятида қонунчилик ва интизомга риоя этилишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Бироқ давлат манфаатларини ҳимоялаш нуқтаи назаридан бюджет ташкилотларида ички молиявий назоратни тегишли тарзда ташкил этиш бундан кам бўлмаган, муайян маънода еса, бундан ҳам кўпроқ аҳамиятга егадир, чунки бу давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни харажат қилишда қонунчилик ва интизомга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқдир. Шу сабабли молиявий назорат умумий тизимида фақат хўжалик ички назоратини унинг бир қисми сифатида ажратиш ўзини тўлиқ оқламайди. Ички молиявий назорат тизими тўғрисида гапириш тўғрироқ бўлур еди, чунки бу назорат хўжалик юритувчи субъектлар, умуман бюджет ташкилотлари ва муассасалари ва уларнинг айрим тузилмавий бўлинмалари молиявий фаолияти устидан хўжалик юритувчи ссубъектлар, бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг ўз махсус хизматлари (бухгалтерия, молия бўлимлари) томонидан молиявий муносабатларда қонунчилик ва интизомга риоя этилиши масалалари бўйича ўтказиладиган текширувдан иборат.

Дахлсиз (мустақил) молиявий назорат аудиторлик фаолияти асосидаги назорат бўлиб унинг асосий мақсади хўжалик субъектларида юриталаётган бухгалтерия ҳисоботларининг аниқ ва тўғрилигини аниқлаш ва улар томонидан амалга оширилаётган молиявий хўжалик операцияларининг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий хўжаликларга мослиги ҳақида ҳулосалар беришдан иборат. Мустақил молиявий назоратни махсус аудиторлик фирмалари ва идоралари амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунида (2000 йил 26 май, янги таҳрири)⁶ аудит деганда, аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа касбий хизматларни кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Аудитнинг ушбу таърифи унинг мазмун-моҳияти ва мақсадини тўлиқ очиб бера олмайди. Бизнинг фикримизча, аудит деганда, иқтисодий ссубъектларнинг аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари)нинг бухгалтерия ҳисоботи, тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатлари, солиқ декларациялари ва бошқа молиявий мажбуриятлар ва

⁵ Finansovoye pravo: Darslik/ prof. O.N.Gorbunova tahriri ostida.- M.: Yurist',1996. - 61-b.

⁶ O`R OMA, 2000, №5-6, 149 -m.; O`R QT, 2003, №3,20 -m.

талабларини уларнинг бухгалтерия ҳисоботида тўғрилиги ва улар томонидан амалга оширилган молиявий ва ҳўжалик операциялари Ўзбекистонда амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида мустақил равишда текширув ўтказиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини тушунмоқ керак.

Жаҳон амалиётида аудит янгилик бўлмай, фаолиятнинг барча соҳаларида қўлланилади. Ўзбекистонда иқтисодий ссубъектларнинг молиявий ахборот фойдаланувчилари еҳтиёжини таъминлайдиган, унинг тўғрилигини тасдиқлайдиган шаклда мустақил молиявий назоратнинг юзага келиши нисбатан янги институт ҳисобланади. Шу билан бирга, бизнинг мамлакатимизда аудит анчагина кенг қўлланилмоқда. Ҳозир тўлиқ айтиш мумкинки, Ўзбекистонда аудит қарор топди ва у тобора кўпроқ ривожланиб бормоқда. Халқаро намуналар ҳисобга олинган ҳолда, аудитнинг қонунчилик ва бошқа меъёрий базаси яратилди, уни амалга ошириш усуллари такомиллаштирилиб борилмоқда.

Аудиторларнинг маслаҳат фаолияти ташкилотлар молиявий механизмини оптималлаштириш, молиявий оқимлар назорат тизими, бухгалтерия ҳисоби, солиқ базалари ва ҳ.к.ни ташкил етиш ва юритишга ёрдам беради. Аудиторлар ушбу хизматларни нодавлат сектор ташкилотлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш мақсадида давлат томонидан ҳам, молиявий ахборот фойдаланувчилари томонидан ҳам амалга оширадilar.

Аудит мажбурий ва тушуббусли бўлиши мумкин. Агар ташаббусли текширув иқтисодий ссубъектнинг қарори бўйича амалга ошириладиган бўлса, мажбурий аудит унинг хоҳиш-иродаси ва истагига боғлиқ бўлмаган ва қонунчиликда белгиланган ҳолларда мажбурий тартибда ўтказилади. Ҳар йили мажбурий аудит текшируви:

- аксиядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари; суғурта ташкилотлари; инвестицион ва бошқа фондлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг тўпланма маблағлари, уларнинг бошқарувчи компаниялари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг кўнгилли ажратма маблағлари уларнинг асосий манбалари бўлган хайрия ва бошқа ижтимоий жамғармалар;
- ҳосил бўлиш манбалари қонунчиликда кўзда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган мажбурий ажратмалардан иборат бўлган бюджетдан ташқари жамғармалар; устав фондида давлатга тегишли улуши бўлган ҳўжалик юритувчи ссубъектларда ўтказилиши шарт.

Мажбурий аудиторлик текшируви буюртмачиси сифатида ҳўжалик юритувчи ссубъект иштирок етади. Аудиторлик ташкилотини танлаш мулк егаси, ҳўжалик юритувчи ссубъект қатнашчилари (аксиядорлари) умумий мажлиси билан келишилади. Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бош бортиш ҳўжалик юритувчи ссубъектдан энг кичик иш ҳақининг эллик баробари миқдоридаги жарима ундириб олиниши ҳамда унинг раҳбарининг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Жарима тўлаш хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан озод этмайди.

Аудитнинг асосий принципи унинг мустақиллиги бўлиб, бунда асосан текширилаётган субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисидаги касбий фикрини ифодалашда бирор томоннинг таъсири остида бўлишдан унинг озод эканлигини тушуниш лозим. Шу билан бирга, яна шуни ҳисобга олиш керакки, аудит барча мамлакатларда йетарли даражада каттиқ тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунини амалга ошириш, аудиторлик текширувларининг роли ва мақомини ошириш, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан аудиторлик хулосалари ҳисобини юритишни таъминлаш мақсадида сўнгги вақтларда бизнинг мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тартибига жиддий ўзгартиришлар киритилди⁷.

Хусусан, белгилаб қўйилдики, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш ишлари аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молиявий-хўжалик фаолияти солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан мажбурий тарзда тегишли аудиторлик ташкилотлари жалб етилган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавобгар ҳисобланади.

Тартиблар тўғрисида бир неча низомлар тасдиқланган:

а) солиқ ва бошқа назорат органларининг аудиторлик хулосалари ҳисобини юритиш;

б) мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказишдан бош тортганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириб олиш;

в) аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензиялар бериш.

Молиявий-хўжалик назорати шакллари талқин этишда ҳар қандай реаллик икки томонининг ўзаро боғлиқлигини акс еттирувчи умумий категориялар сифатидаги мазмун ва шаклнинг ўзаро алоқаси, муносабатидан келиб чиқиш керак. Шуни ҳисобга олган ҳолда, молиявий назорат шакллари деганда, назорат функцияларини бажариш учун йўналтирилган назорат ҳаракатларини аниқ ифодалаш ва ташкил этиш усуллари тушунмоқ керак.

Шакл ҳамма вақт мазмунга акс таъсир кўрсатганлиги сабабли, назоратнинг енг самарали шакллари танлаб олиш, муайян бир хўжаликни юритиш вазиятлари ва иқтисодиётни бошқарув айрим бўғинларини ҳал етувчи вазифаларнинг қўлланиш соҳаларини аниқ чегаралаб олиш муҳим. Молиявий назорат шакллари сифатида дастлабки, жорий ва кейинги назоратни ажратиш мумкин. Улар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бу билан назоратнинг узлуксизлигини акс эттиради. Ушбу таснифга назорат ҳаракатларини уларни

⁷ Қ.: О'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Auditorlik faoliyatini takomillashtirish va auditorlik tekshiruvlari rolini oshirish to'g'risida" 2000 yil 22 sentabrdagi 365-sonli qarori.

амалга ошириш вақтига қараб аниқ ифодаланиши ва ташкил этилишининг айрим томонлари асос қилиб олинган.

Молиявий назоратнинг шакллари куйидаги мезонлар бўйи-ча классификация қилиш қабул қилинган:

- амалга оширилиш регламенти;
- ўтказилиш вақти;
- назоратнинг субъектлари;
- назоратнинг объектлари.

Амалга оширилиш регламенти бўйича молиявий назоратнинг шакллари куйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- мажбурий (ташқи);
- ташаббускорли (ички).

Юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий фаолияти усти-дан мажбурий (ташқи) назорат қонун асосида амалга оширилади. Булар, асосан ташқи, мустақил назоратчилар томонидан амалга ошириладиган солиқ текширувларига, бюджет ресурсларидан мақ-садли фойдаланиш устидан назоратга, корхона ва ташкилотларнинг молия-бухгалтерия ҳисоботлари маълумотларини мажбурий ауди-торлик тасдиқланишига ва ҳ.к.ларга тегишли бўлиши мумкин.

Ташаббускорли (ички) молиявий назорат молиявий қонунчи-ликдан келиб чиқмаса-да, тактик ва стратегик мақсадларга эри-шишда молиявий бошқарувнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўтказилиш вақти бўйича молиявий назоратнинг шакллари куйидагиларни ўз ичига олади:

- дастлабки;
- жорий (оператив);
- навбатдаги (келгуси, сўнгги).

Дастлабки молиявий назорат молиявий операцияларнинг со-дир бўлишидан олдин амалга оширилади ва молиявий хатоликлар-нинг олдини олиш ёки уларни огоҳлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Молиявий назоратнинг бу шакли маблағларнинг тежамсиз ва самарасиз сарфланишининг олдини олиш учун харажатларнинг молиявий жиҳатдан асосланган бўлишини кўзда тутди. Макрода-ражада бундай назоратга мисол сифатида мамлакат иқтисодий тараққиётининг макроиқтисодий кўрсаткичлари башоратлари асо-сида барча даражадаги бюджетларни ва нобюджет фондларининг молиявий режаларини тузиш ва тасдиқлаш жараёнини кўрсатиш мумкин. Микродаражада эса улар молиявий режалар ва сметалар, кредит ва касса аризалари, бизнес-режаларнинг молиявий бўлим-лари, башорат балансларини тузиш, ҳамкорликдаги фаолият тўғри-сида шартнома ва ҳ.к.лардан иборат бўлиши мумкин.

Жорий (оператив) молиявий назорат пул битимлари, молиявий операциялар, ссуда ва субсидияларни бериш ва ҳ.к.ларнинг содир бўлиш вақтида амалга оширилади. Молиявий назоратнинг бу шак-ли маблағларни олиш ва уларни сарфлаш жараёнида вужудга кели-ши мумкин бўлган қонунбузарликлардан огоҳлантиради, молиявий интизомнинг

мустаҳкамланишига ва пул ҳисоб-китобларининг ўз вақтида амалга оширилишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу ерда бух-галтерия хизматлари катта аҳамият касб этади.

Навбатдаги молиявий назорат молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳужжатларини таҳлил ва тафтиш қилиш йўли билан амалга оширилиб, унинг бу шакли иқтисодий субъектлар молиявий фаолиятининг натижаларини, таклиф этилган молиявий стратегия амалга оширилганлигининг самарадорлигини, молиявий харажатларни уларнинг башоратлари билан қиёсланишини ва ҳ.к.ларни баҳолашга мўлжалланган.

Назоратнинг субъектлари бўйича молиявий назоратнинг қуйи-даги шакллари бўлиши мумкин:

Назоратнинг объектларига мувофиқ равишда молиявий назоратнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- бюджет молиявий назорати;
- нобюджет фондлар устидан амалга ошириладиган молиявий назорат;
- солиқлар бўйича амалга ошириладиган молиявий назорат;
- валюта операциялари устидан амалга ошириладиган молиявий назорат;
- кредит операциялари бўйича молиявий назорат;
- суғурта фаолияти бўйича молиявий назорат;
- инвестицион фаолият бўйича амалга ошириладиган молиявий назорат;
- пул массаси устида амалга ошириладиган молиявий назорат;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратни амалга ошириш жараёнида унинг қуйи-даги методларидан фойдаланилади:

- текширув;
- тадқиқ этиш;
- назорат;
- молиявий ҳолат таҳлили;
- мониторинг;
- тафтиш.

Амалдаги қонунчиликда текширувларнинг белгиланган барча турлари таърифи берилган:

текширув назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини ижро этишлари устидан бир марта ўтказиладиган назоратдир;

қисқа муддатли текширув - назорат органлари томонидан бир иш куни давомида ўтказилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширув;

комплекс текширув - бир бир вақтда икки ёки бир неча назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширув;

режадан ташқари текширув - назорат органлари томонидан қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда йиллик (чораклик) режа-графикка киритилмаган равишда ўтказиладиган текширув (жумладан қисқа муддатли текширув);

қарши текширув турли хўжалик юритувчи субъектлар ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларида бўлиб, ягона операция билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ўзаро солиштиришдан иборат бўлган текширувдир.

Барча турдаги текширувларни молиявий назоратнинг самарали усуллари сифатида тан олиб, уларнинг аҳамиятини камситмаган ҳолда, шунинг қайд этиш зарурки, тафтиш алоҳида аҳамият касб этади. Молиявий назоратнинг мазкур усули ўзининг мақсади ва объектлари нуқтаи назаридан ҳам, молия интизомини самарали таъминлай олиши жиҳатидан ҳам энг муҳим назорат бўлиб ҳисобланади.

Қонунчиликда тафтишнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб қўйилган. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат назорати тўғрисидаги қонунга мувофиқ тафтиш хўжалик юритувчи субъектларнинг молия ва солиқ масалалари бўйича қонунчиликка риоя этишлари, солиқ органлари, давлат статистика органлари ва банкларга тақдим этиладиган ҳисоб юритиш ва ҳисоботлари тўғрилигини назорат этиш мақсадида уларнинг бухгалтерия, молиявий ва бошқа ҳужжатларини текширишдан иборатдир.

Тафтишларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 4 январдаги 1-сонли йўриқномаси билан тартибга солинади. Ушбу меъёрий ҳужжат тафтишларнинг мақсад ва вазифалари, уларни ташкил этиш ва ўтказиш, уларнинг натижаларини расмийлаштириш ҳамда аниқланган молия интизомини бузишлар ва камчиликларни бартарф этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

Тафтишнинг асосий вазифалари текширув объектига қараб фарқланади:

молия органларининг иш-фаолиятини тафтиш қилиш вақтида қуйидагилар текширилади:

- бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш ва ижро этиш тартибига риоя этилиши;

- бюджетда кўзда тутилмаган чора-тадбирлар учун сарфланган қўшимча харажатларнинг қонунийлиги;

- молия органлари иқтисодий ва назорат ишларининг аҳволи, бюджет муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни таҳлил этиш бўйича ишлар, молия органлари томонидан иқтисодий ва назорат ишлари режасининг бажарилиши, юқори молия органлари топшириқ, вазифаларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

- молия органи аппаратини сақлаш учун харажатлар сметасининг ижроси, молия органида бухгалтерия ҳисобининг аҳволи ва ҳисобот тузишнинг тўғрилиги;

- молия органларига молия органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан келиб тушган шикоятлар ҳамда молия интизоми бузилганлиги тўғрисида фуқаролардан тушган ариза ва хатларни кўриб чиқишга доир ишларнинг аҳволи ва б.

Хўжалик юритувчи ссубъектлар фаолиятини тафтиш қилиш вақтида маблағлар ва моддий бойликлар сақланиши ҳамда тўғри сарфланиши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўғрилиги, молия интизомига риоя этилиши текширилади ва ҳ.к.

Бюджет муассасалари тафтиш қилинаётган вақтда смета белгилаш ҳисоб-китобларининг асосланганлиги, сметаларнинг ижроси ва маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, маблағларнинг тежамли сарфланиши ва сақланишини таъминлаш, молия-бюджет интизомига риоя этилиши ва бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш тўғрилиги, бюджетдан ташқари махсус маблағларни ҳосил қилиш ва уларни тўғри харажат қилиш қонунийлиги масалалари ва б. текширилади.

Тафтишлар ўтказиш муддатлари ва тафтишчи гуруҳлар таркиби ҳар бир тафтишнинг аниқ вазифалари ҳамда тафтиш қилинаётган муассасаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган, олдинда турган ишлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Тафтишлар ва текширувлар ўтказиш муддати чегараси 30 кун миқдорида белгиланган.

Тафтиш натижасида аниқланган молия интизомиини бузишлар ва ишдаги камчиликлар тўғрисида далолатнома тузилиб, унга гуруҳ раҳбари, текширилаётган муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи имзо чекадилар. Далолатнома бўйича эътироз ёки бошқа фикрлар юзага келган ҳолда, уни имзолаган раҳбар ва бош бухгалтер имзо ёнида ўз фикри, қўшимча тушунтиришини ёзишади ҳамда далолатнома имзоланган кундан бошлаб беш кундан кечиктирилмаган ҳолда ёзма равишда тушунтириш хатини тақдим этишади.

Далолатнома бўйича текширилаётган ташкилотнинг тафтиш билан аниқланган фактларида бевосита айбдор деб ҳисобланган бошқа мансабдор шахслари ҳам, зарур бўлган ҳолларда еса, ушбу ташкилотда илгари ишлаб кетган раҳбар ва бош ҳисобчи ҳам *(аниқланган тартиббузарлик улар ишлаган даврга тегишли бўлса) тушунтириш хати берадилар. Тушунтириш хатларида баён этилган фактларнинг тўғрилиги текширилиши ва улар бўйича ёзма равишда хулоса берилиши керак.

Аниқланган фактлар бўйича тартиббузарликларни бартараф этиш юзасидан, тафтиш муддати тугашини кутмасдан, зудлик билан қарор қабул қилиш ёки суиистеъмолликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш зарур; бунда алоҳида далолатнома тузилади, мансабдор шахслар еса, аниқланган фактлар бўйича зарур бўлган тушунтириш хатларини беришлари шарт.

Оралик далолатномалар кассаларни тафтиш қилиш натижалари бўйича

ҳам тузилади. Бу далолатномалар текширувчилар ва тегишли мансабдор шахслар ҳамда пул маблағлари ва моддий бойликларнинг сақланиши учун масъул бўлган моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади. Оралиқ далолатноманинг бир нусхаси текширилаётган ташкилотнинг далолатномага имзо чеккан мансабдор шахсига берилади. Оралиқ далолатномада баён етилган фактлар тафтиш умумий далолатномасига киритилади.

Тафтиш далолатномаси баёнида аниқланган фактлар қатъий ҳолисона бўлиши, тушунарли ва аниқлигига риоя етилиши шарт. Текширилаётган ташкилот молиявий фаолияти тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланмаган турли хулоса ва тахминлар тафтиш далолатномасига киритилишига рухсат берилмайди. Тафтиш натижалари ошкор етилиб, хўжалик юритувчи ссубъектлар ва муассасаларга улар ҳақида ахборот берилади.

Давлат молия интизоми бўйича жиддий тартиббузарликлар аниқланган ёки давлат маблағлари ўғирланган ҳамда бошқа суиситеъмолликлар содир етилган ҳолларда, тафтиш материаллари тергов органларига топширилади ва айни вақтда тегишли орган раҳбари олдида жавобгар масъул шахсларнинг бундан кейин егаллаб турган лавозимларида қолиш-қолмаслигини кўриб чиқиш тўғрисидаги масала қўйилади.

Тафтиш ўтказиш вақтида хўжалик бошқарувининг барча даражаларида кўп томонлама фаолиятнинг текширилиши муносабати билан тафтиш турларини аниқ таснифлаш, тасниф белгиларини илмий асосланган ҳолда танлаш зарурати туғилади.

Мазмуни бўйича тафтишлар ҳужжатли ва фактик тафтишларга бўлинади. Ҳужжатли тафтиш ўтказилаётган вақтда ҳужжатлар, айниқса бирламчи пул ҳужжатлари (ҳисобварақлар, тўлов қайдномалари, ҳисоботлар, сметалар ва ҳ.к.) текширилади. Фактик тафтишда нафақат ҳужжатлар, балки пул маблағлари ва моддий бойликларнинг мавжудлиги ҳам текширилади. Бундай тафтиш жараёнида моддий бойликлар йўқлама қилинади, назорат ўлчовлари ўтказилади ва ҳ.к.

Белгилаш усулига кўра тафтишлар режали ва режадан ташқари бўлиши мумкин. Режали текширувлар бир йил (бир чорак)га мўлжалланган режа-графиклар асосида ўтказилади. Бундай текширувларни ўтказиш ва тасдиқланган режа-графикларга тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар назорат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Республика Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашига тақдим етилади. Назорат органлари объектларни, улар фаолиятининг мезонлари ва ўзига хос томонлари ҳисобга олинган ҳолда, ишлаб чиқилган текширувлар режа-графикига киритиш учун уларни синчиклаб танлаб оладилар. Ушбу таклифлар асосида текширувларнинг йиллик (чораклик) режа-графиклари, уларда комплекс текширувлар ажаратилган ҳолда, ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Режадан ташқари текширувлар (жумладан қисқа муддатли текширувлар) назорат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик

юритувчи ссубъектлар фаолиятини давлат назорат етиш тўғрисида”ги қонуни 12-моддасига мувофиқ равишда қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларидан келиб чиққан ҳолда текширувларни ўтказиш зарурати туғилганида. Бунда, агар Ҳукумат қарорида текшириладиган хўжалик юритувчи ссубъектнинг номи аниқ белгиланган бўлса, Республика Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясидан розилик олиш талаб қилинмайди;

- назорат органига хўжалик юритувчи ссубъектнинг қонунларни ёки қонучиликнинг бошқа ҳужжатларини бузганлиги фактлари тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушган ҳолда. Корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган, тартиббузарлик фактлари аниқ асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолда кўрсатилган маълумотлар қўшимча маълумотлар бўлиб хизмат қилиши мумкин;

- фавқулодда ҳодисалар юзага келишининг олдини олишда;

- санитария-эпидемиология шароитлари ёмонлашганида ҳамда қўшни давлатлардан юқумли касалликлар олиб келиниши ва тарқалиш еҳтимоли юзага келган ҳолларда.

Республика Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ва унинг вилоятлардаги комиссиялари ишчи органлари тақдим етилган буюртмаларга асосан тегишли назорат органлари билан биргаликда мазкур текширувларнинг асосланганлигини ўрганиб чиқади, мувофиқ равишда Кенгаш ва унинг вилоят комиссияларига тегишли ўзгартиришлар киритади, улар еса, режадан ташқари текширувни ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

Режадан ташқари текширувни ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисидаги қарор, ариза келиб тушган кундан бошлаб икки ҳафталик муддатдан кечиктирилмаган ҳолда қабул қилинади ва қарор ёки хат шаклида расмийлаштирилиб, мувофиқ ҳолда Кенгаш раиси (ёки унинг топшириғи бўйича ўринбосари) ёки вилоят комиссияси раиси томонидан имзоланади ҳамда назорат етувчи органга жўнатилади.

Тафтишларни назорат дастури мазмуни бўйича таснифлаш биринчи даражали аҳамиятга эадир. Бу белги бўйича тафтишлар комплекс (ялпи) ва мавзувий тафтишларга бўлинади.

Назоратга ва тафтишга оид нашр этилган адабиётларда комплекс тафтиш тушунчасининг турли талқинлари учраб, улар унинг самарадорлиги ва афзалликларини баҳолашга қарши қўйилган. Муаллифларнинг кўпчилиги бу тафтишни ўтказишда турли касбдаги мутахассислар иштирок етишини мезон деб ҳисоблайдилар. Бизнинг Республикамиз қонунчилиги бўйича бундай мезон бир вақтда икки ва ундан ортиқ назорат органлари томонидан тафтиш ўтказилиши ҳисобланади.

Назорат учун саволлар.

- 1.Молиявий назоратнинг шакллари ёзинг ва изоҳланг
- 2.Молиявий назоратнинг усуллари ёйтинг.
- 3.Молиявий назоратнинг турлари ёзинг ва изоҳланг
- 4.Молиявий назоратнинг олиб борувчи субъектларига кўра турлари қандай
5. Дастлабки молиявий назоратнинг моҳияти.
6. Мустақил молиявий назоратнинг аҳамияти.
- 7.Жорий молиявий назоратнинг моҳиятини изоҳлаб беринг.
8. Тафтишнинг гуруҳлаш асослари.
- 9.Тафтиш ва текширишнинг фарқларини изоҳланг

4-мавзу: Умумдавлат назорат органлари, уларнинг молиявий назоратни ташкил этиши

Режа:

1. Умумдавлат назоратининг шаклланиши ва аҳамияти.
2. Умумдавлат назорат органлари, уларнинг гуруҳланиши.
3. Ислохотларнинг бугунги босқичида молиявий назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

Давлат молиявий фаолиятини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг барчаси иштирок этади, чунки улардан ҳар бири молия билан боғлиқ бўлган муайян функцияларни бажаради. Шу билан бирга, улар молиявий фаолиятининг хусусияти ва мазмуни бир-биридан катта фарқ қилиб, бу ушбу органларнинг вазифалари ва ҳуқуқий ҳолатидаги фарқлар билан белгиланади. Буларни ҳисобга олган ҳолда, давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи органларнинг бир неча гуруҳларини ажратиш мумкин. (- чизма)

Ўзбекистонда давлат молия назоратини Президент, ҳукумат органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, барча даражадаги Халқ депутатлари Кенгашлари) ҳамда ижроия ҳокимиятнинг тегишли органлари амалга оширади. Давлатимиз Конституциясининг 78-моддаси 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимоти бўйича мамлакат бюджетини қабул қилади ва унинг ижроси устидан назорат ўрнатади. Халқ депутатлари Кенгашлари айрим минтақаларга ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини назорат қилишга қаратилган⁸. Бундан ташқари, ваколатли органлар зиммасига айрим тармоқлар ва соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назорат ўрнатилиши мумкин.

Молия назоратини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида катта ваколатлар берилган. Республика Конституциясининг 93-моддаси 8-бандига мувофиқ Президент ижроия ҳокимият аппарати ва, жумладан давлат молия назорати функцияларини амалга оширувчи органлар (Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва б.)ни шакллантиради.

Давлат молия назорати тизимида Ҳисоб палатасига катта рол ажратилади⁹. У мустақил ва объектив орган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

⁸ Қ.: О`zbekiston Respublikasining "Joylarda davlat hokimiyati to`g`risida" 1993 y. 2 sentabrdagi qonuni // O`R OKA, 1993, №9, 320-b.; O`R OMA, 1997, №9, 241-b.; 1999, №1, 16-b.

⁹ Bu palata O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2002 yil 21 iyundagi Farmoni bilan tashkil etilgan. №UP - 3093// O`R QT, 2002 y., №11-12, 88-b.

Ҳисоб палатаси тўғрисидаги Низом¹⁰га мувофиқ унинг зиммасига назорат, мониторинг ва таҳлилий ишлар ҳамда қуйидаги функциялар юклатилган:

макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ ва пул-кредит параметрларининг шаклланиш жараёнларини тизимли ўрганиб бориш ҳамда уларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлигини кузатиб бориш;

давлат бюджети, унинг даромад ва харажатлар қисмлари асосий параметрлари ва моддаларининг ижро етилиши устидан назорат ўрнатиш;

давлат бюджетини ижро етиш, солиқ тушумлари ва пул кўрсаткичлари бўйича тасдиқланган параметрларни тузатиш бўйича таклифларнинг асосланганлиги ва уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини кўриб чиқиш;

минтақалар ва умуман жамият ривожланишида маҳаллий бошқарув органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ролини ошириш мақсадида республика бюджети билан маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро нисбатларнинг мақбуллигига ериши бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

минтақалар, тармоқлар ва корхоналар бўйича тасдиқланган параметрлар ҳисобидан давлат маблағларини харажат қилиш бўйича четга чиқишлар аниқланган ҳолларда текширувлар ўтказиш, улардан фойдаланишда тартиббузарликлар ва суиистеъмолликларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

умуман бюджет даромад қисмининг ижроси устидан ҳамда минтақалар бўйича манбалар, солиқ ва божхона органларидан тўловларнинг келиб тушиши тўлиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш;

бюджет жараёнида четга чиқишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш, уларни бартараф етиш ва бюджет қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

миллий валютани мустаҳкамлаш, инфляцияни пасайтириш ҳамда иқтисодий ўсиш ва нархлар барқарорлиги курсаткичларининг оптимал бирлигига еришиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш;

олтин-валута захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни ишлаб чиқариш ва улар билан амалга ошириладиган операцияларни назорат етиш, ёқотишлар ва суиистеъмолликлар каналлари ва имкониятларини ёқотиш мақсадида давлат олтин-валута захираларининг бутун ҳаракати тиниқлигини таъминлаш;

ташқи активларни бошқариш бўйича ҳисобот ва баланс ҳисоб-китобларини таҳлил етиш, олтин-валута захираларини чет ел банкларида жойлаштириш ва қайта жойлаштириш асосланганлиги ва самаралилигини назорат қилиш;

давлат ташқи қарзларини бошқариш устидан мониторинг ўрнатиш ва уларга, биринчи навбатда, Ҳукумат томонидан ва унинг қафолати остида олинган кредитлар бўйича ўз вақтида хизмат кўрсатилишини назорат етиш;

экспортни ривожлантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) екпорти

¹⁰ Q.: O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2002 yil 4 noyabrdaqi Farmoniga ilova. №UP – 3157 // O`R QT, 2002 y., 21, 162-b.

прогноزلарини бажариш, маҳсулот импорт қилишни мақбуллаштириш, ташқи савдо ва тўлов баланслари ижобий қолдиғини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини назорат етиш;

чет давлатларда давлат мулкани реализация қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича таҳлил ўтказиш ва уларнинг назорат етилишини таъминлаш;

республикада қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар конларини қазииш ва улардан фойдаланиш юзасидан чет ел компанияларининг таклифларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки унинг кафолати остида чет ел кредитлари ва қарзларини жалб етиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, халқаро молия бозорларига республика қарз мажбуриятларини чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил етиш;

олиб борилаётган бюджет-солиқ, пул-кредит, валута ва ташқи савдо сиёсатига таъсир кўрсатувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини экспертиза қилиш;

вазирликлар, маҳкамалар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг Ҳисоб палатаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича иш-фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқадиган масалалар бўйича таҳлилий ишланмаларни ташкил етиш ва ўтказиш, уларнинг асосида ҳисобот ва таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим етиш.

Кўрсатилган функцияларни амалга ошириш учун Ҳисоб палатасига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳкамалар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, банклардан ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот, маълумотлар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарур бўлган ҳолларда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун текширувлар ташкил етиш ва уларнинг натижалари бўйича ижро етилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни жўнатиш;

ўз ваколати доирасида текширувлар ўтказиш вақтида давлат органлари ва уларнинг вакиллари, нодавлат аудиторлик хизмати ва айрим мутахассисларни уларда иштирок етиш учун жалб етиш;

Ҳисоб палатаси билан олдиндан келишилиши зарур бўлган барча масалалар юзасидан тегишли хулосалар бериш;

қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини яхшилаш мақсадида назорат тадбирлари натижалари бўйича таклифлар киритиш.

Молия назорати бўйича муҳим функцияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бажаради. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” 1993 йил 6 майдаги қонуни 12-моддасига мувофиқ у вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат молия назоратини амалга оширувчи органлар ваколати ва функциялари тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси ҳамда Республика пул-кредит сиёсати комиссияси бўлиб, уларга давлат молия назорати соҳасида катта ваколатлар берилган.

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг минтақавий комиссияларига ега. Мазкур Комиссия томонидан унинг ваколати доирасида қабул қилинган қарорлар вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, тижорат банклари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг бирлашмалари (хўжалик уюшмалари), мансбдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши учун мажбурий ҳисобланади.

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси тўғрисидаги Низом¹¹га мувофиқ қуйидагилар унинг асосий вазифалари деб белгиланган:

- иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва барча хўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банклари томонидан тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлиқ тўлаш бўйича амалдаги қонунчилик нормаларига қатъий риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

- корхоналарнинг дебиторлик қарзлари аҳволини таҳлил этиш, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга тўловлар бўйича боқимондаларини қисқартириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ ундириб олиншини таъминлаш;

- корхоналар ва ташкилотлар айланма маблағларининг ажратиб олинishi, шу жумладан тайёр маҳсулот захираларига ва тугалланмаган қурилишга ажратилиши сабаблари ва ёналишларини аниқлаш ҳамда уларни қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Комиссияга кенг ваколатлар берилган бўлиб, у хусусан, қуйидаги ҳуқуқларга ега:

- вазирликлар, маҳкамалар, идоралар, тижорат банклари, солиқ органлари, хўжалик уюшмалари, корхоналар ва бирлашмалар, давлат бошқарув органлари раҳбарларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, солиқ ва тўлов интизомининг аҳволи тўғрисидаги масалалар бўйича ҳисоботларини ешитиб бориш;

- боқимондаларни тўлаш, пеня ҳисобланишини тугатиш бўйича муддатларни кечиктириш ёки узайтириш, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ва тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш;

¹¹ Қ.: О'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999 yil 10 iyundagi qaroriga 2-ilova. №298, keyingi o'zgartirishlar bilan.

- белгиланган тартибда молия, солиқ ва божхона органлари фаолиятини текширишни ташкил этиш, Комиссия зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборот, маълумотларни вазирликлар, маҳкамалар, идоралар, уюшмалар, давлат бошқаруви маҳаллий органларидан олиш;

- банкротлик ва корхоналарни санациялаш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига корхоналарни санациялаш ёки мунтазам равишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларига ёл қўювчи корхоналар ва ташкилотларни банкрот деб еълон қилиш учун материалларни хўжалик судига бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан таклифлар бериш;

- солиқ солиш тизими ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни яхшилаш учун ёлтирилган республика қонунчилигини такомил-лаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш ва ҳ.к.

Республика пул-кредит сиёсати комиссияси зиммасига республикада нақд пул муомаласи ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи устидан назоратни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан валюта операцияларини амалга ошириш ва Ўзбекистон иқтисодиёти устувор тармоқларини ривожлантириш учун ажратиладиган кредитлардан мақсадли фойдаланиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаш вазифаси юклатилган¹².

Мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат органлари томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз равишда аралашувга ёл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Текширувларни тартибга солиш ва назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида” 1996 йил 8 августдаги №УП-1503 фармони билан Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши тузилди.

Мазкур Кенгаш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорат этиш соҳасидаги марказий мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Кенгаш қарорлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича давлат назоратини амалга оширишга ваколат берилган барча органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Кенгаш ўз фаолиятини Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши тўғрисида низомга асосан амалга оширади¹³.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда тегишли ҳудудий комиссиялар тузилган бўлиб, уларнинг таркиби Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши томонидан тасдиқланади.

¹² Қ.: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси таркиби тоғрисида” 1996 йил №УП-1492 - фармони.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги №УП-2114 - фармонига 2-илова, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги №УП-2886 - фармонига 1-иловага мувофиқ оғғартирishлар билан.

Кенгаш фаолиятининг мақсади, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг иш-фаолиятига назорат органлари томонидан асоссиз равишда аралаштиришга йўл қўймасликдан иборат.

Кенгашнинг асосий вазифалари:

- назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар иш-фаолиятини текшириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаш-тириш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг иш-фаолияти бўйича ўтказиладиган текширувларнинг умумий сонини қисқартириш;
- текширувлар, шунингдек назорат органларининг фаолиятини қайтаришга йўл қўйувчи комплекс текширувларнинг мувофиқлаш-тирувчи режаларини ишлаб чиқиш;
- текширувлар ўтказиш бўйича мувофиқлаштирувчи режаларга риоя этилган ҳолда назорат органларининг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва Кенгаш билан келишилмай туриб, режадан ташқари, қарши текширув ва назорат тартибида текширувлар ўтказилишига ёл қўймаслик;
- текширувларни қисқартириш ва такомиллаштириш мақсадида уларни ташкил этиш тизимини тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Кенгаш ҳудудий комиссияларининг асосий функцияларига:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи режа-графиклар ишлаб чиқиш;
- мувофиқлаштирувчи режа-графиклар бажарилишига риоя этилиши устидан мониторинг ўрнатиш каби вазифалар қилад.

Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳамда ўз мақомига мувофиқ равишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

республика барча вазирликлари ва идораларидан яқинлашиб келаётган давр учун мўлжалланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширув режаларини сўраш ва олиш;

текширувларни мувофиқлаштириш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибга риоя этилишини таъминлаш талаб қилинган кўрсатмаларни, Кенгаш Раиси имзоси қўйилган ҳолда, назорат органларига жўнатиш;

текширувларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ёки Кенгаш қарорларини бузишда айбдор бўлган назорат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларга маъмурий чоралар белгиланганлиги тўғрисидаги тақдимномаларни, Кенгаш Раиси имзоси қўйилган ҳолда, жўнатиш;

назорат органларининг режадан ташқари текширувлар ўтказиш тўғрисидаги қарорларини, агар уларни ўтказиш учун йетарли асослар бўлмаса, бекор қилиш.

Кенгаш назорат органлари томонидан назоратни тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликка қатъий риоя этиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат

органларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан тушган аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиши, улар юзасидан қарорлар қабул қилиши ҳамда олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида ҳукуматга мунтазам равишда ахборот бериб туриши шарт.

Давлат молия назорати тизимида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва уларнинг қўйи ташкилотлари алоҳида ўрин тутadi. Молия-кредит тизими муассасалари томонидан амалга ошириладиган назоратларнинг мазмуни ва мақсади белгиланган ваколат доирасидаги амалий еҳтиёжлар билан белгиланади.

Молия органларининг кўп қиррали назорат фаолияти бюджетни режалаштириш, молия режалари ва сметалар лойиҳаларини кўриб чиқиш, бюджет барча даромадларини тўплаш, давлат бюджети билан тегишли молия йили учун кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаш жараёнида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига давлат молия назоратини амалга ошириш бўйича қуйидаги асосий вазифалар ва функциялар юкланган:

- республика вазирликлари, маҳкамалари, идоралари ва корхоналари томонидан республика бюджетининг ижро этилиши, Марказий банк ва бошқа банклар томонидан бюджетнинг касса ижроси қоидаларига риоя этилиши ҳамда банклар томонидан капитал қўйилмалар ва бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирларнинг молияланиши устидан назоратни амалга ошириш;

- қимматли қоғозлар бозори шаклланиши, қимматли қоғозлар эмиссияси ва ҳаракатини назорат этиш, молия бозорини шакллантиришга доир ишларни мувофиқлаштириш;

- республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молияланадиган, шунингдек барча кўринишдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олувчи, қайта ишловчи ҳамда улардан бошқа мақсадлар (жумладан экспорт) учун фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш.

Назорат тафтиш функциясига қуйидагилар киради.

→ Давлат бюджетининг даромад ва харажатлари қисмлари, асосий параметрлари ва моддаларининг ижроси устидан назорат ўрнатиш.

→ Минтақалар, тармоқлар ва корхоналар бўйича тасдиқланган параметрлар ҳисобидан давлат маблағларини харажат қилиш бўйича четга чиқишлар аниқланган ҳолларда текширувлар ўтказиш ҳамда улардан фойдаланишда тартиббузарликларнинг олидини олиш юзасидан чора-тадбирлар Давлат бюджети ирларни амалага ошириш.

→ Бюджет даромад қисмининг ижроси устидан ҳамда минтақалар бўйича манбалар солиқ ва божхона органларидан тўловларнинг келиб тушиши тўлиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш.

→ Давлат ташқи қарзларини бошқариш устидан мониторинг ўрнатиш ва кафолат остида олинган кредитлар бўйича ўз вақтида хизмат кўрсатилишини назорат этиш.

Эксперт-тахлил функциясига қуйидагилар киради.

Макроиктисодий кўрсаткичлар бюджет-солиқ ва пул-кредит параметрларининг шаклланиш жараёнларини тизимли ўрганиб бориш ҳамда қонунчилик талабларига мувофиқлигини кузатиб бориш.

Давлат бюджетини ижро этиш ҳамда солиқ тушумлари бўйича тасдиқланган параметрларни тузатиш бўйича таклифларнинг асосланганлигини кўриб чиқиш.

Бюджет жараёнида четга чиқишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш, уларни бартараф этиш ва бюджет қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

Миллий валютани мустаҳкамлаш, инфляцияни пасайтириш ҳамда иқтисодий ўсиш ва нархлар барқарорлиги кўрсаткичларининг оптимал бирлигига эриш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш.

Экспортни ривожлантириш, товарлар экспорти прогнозларини бажариш ҳамда ташқи савдо ва тшлов баланслари ижобий қолдиғини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ёки унинг кафолати остида чет эл кредитларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш.

**Ҳисоб палатаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ унинг
зиммасига назорат, мониторинг ва таҳлилий ишлар ҳамда
қуйидаги функциялар юклатилган.**

Макроиктисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ ва пул-кредит параметрларининг шаклланиш жараёнларини тизимли ўрганиб бориш ҳамда уларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлигини кузатиб бориш.

Давлат бюджети, унинг даромад ва харажатлар қисмлари асосий параметрлари ва моддаларининг ижро этилиши устидан назорат ўрнатиш.

Давлат бюджетини ижро этиш, солиқ тушумлари ва пул кўрсаткичлари бўйича тасдиқланган параметрларни тузатиш бўйича таклифларнинг асосланганлиги ва уларнинг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсирини кўриб чиқиш.

Минтақалар ва умуман жамият ривожланишида маҳаллий бошқарув органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ролини ошириш мақсадида республика бюджети билан маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро нисбатларнинг мақбулликка эриши бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Минтақалар, тармоқлар ва корхоналар бўйича тасдиқланган параметрлар ҳисобидан давлат маблағларини харажат қилиш бўйича четга чиқишлар аниқланган ҳолларда текширувлар ўтказиш, улардан фойдаланишда тартиббузарликлар ва суиистеъмолликларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш.

Умуман бюджет даромад қисмининг ижроси устидан ҳамда минтақалар бўйича манбалар, солиқ ва божхона органларидан тўловларнинг келиб тушиши тўлиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш.

Бюджет жараёнида четга чиқишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш, уларни бартараф этиш ва бюджет қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

Миллий валютани мустаҳкамлаш, инфляцияни пасайтириш ҳамда иқтисодий ўсиш ва нархлар барқарорлиги кўрсаткичларининг оптимал бирлигига эришиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш.

Олтин-валюта захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ишлаб чиқариш ва улар билан амалга ошириладиган операцияларни назорат этиш, йўқотишлар ва

Ташқи активларни бошқариш бўйича ҳисобот ва баланс ҳисоб-китобларини таҳлил этиш, олтин-валюта захираларини чет эл банкларида жойлаштириш ва қайта жойлаштириш асосланганлиги ва самаралилигини назорат қилиш.

Давлат ташқи қарзларини бошқариш устидан мониторинг ўрнатиш ва уларга, биринчи навбатда, Ҳукумат томонидан ва унинг кафолати остида олинган кредитлар

**5-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва унинг молиявий
назоратни ташкил этишдаги ўрни**
Режа

1. Ҳисоб палатаси ва унинг мақсади.
2. Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари.
3. Ҳисоб палатасининг тузилмаси .
4. Ҳисоб палатасининг текширишни ташкил этиш, ўтказиш ва текшириш натижалари бўйича чора кўриш тартиби.

Молиявий назоратни амалга ошириш бўйича **Ўзбекистон Республикаси Президенти** давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида катта ваколатлар берилган.

Республика Конституциясининг 93-моддаси 8-бандига мувофиқ Президент ижроия ҳокимият аппарати ва жумладан давлат молиявий назорати функцияларини амалга оширувчи органлар (**Ҳисоб палатаси**, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар)ни шакллантиради.

Давлат молиявий назорати тизимида **Ҳисоб палатасига** катта роль ажратилади. У мустақил ва объектив орган бўлиб, **Ўзбекистон Республикаси Президенти** ва **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига** ҳисоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси, давлат активлари ва пасивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, қимматбаҳо металллар ва тошлар билан операциялар амалга оширилиши, олтин-валюта захираларини бошқариш, хорижий капитални республика иқтисодиётига жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш, давлатнинг ташқи қарзи ўз вақтида қайтарилиши доимий мониторинги ва назоратини таъминлаш **мақсадида** - **Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси ташкил қилинган.**

Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари

- Давлат бюджети лойиҳасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрларини шакллантириш жараёнини чуқур ва пухта ўрганиш, уларни бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш борасида ўтказилаётган сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишларига, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш соҳасида қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларга тўла-тўқис мос келиши нуқтаи назаридан танқидий баҳолаш;
- тармоқлар ва ҳудудлар бўйича Давлат бюджетининг даромад қисми шакллантирилиши ва ижросини модда-модда, ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш, бюджет даромадларининг асосий моддалари бўйича прогноз кўрсаткичларининг реаллиги ва тўғизлигига баҳо бериш, бунда ёқилғи-энергетика комплекси, қазиб чиқариш саноати, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо, иқтисодиётнинг даромад ҳосил қилувчи бошқа тармоқ ва соҳаларидаги захираларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш;

- агросаноат комплексидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати мониторингини амалга ошириш, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришга ажратиладиган бюджет маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш;
- маҳаллий бюджетлар шакллантирилиши ва амалга оширилишини, уларнинг балансланишини мунтазам таҳлил этиш ва назорат қилиш, маҳаллий бошқарув ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш учун уларга реал молиявий маблағлар ажратиб бериш вазифасини ҳал этиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатни мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- республика даражасида ҳам, маҳаллий даражада ҳам давлат бюджетининг ижроси ва давлат маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил қилиш ва таъминлаш. Давлат харажатларини камайтириш резервларини аниқлаш. Марказда ва жойларда бюджет маблағларидан қонуний, мақсадли ва самарали фойдаланилишини, улардан фойдаланишда қонунбузарликлар ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш чораларини амалга ошириш;
- бюджетдан ташқари жамғармалар - Республика йўл жамғармаси, Пенсия жамғармаси, Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси, Қишлоқ хўжалигини аванслаш жамғармасининг давлат бюджети таркибида йиғиладиган маблағлари тўлиқ тушиши, улардан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш;
- ўтказилаётган пул-кредит сиёсатини, миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг харид қобилиятини ошириш, пул массаси ва пул агрегатларини мақбул ҳолга келтириш, банкдан ташқари пул айланишини кескин қисқартириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- республика ташқи савдо оборотининг аҳволини чуқур таҳлил қилиш, республика тўлов балансини шакллантириш ва ундан фойдаланишни баҳолаш. Товарлар (ишлар, хизматлар) экспорта прогнози бажарилиши, маҳсулот импорти мақбуллаштирилишининг таъминланиши, экспорт тушумлари ва хорижий валютани сотиш тўла-тўқис ва ўз вақтида бўлиши мониторингини амалга ошириш. Ички валюта бозорида валютага бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, айирбошлаш курси динамикаси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, миллий валютанинг эркин алмаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- ташқаридан олинadиган қарзларнинг ҳажмлари ва мақсадга мувофиқлигини танқидий баҳолаш, олинadиган хорижий кредит ва грант маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланилишини, шунингдек Ҳукумат томонидан ёки Ҳукуматнинг қафолати билан олинган ташқи кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилишини қаттиқ назорат қилиш;
- олтин-валюта захираларининг ҳолати ва унинг ҳаракати устидан назоратни амалга ошириш, ташқи активларни бошқариш бўйича амалга оширилаётган

чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва уларни хорижий банкларда самарали жойлаштириш ва қайта жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, олтин-валюта захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ўтказиладиган операциялар устидан назоратни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси олидга қўйилган вазифалардан келиб чиқиб қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Назорат-тафтиш
2. Эксперт-таҳлил
3. Ахборот бериш

Кўрсатилган функцияларни амалга ошириш учун Ҳисоб палатасига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- 1)
- 2) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, қўмиталар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, банклардан ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот, маълумотлар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;
- 3) зарур бўлган ҳолларда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун текширувлар ташкил этиш ва уларнинг натижалари бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни жўнатиш;
- 4) ўз ваколати доирасида текширувлар ўтказиш вақтида давлат органлари ва уларнинг вакиллари, нодавлат аудиторлик хизмати ва айрим мутахассисларни уларда иштирок этиш учун жалб этиш;
- 5) Ҳисоб палатаси билан олдиндан келишилиши зарур бўлган барча масалалар юзасидан тегишли ҳулосалар бериш;
- 6) қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини яхшилаш мақсадида назорат тадбирлари натижалари бўйича таклифлар киритиш.

Ҳисоб палатасининг назорат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари ва ташкилий-назорат масалалари бўйича давлат маслаҳатчилари билан келишилган **ярим йиллик ва йиллик Назорат ишлари дастурлари** асосида амалга оширилади.

Белгиланган тартибда Ҳисоб палатасининг Назорат ишлари дастурига киритилган юридик шахслар (бюджет ташкилотларидан ташқари) рўйхати **Назорат қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши** билан келишилади.

Ҳисоб палатасининг **текширишлари** Ҳисоб палатасининг раиси, у бўлмаган тақдирда Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари имзоси қўйилган **Ҳисоб палатасининг фармойишига** мувофиқ амалга оширилади.

Назорат тадбири ўтказиладиганда Ҳисоб палатаси томонидан **Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси** ҳамда **бошқа вазирликлар** ва идораларнинг мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Назорат тадбирларининг ярим йиллик ва йиллик дастурлари асосида текширишларни амалга ошираётганда Ҳисоб палатаси вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларини, шунингдек малакали мустақил экспертларни жалб этган ҳолда **ҳуқуқбузарликларнинг тури ва хусусиятини, ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини аниқлайди ҳамда уларни бир тизимга солади.**

Ҳисоб палатасининг текширишлари давомида аниқланадиган, давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммалари бўлиб ҳисобланади:

- тўланиши керак бўлган, амалда Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланмаган солиқлар ва мажбурий тўловлар;
- киритилиши керак бўлган, лекин Давлат бюджетига киритилмаган божхона тўловлари суммалари;
- нархлар ва тарифларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бўйича қонун ҳужжатларини бузиш натижасида олинган ноқонуний даромадлар;
- ажратилган бюджет ёки бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ноқонуний сарфланган маблағлари;
- давлат мол-мулки ва маблағлари билан Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига зарар етказган ҳолда битимлар тузиш натижасида олинган суммалар;
- давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган бошқа турдаги зарарлар.

Давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини ундирувчи органлар қуйидагилардир:

Молия вазирлиги – ажратилган бюджет ёки бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ноқонуний сарфланган маблағларини ундирилишини таъминлаш бобида;

Давлат солиқ қўмитаси – давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланиши керак бўлаган солиқлар ва мажбурий тўловлар ундирилишини таъминлаш бобида;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ижрочи дирекциялари;

Қонун ҳужжатлари билан Ҳисоб палатасининг текширишлари давомида аниқланадиган зарарни ундириш ваколат доирасига киритилган бўшқа давлат органлари.

Давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаси:

➤ Текшириш объектлари томонидан ихтиёрий асосда ёки суд тартибида қопланади;

➤ Бюджет маблағлари ёки бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағларининг мақсадга мувоқиқ сарфланмаганлиги аниқланган тақдирда белгиланган тартибда ундирилади.

Ҳисоб палатаси материаллари бўйича аниқланган етказилган зарарининг ихтиёрий тартибда қопланган, белгиланган тартибда ёки суднинг ҳал қилувчи қарори бўйича ундирилган суммалари тегишли бюджет ҳисобварақларига ёки бюджетдан ташқари мақсадли жамғарманинг ҳисобварақларига қайд этилади ҳамда Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг

даромад ва харажаталирини таснифлашнинг алоҳида параграфи сифатида ҳисобга олинади.

Ҳисоб палатасининг ўтказилган ўтказилган назорат таДавлат бюджетиирлари натижалари бўйча аниқланган маблағларни қайд этиш учун Молия вазирлиги Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг даромад ва харажатлари таснифида қўшимча параграфлар очади.

Давлат органлари ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5чи кунигача Ҳисоб палатасининг қабул қилинган чораларининг натижаалридан хабардор қилиб, зарар суммасини ундириш тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилади.

Ҳисоб палатасининг текширишлари натижалари бўйича текширишнинг йиғма далолатномаси тузилади, унда тасдиқланган дастурга кўра изчил, ҳужжатлар билан тасдиқланган далилларнинг тизимлаштирилган баёни берилиши керак.

Текширишнинг йиғма далолатномасида давлатнинг иқтисодий манфатларига етказилган зарар суммалари акс эттирилиб, бирламчи бухгалтерия ҳужжатларига ва кўрсатилган далилларнинг мавжудлигини тасдилайдиган бошқа исбот-далилларга ҳавола қилган ҳолда ҳукубузарликлар тури, уларни содир этиш усули ва ҳолатлари аниқ баён этилади.

Ҳисоб палатасининг текшириш йиғма далолатномаси Ҳисоб палатаси инспекторлар гуруҳининг раҳбари ва гуруҳ аъзолари томонидан имзоланади ҳамда танишиш ва имзолаш учун текшириш объектининг раҳбари ва бош ҳисобчисига тақдим этилади.

Ўтказилган текшириш натижаларига қўшилмаган тақдирда текшириш объектининг раҳбари ва бош ҳисобчиси мулоҳазаларини қайд этган ҳолда текширишнинг йиғма далолтномасини имзолайди.

Текшириш объектининг йиғма далолатномага доир мулоҳазалари имзоланган текшириш далолтноамси олинган кунда бошлаб ўн кун мобайнида тақдим этилиши керак.

Йиғма далолатнома бўйича текшириш объектидан орлинган мулоҳазаларга жавобан текшируви шахслар томонидан беш кун ичида текшириш объектининг эътироз билдирган важлари асослиги ҳусусида ҳулоса тузилади.

Текшириш объекти томонидан билдирилган мулоҳазаларни қўшимча кўриб чиқиш учун Ҳисоб палатаси ваколатли органларнинг малакали мутахассисларини жалб этиши ва улардан тегишли ҳулосани талаб қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг топшириқлари бўйича текширишларни амалга ошириш чоғида Ҳисоб палатаси томонидан текшириш натижалари бўйича тахилий ёзувлар тайёрланиб, уларда аниқланган далиллар ва давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммалари кўрсатилади, мазкур ёзувлар текширишни тайинлаган органга тақдим этилади.

Ҳисоб палатаси йиғма далолатнома имзоланган кундан бошлаб йигирма кун мобайнида текшириш объекти ва ёки унинг тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги юқори органига кўрсатма юборади. У назорат тадбири давомида

аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича аниқ ҳаракатлар ва тадбирлар рўйхатини ўз ичига олади.

Ҳисоб палатасининг текширишларининг жиноят таркиби аломатларини ўз ичига олган материаллари текшириш объектлари мансабдор шахсларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилади.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳисоб палатасини ташкил этишнинг мақсади нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳисоб палатаси қандай асосий вазифаларни бажаради?
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳисоб палатасини таркибий тузилишини биласизми?
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳисоб палатаси томонидан текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини айтиб беринг.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган текширишлар натижалари бўйича қандай чоралар кўрилади?

6-мавзу: Молия органлари ва уларнинг молиявий назоратни олиб боришдаги роли

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, унинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
2. Маҳаллий молия органлари, ҳудудий молияни бошқариш, тартибга солиш ва назорат қилишда уларнинг аҳамияти, улардаги назорат ишларининг хусусиятлари.
3. Молия вазирлиги ҳузуридаги Назорат – тафтиш Бошқармаси, унинг таркибий тузилиши, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Давлат маблағларидан, давлат мулкидан ва давлатга тегишли бошқа активлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни назорат қилишда Назорат-тафтиш Бошқармаси (НТБ)нинг аҳамияти.
4. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ Қўмитаси, унинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Солиқ назоратини юритишда, давлат даромадларининг ўз вақтида, тўлиқ тушишини таъминлашда ДСҚ нинг аҳамияти

Давлат молиявий назорати тизимида Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва уларнинг қуйи ташкилотлари алоҳида ўрин тутати. Молия-кредит тизими муассасалари томонидан амалга ошириладиган назоратларнинг мазмуни ва мақсади белгиланган ваколат доирасидаги амалий эҳтиёжлар билан белгиланади.

Молия органларининг кўп қиррали назорат фаолияти бюджетни режалаштириш, молиявий режалар ва сметалар лойиҳаларини кўриб чиқиш, бюджет барча даромадларини тўплаш, давлат бюджети билан тегишли молия йили учун назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш жараёнида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига давлат молиявий назоратини амалга ошириш бўйича қуйидаги асосий вазифалар ва функциялар юкланган:

- 1) республика вазирликлари, қўмиталари, идоралари ва корхоналари томонидан республика бюджетининг ижро этилиши, Марказий банк ва бошқа банклар томонидан бюджетнинг касса ижроси қоидаларига риоя этилиши ҳамда банклар томонидан капитал қўйилмалар ва бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирларнинг молияланиши устидан назоратни амалга ошириш;
- 2) қимматли қоғозлар бозори шаклланиши, қимматли қоғозлар эмиссияси ва ҳаракатини назорат этиш, молия бозорини шакллантиришга доир ишларни мувофиқлаштириш;
- 3) республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молияланадиган, шунингдек барча кўринишдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олувчи, қайта ишловчи ҳамда улардан бошқа мақсадлар (жумладан экспорт) учун фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш.

Ҳукуматнинг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига янги вазифалар юкланди. Хусусан, энди аудиторлик ташкилотларида лицензия шартномаларида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишни амалга ошириш ҳам унинг вазифасига киради.

Молия вазирлиги ҳузурида Бош назорат-тафтиш бошқармаси мавжуд бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида низом¹⁴га асосан фаолият юритади.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг асосий вазифаси бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишдир.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли қарори

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг бошқа вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан бюджет ва молия қонунчилиги ҳамда бюджет мажбуриятларининг ижроси билан боғлиқ бўлган бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш;
- республика ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий ижро этилиши устидан доимий назоратни таъминлаш;
- молия органлари ва тижорат банклари томонидан биринчи навбатдаги харажатлар навбатига риоя этилиши, бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий нафақалар, стипендиялар бериш муддатлари ва тўлиқлиги, шунингдек бюджет муассасаларига кўрсатилган мақсадлар учун нақд пул маблағларини бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари орқали кам таъминланган оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар билан таъминлаш ва уларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;
- пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш бўйича статистик ва бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш;
- пахта хом ашёси ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларнинг миқдори ва сифатини баҳолаш ҳамда уларнинг ҳисоботда акс эттирилиши бўйича текширувларни ташкил этиш ва ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- инвестицион дастурларнинг амалга оширилиши учун ажратиладиган марказлаштирилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат этиш;
- коммунал хизматлар ва электр энергияси учун бюджет маблағларини сарфлаш лимитларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда текширувлар ўтказиб туриш;
- бюджет муассасалари томонидан штатлар жадвали-смета интизомига риоя этилишини назорат қилиш;
- ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг бюджет жараёнига ноқонуний равишда аралашуви фактларини тўхтатиш;
- давлат валюта маблағларининг тўғри ва мақсадли сарфланишини назорат қилиш;
- фуқароларнинг молия ва бюджет интизоми бузилганлиги фактлари тўғрисидаги хат, шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш ва ҳ.к.


Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- 1) ҳудудий молия органларининг маҳаллий бюджетлар ижроси бўйича иш-фаолиятини, барча даражадаги бюджет муассасаларининг эса, харажатлар сметалари ва бюджет интизомига риоя этиши бўйича иш-фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш (мониторинг);
- 2) ҳудудий молия органлари ва барча даражадаги бюджет муассасаларининг пул ва бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоботлари, сметалари ва бошқа ҳужжатлари, моддий бойликлари мавжудлигини текшириш;
- 3) махсус ваколатли органнинг қарорига асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш;
- 4) тижорат банклари муассасалари, солиқ органлари, бошқа идоралардан тафтиш ва текширувлар ўтказиш вақтида юзага келадиган саволлар бўйича зарур бўлган маълумотномалар ва ахборот, маълумотларни олиш;
- 5) қурилиш, монтаж, таъмирлаш каби ишлар назорат ўлчамларини амалга ошириш ва бошқа текширувларни ўтказиш учун белгиланган тартибда мутахассисларни жалб этиш;
- 6) ҳудудий молия органлари ва барча даражадаги бюджет муассасалари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва мансабдор шахсларидан тафтиш ва текширувлар ўтказиш жараёнида юзага келадиган масалалар, молия ва бюджет интизоми бузилиши фактлари, шунингдек маълумотнома, тафтиш ва текширувлар далолатномаларининг имзоланиши бўйича тушунтиришлар талаб қилиш;
- 7) зарур бўлган ҳолларда касса ва касса хоналари, омборлар, архивларни муҳраб қўйиш, қалбаки, сохта ҳужжатлар ва бошқа суиистеъмолликлар аниқланган ҳолларда ҳужжатларни олиб қўйиш, текширилаётган объектлар раҳбарларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларнинг йўқлама қилинишини талаб этиш;
- 8) Молия вазирлигининг топшириғи ва у томонидан тасдиқланган махсус графиклар бўйича пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид бутун даврда пахта тозалаш корхоналарида тайёрланаётган, қайта тайёрланаётган ва сақланаётган пахта хом ашёсига тегишли масалалар бўйича текширув ва тафтишлар ўтказиш;
- 9) молия ва бюджет интизоми бўйича аниқланган тартиббузарликларни бартараф этиш, моддий зарарни қоплаш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда бошқа вазифалар бўйича тафтиш ва текширувлар материаллари юзасидан тегишли таклифлар киритиш.


Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари ўз иш-фаолиятини Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган йиллик иш режаларига асосан амалга оширади. Улар, зарур бўлган ҳолларда, молия органлари ва бюджет муассасалари фаолиятини режадан ташқари тафтиш ва текширувдан ўтказишади, махсус ваколатли орган рухсати билан эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш ва назорат қилишади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги




Назорат-тафтиш Бош бошқармасининг ташкилий тузилмаси




Молия органлари ичида Ғазначилик тизими молиявий назоратни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайди.




Ғазначилик органларининг функциялари





Манба: Г.Қосимова “Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими”. Iqtisod-moliya” 2008й.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШ УСТИДАН НАЗОРАТ БОСҚИЧЛАРИ



Манба: Г.Қосимова “Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими”. Iqtisod-moliya” 2008й.

Давлат молиявий назоратни амалга оширишда *солиқ органлари* муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» 1997 йил 29 августдаги қонуни¹⁵ солиқ назоратининг асослари, уни амалга ошириш бўйича солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Солиқ назорати солиқ солиш субъектлари ва объектлари ҳисобини юритиш ҳамда солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидир. У давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар ҳисобини юритиш, солиқ текширувларини ўтказиш, солиқ тўловчилар, бошқа шахсларни сўроқ қилиш ва қонунчилик билан назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

солиқ қонунчилиги, солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳисоблаб ёзилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат этиш;

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. ЎР ОМА, 1997 й., №9,

солиқ қонунчилигига риоя этилишининг зарурий шартларини таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ёрдам кўрсатиш, солиқ бўйича қоидабузарликларни аниқлаш, огоҳлантириш ва тўхтатиб қўйиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколати доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- солиқ тўловчиларда (жумладан солиқ тўловчилар билан боғланган қарши субъектларда) Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳисоблаб ёзилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши билан боғлиқ бўлган молиявий ҳужжатларни, шунингдек экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур бўлган тушунтириш, маълумотнома ва маълумотларни олиш;
- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда юридик шахслар ҳамда жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бошқа давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро биргаликда бажарадилар. Кўрсатилган органлар ва ташкилотлар солиқ хизмати органларига солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқ қонунбузарлигига қарши курашда ёрдам беришлари шарт.

Кўрсатилган қонунчилик ҳужжатида назарда тутилган солиқ назоратини ташкил этиш *Давлат солиқ қўмитаси* ва унинг органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида низом¹⁶га мувофиқ у давлат солиқ хизматининг солиқ қонунчилигига риоя этилиши, давлат иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоялашнинг таъминланиши соҳасидаги назорат бўйича марказий органи ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитасининг молиявий назорат соҳасидаги асосий вазифаси солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб ёзилиши, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларга ҳақлидир:

- 1) Республика назорат органлари фаолиятини мувофиқлашти-риш кенгаши томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ бошқа текширув ва назорат органларини жалб этган ҳолда, мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш;
- 2) солиқ тўловчиларда (жумладан солиқ тўловчилар билан боғланган қарши субъектларда) молиявий ҳужжатлар, шартномалар, сметалар, солиқларни

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган

ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш ҳамда экспорт-импорт билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ҳужжатлар асосида текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур бўлган тушунтириш, маълумотнома ва маълумотларни олиш;

- 3) савдо, товарларни сотиш ва хизмат кўрсатиш, акциз спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини реализация қилиш ва маркалаш қоидаларига риоя этилиши, нақд пул маблағларининг тўлиқ кирим қилиниши, назорат-касса аппаратларини қўллаш қонунчилигига риоя этилиши ва бошқаларни назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тизимида *Бош назорат-тафтиш бошқармаси*¹⁷ тузилган бўлиб, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари мавжуд.

Мазкур органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қонунчилигига риоя этиши бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда ҳужжатлар асосида текширувларни ҳамда ҳукумат қарорлари билан солиқ органлари зиммасига юклатилган масалалар бўйича назорат текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- хўжалик юритувчи субъектлардан олинадиган солиқлар ва йиғимларнинг ҳисоблаб ёзилиши, ундириб олинишида қонунийликка риоя этилиши, бюджетга тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида киритилишини назорат қилиш; солиқ қонунбузарликларини аниқлаш, огоҳлантириш ва тўхтатиш;
- ўтказилган ҳужжатли ва назорат текширувлари (ҳисобланган суммалар, молиявий санкциялар, маъмурий жарималар ва ҳ.к.ни ундириб олиш) якуни бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;
- солиқ қонунчилигининг бузилишига оид маълумотларни ҳамда ҳужжатли ва назорат текширувлари натижасида аниқланган бошқа фактларни умумлаштириш ва таҳлил этиш ва ҳ.к.

Давлат солиқ қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этиши ва функцияларини бажариши учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юридик ва жисмоний шахслардан хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) фаолиятига тегишли маълумот, ахборот, маълумотнома, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

банклар ва бошқа кредит-молия муассасаларидан хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)нинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларида амалга оширилган операциялари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган

¹⁷ Ҳукуматнинг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 13 мартдаги 87-сонли қарори билан тузилган. Ушбу орган тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарор билан тасдиқланган.

тартибда олиш.

Давлат молиявий назорат бўйича функцияларни *банк тизими* ҳам бажаради. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги қонунига мувофиқ у банк тизими барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида банк назоратини ва банклар фаолиятини тартибга солишни амалга оширади.

Марказий банк назорат функцияларини бажариш бўйича ўз ваколатларини амалга ошириш юзасидан банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботларни тузиш учун банклар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банкка қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- 1) банклардан ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни олиш ва текшириш, уларнинг фаолияти, жумладан операциялари тўғрисида ахборот, маълумотларни сўраш ва олиш;
- 2) олинган ахборот, маълумотлар бўйича тушунтиришлар талаб қилиш;
- 3) банкларнинг ички аудити бўйича талаблар белгилаш;
- 4) банк активларини сифат бўйича тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун шундай захиралар тузишни талаб қилиш;
- 5) банкларга улар фаолиятида аниқланган тартиббузарликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма буйруқлар, кўрсатмалар жўнатиш.

Текширувлар Марказий банк томонидан белгиланадиган ваколатли вакиллари ва аудиторлар томонидан ўтказилади.

Давлат молиявий назоратнинг айрим функцияларини бошқа органлар ҳам бажаради. Бу, хусусан, *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш маркази*¹⁸га тааллуқли бўлиб, унинг зиммасига барча давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қимматли қозғалар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг функция ва вазифалари нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлага эга?
3. Молия вазирлиги марказий аппаратининг таркиби ва тузилишини айтиб

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 мартдаги №УП-1414-сонли фармони билан тузилган.

беринг.

4. Молия вазирлигининг молия тизимида назоратни ташкил қилишдаги роли ва аҳамияти қандай?
5. Маҳаллий молия органларининг ҳудудий молияни бошқаришдаги роли ва аҳамияти қандай?
6. Маҳаллий молия органлари томонидан молияни назоратни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

7-мавзу: Давлат бюджети даромадлари истикболларини белгилаш ва уларни шаклланиши бўйича назорат ишлари

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси молиявий органларида назорат иқтисодий ишларни ташкил этиш ҳамда молиявий назоратнинг ҳозирги ҳолати.
2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини таҳлил қилиш - давлат даромадлари (жумладан, давлат бюджет даромадлари)нинг истикболини белгилашнинг асоси сифатида.
3. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгиловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларнинг таҳлили, давлат даромадлари ҳажмлари билан боғлиқлиги.
4. Давлат бюджетига солиқлар ва тушумларнинг тушишини таҳлил қилиш – даромадлар истикболини белгилашнинг зарурий элементи. Давлат бюджетига солиқлар ва тушумларнинг тушишини таҳлил қилишда солиқ ва молия органлари фаолиятини мувофиқлаштириш.
5. Давлат солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш-даромадларни прогнозлашнинг асосий босқичи. Молия органларининг даромадлар истикболларини белгилаш соҳасидаги назорат-иқтисодий ишларини мувофиқлаштириш масалалари.

Назорат иқтисодий ишларни ташкил қилишда етакчи ролни Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ўйнайди.

Молия Вазирлиги келгуси йил ва ўрта муддатли келажак учун мўжалланган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича, ҳамда бюджетдан молиялаштиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлар истикболи ва давлатнинг ижтимоий сиёсатининг вазифалари билан боғлиқ тарзда устувор йўналишлари аниқланади ва Республика Вазирлар Маҳкамасига бу борада ишлаб чиқарилган таклифларни ҳавола этади .

Молия Вазирлиги давлат молиясининг барқарорлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда жамланма бюджет истикболини белгилайди ва давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди.

Мамлакатнинг молиявий ресурсларини мужассамлаш ва уларни ривожланишининг устувор йўналишлари ва иқтисодиётнинг амал қилиш самарасини оширишга сарфлаш давлат даромадининг истикболини белгилаш асосида таъминланади.

Бу борадаги ишлар туғри ташкил қилиши эса молия органлари назорат ва иқтисодий таҳлил ишларининг сифатига ва давр талабига жавоб бера- олишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва уларнинг қуйи молия органлари давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини бошқаради жамлама бюджетини шу жумладан давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар ижросини таминлайди.

Истикбол кўрсаткичларини ўрганиш ва уларни иқтисодий таҳлили

асосида Молия Вазирлиги Республика Давлат Солиқ Қўмитаси билан биргаликда солиқ сиёсати ва солиқ тизимини ҳамда солиққа тортиш услубини такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқади. Истиқболни белгилаш босқичида умумдават солиқларини турли поғана бюджетлари ўртасида тақсимлаш тўғрисида таклифлар киритилади. Ундан ташқари Молия Вазирлиги божхона қонун қонуниятлари бож тўловлари ставкалари ва уларни олиниш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳам ишлаб чиқади. Солиқ, солиқсиз ва бож тўловларининг бюджетга тушуми устидан тўғри ва ўз вақтида назорат олиб бориш ва уларни иқтисодий таҳлил қилиш асосида, Давлат Солиқ Қўмитаси ва Давлат Божхона Қўмитаси билау биргаликда, давлат бюджетига даромадларнинг тушумини яхшилаш борасида чора - тадбирлар белгиланади ва зарур таклифлар тайёрлайди.

Молия органларининг бюджет даромадларини истиқболини белгилаш жараёнидаги назорат-иқтисодий ишларини ташкил этишда, авваламбор маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантириш тартиби тўғри амалга оширилганлигига аҳамият берилади. Сўнгра, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмининг шаклланиш манбалари текширилади. Бунинг учун алоҳида бюджетларнинг даромадлари қайси солиқ ва тўловлардан, ёки бошқа қайси манбалардан ташкил топганлиги аниқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми қуйдаги тўловлардан ташкил топиши белгиланган:

- Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларга мувофиқ бириктириладиган маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларга “давлат бюджети” тўғрисидаги қонунга биноан белгиланган меёрларда йўналтириладиган умумдават солиқлари ва бошқа умумдават тушумларининг бир қисми;

- йиғимлар ва солиқсиз тўловлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларининг даромадлари ҳам қўшилади);

- давлатнинг молиявий ва бошқа активларини сотиш ва тарқатишдан олинadиган даромаднинг бир қисми;

- ворислик ҳуқуқи, ҳадъя қилинган ва бошқа қонуний асосда давлат тасаруфига ўтказилган мулк қиймати ва маблағларнинг бир қисми;

- юқори бюджетлардан олинган бюджет ссудалари;

- бюджет ссудаларини сўндириш ҳисоби тўловлари;

- юқори поғона бюджетларидан трансфертлар ва бошқа манъбалардан бериладиган қайтаримайдиган тушумлар;

Ўзбекистон Республикасининг таркибий тузилмасидаги ҳар қайси маъмурий - ҳудудий бирлигининг бюджетлари, уларга бириктирилган ўзининг мувозанатлик тушумлари ва харажатларига эга бўлишлари шарт.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини таҳлил қилиш - давлат даромадлари (жумладан, давлат бюджет даромадлари)нинг истиқболини белгилашнинг асоси сифатида.

Ҳар йили мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси

таҳлил қилинади ва ўтган йиллар билан солиштирилади

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда давлат бюджети даромадлари прогноз қилинади.

Молия вазирлиги келгуси йил ва ўрта муддатли келажак учун мўжалланган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича, ҳамда бюджетдан молиялаштиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлар истиқболи ва давлатнинг ижтимоий сиёсатининг вазифалари билан боғлиқ тарзда устувор йўналишлари аниқланади ва Республика Вазирлар Маҳкамасига бу борада ишлаб чиқарилган таклифларни ҳавола этади .

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгиловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларнинг таҳлили, давлат даромадлари ҳажмлари билан боғлиқлиги

Мамлакатда ЯИМнинг ҳажми, ўсиш суръати, аҳолининг ўсиш даражаси, инфляция даражаси, бюджет дефицити каби макроиқтисодий кўрсаткичлар бевосита бюджет даромадлари ҳажмига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади

Ўзбекистонда бюджет амалиётида келгуси йил учун аввало бюджет харажатлари режалаштирилади.

Молия вазирлиги давлат молиясининг барқарорлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда жамланма бюджет истиқболини белгилайди ва давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди.

Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, бюджет жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги кунда даромадларни истиқбол режаларини белгилаш Адлия вазир-лигидан 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатдан ўтган «Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш» қоидаларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда бюджет даромадларини режалаштириш Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармаси, ҳудудий молия идораларидаги тегишли бўлимлар томонидан Давлат солиқ қўмита-си ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Давлат бюджети даромадларини режалаштиришда макроиқти-содий кўрсаткичлардан фойдаланишнинг сабаби шундан иборатки, давлат иқтисодиётда макроиқтисодий агент сифатида ўзаро товар ва пул айланмасида иштирок этади ҳамда давлат харажатлари ва шунга тенг бўлган даромадлари ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли, мамлакатда яратиладиган маҳ-сулот ва хизматларнинг ҳажми, иқтисодий ўсиш кўрсаткичи, нарх-лар даражаси, миллий валютанинг эркин алмаштириладиган валю-таларга нисбатан курси давлат бюджети даромадлари миқдорида бевосита таъсир қилади. Даромадларни режалаштиришда шу кўр-саткичлардан фойдаланилади.

«Солиқ ва йиғимларнинг бюджети тушумларининг прогнозлаштириш тушунчаси маълум даврда кутилаётган тўловлар ҳажми-ни ҳисоблаш, шунингдек, жами прогнозлаштирилаётган тўлов ман-балари ва ҳар бир тўлов тури бўйича

тушумларни олдиндан билиш-ни англатади. Солиқ ва йиғимларнинг бюджетга тушумининг прогноз ҳисоб-китобини тузишда Давлат солиқ хизмати органларида қўлланиладиган ҳисоб-китоб шакли ва усуллари ягона тартиб қондаси жорий этилган»¹⁹¹. Солиқлар тушумини прогнозлаштириш-нинг ҳисоблаш усуллари тайёрлаш тўлов манбаларининг аниқли-ги ҳамда ушбу тўлов турлари тушум ҳажмини аниқ кўрсатиб беришига боғлиқ. Ушбу танланган усул прогнозлаштирилаётган тўлов турини ҳисоблаш ва тўлаш хусусиятларини, шунингдек, прогнозлаштирилаётган даврда солиққа тортиш шарт-шароитлари (став-калар, имтиёзлар, тўлов муддатлари)ни тўлиқ намоён этиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳоки-миятлари жорий этган турли даражадаги ҳар бир тўлов турлари бўйича солиқлар тушумини прогнозлаштириш Давлат солиқ органла-ри томонидан ўтказилади. Солиқлар тушумини прогнозлаштириш-нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

о солиқ органлари томонидан кейинги молия йилида бюджетга прогнозлаштирилаётган тўловларнинг ҳар бир тури бўйича умумий ва ҳудудий тушумларнинг турли даражадаги прогноз ҳисоб-китоб-ларини ишлаб- чиқиш;

о жорий қилинган солиқ тушумлари прогнозининг ижроси ус-тидан доимий назорат қилиш.

Давлат солиқ инспекцияси ходимлари прогноз кўрсаткичлари-ни солиқ тўловчилари ҳамда солиқ турлари бўйича умумлаштириб, қайта ишлаганларидан сўнг шаҳар ёки туман миқёсида кейинги молия йили учун солиқлар тушумини прогноз лойиҳасини тузади ва жорий йилнинг 1 апрелигача Давлат солиқ бошқармасига тақ-дим қилади. Давлат солиқ бошқармаси кейинги молия йили учун солиқлар тушумини прогнозлаштириш лойиҳасини ишончлилиги ва асослилигини текширади. Лойиҳани таҳлил қилади, бутун ҳудуд бўйича умумлаштиради ва жорий йилнинг 10 апрелигача Давлат солиқ қўмитасига тақдим қилади. Давлат солиқ қўмитаси солиқлар тушумининг прогнозини таҳлил қилади, бутун республика бўйича умумлаштиради ва жорий йилнинг 20 апрелигача Ўзбекистон Респуб-ликаси Молия вазирлигига тақдим қилади. Бизнинг фикримизча, Давлат солиқ хизмати органларидан солиқлар тушумини прогнозлаштириш учун кўрсаткичларнинг маълумот базасини яратиш бюджетга тўловларнинг барча турларини жамлаш, мунтазам тизимлаштириш ва такомиллаштириш устида доимий иш олиб бориш талаб этилади.

Ҳозирги пайтда бюджет даромадларни истикбол режаларини белгилашни режалаштиришда, асосан, иккита усулдан кенг фойдаланилади,

1. «Тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули».
2. «Динамика усули».

«Тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули»да келгуси йилга солиқ солиш базаси ва ундаги ўзгаришлар режалаштирилади ҳамда мўлжалла-наётган солиқ ставкалари ёрдамида тушумлар режалаштирилади.

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган даромад солиғи бўйича

¹⁹¹ Абдуллаев Х. Солиқ ва йиғимларни солиқ органлари томонидан Давлат бюджети тушумларини прогаозлаштириш. «Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. «1<3T1800-MOLIYA». 2006 й. 180 бет

тушумларни режалаштиришга мисол келтирилган бўлиб, ундаги маълумотлар Давлат статистика қўмитасидан ёки унинг ҳу-дудий бўлинмаларидан олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу-нингдек, ўртача йиллик энг кам ойлик иш ҳақи ва ойлик иш ҳақи миқдорлари бюджет сиёсатида кўзда тутилаётган индексация миқ-дорлари ёрдамида аниқланади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, им-тиёзга эга бўлган тўловчилар бўйича алоҳида солиқ тушумлари шартли равишда ҳисобланиб, жами ишловчиларга тўғри келадиган прогноз кўрсаткичидан чегириб ташланади.

Бу усулни шу каби аниқ ҳамда уни келгуси йилларда бирон-бир кўрсаткич ёрдамида аниқлаш мумкин бўлган базага эга бўлган со-лиқ турлари бўйича қўллаш яхши натижа беради.

«Динамика» усулидан фойдаланишнинг моҳияти шундан иборатки, илгари айтиб ўтганимиздек давлат даромадлари унинг хара-жатларига деярли тенг бўлганлиги сабабли, ялпи ички маҳсулот таркибига киради ва шу нуқтаи назардан солиқ солиш базалари,

яъни яратилган қўшилган қиймат, хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдаси, товар айланмаси ва ўз-ўзидан солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улушининг кейинги йиллардаги динамикасининг ўртача кўрсаткичини топиш орқали бюджет даро-мадлари режалаштирилади. Бу усулнинг ўзига хос томони шундан иборатки, солиқ солиш базаси тўғрисидаги маълумотларнинг турли-чалиги ёки аниқ бир маълумотнинг йўқлиги, уни келгуси йилга режалаштиришда ҳисобга олиниши лозим бўлган омилларнинг кўплиги шароитида мазкур усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, шу иккала усул бир-биридан алоҳида ҳолда қўлланил-майди ва улар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Битта усул билан режалаштирилган даромад миқдори иккинчиси ёрдамида таҳлил қилинади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, даромадларни режалаш-тиришга қўйиладиган талаб режалаштирилган тушумни ҳар томон-лама таҳлил қилиб чиқишни тақозо қилади.

Бозор иқтисодиётига хос бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳолат давлат бюджети даромадларини режалаштиришни ҳам кундан-кунга такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Давлат бюджети даромадларини режалаштиришда макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланишнинг сабаби шундан иборатки, давлат иқтисодиётда макроиқтисодий агент сифатида ўзаро товар ва пул айланмасида иштирок этади ҳамда давлат харажатлари ва шунга тенг бўлган даромадлари ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли, мамлакатда яратиладиган маҳсу-лот ва хизматларнинг ҳажми, иқтисодий ўсиш кўрсаткичи, нархлар даражаси, миллий валютанинг эркин алмаштириладиган валюта-ларга нисбатан курси давлат бюджети даромадлари миқдorigа бе-восита таъсир қилади, даромадларни режалаштиришда шу кўрсат-кичлар фойдаланилади. Давлат бюджети даромадларини режалаш-тиришнинг юзага келадиган иқтисодий ҳолат ва иқтисодий сиёсат йўналишлари билан боғлиқлигини кучайтириш мақсадида, тегишли идораларнинг ҳамкорлигини ошириш ва қонунчиликка зарур ўз-гартиришларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мамлакатнинг давлат бюджети ва бюджет тизими, унинг айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилишни, бюджет тизимига кирадиган бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бюджетлар таркиби ва тузилмасини, бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлаш-даги тартиб-қоидалар ва бошқаларни белгилаб беради. Барча даражадаги бюджетлар ягона бюджет таснифи даромадлар ва харажатларни тасниф объектларига гуруҳловчи хос рақам (кодлар) бериш билан гуруҳлаш кўрсаткичлари доирасида прогнозлаштирилади, шакллантирилади ва ижро этилади.

Бюджетнинг истикболини белгилаш - давлатнинг молия сиёсати талабларига мувофиқлаштирилган молиявий режалаш-тиришнинг муҳим таркибий қисmini ташкил қилади. Бундай режалаштиришнинг иқтисодий вазифаси турли даражадаги бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларини тузиш ва ижроси жараёнида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умум-миллий дастурлари асосида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини молиявий тизим бўғинлари ўртасида марказлаштирилган ҳолда режалаштиришдан иборатдир.

Бюджетни истикбол режаларини белгилаш давомида молия мамлакатни ривожлантириш давлат дастурларининг асосий иқтисодий ва сифат кўрсаткичларига ҳамда табиий, моддий, меҳнат, молия ресурсларидан самарали фойдаланиш захираларини топишга фаол таъсир кўрсатади. Бюджетни режалаштириш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджетини истикбол режаларини белгилашнинг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

- бюджет масалаларини ягона ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниши;
- бюджет маблағлари йўналишларининг аниқ манзили ва мақсадли характери;
- йиллик бюджетни режалаштиришнинг узлуксизлиги;
- молиявий кўрсаткичларнинг (меъёрлар, солиқ ставкалари, сметалар) барқарорлиги;
- баланс усули.

Бюджетни режалаштириш турли даражадаги бюджетларни тузиш ва ижро этиш тартиби, унинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва ташкилий асоси тарзида бюджет жараёнини, шунингдек, мамлакат бюджетини тузишнинг назарияси ва методологияси масалаларини ҳам ўз ичига олади. Бюджет бўйича прогнозлаштириш асослари мамлакат конституцияси ва қонунлари билан белгиланади. Бюджет жараёни бюджетни режалаштиришнинг асосий шакли сифатида ҳокимият органларининг давлат бюджети ва унга кирадиган бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, шунингдек, уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлаш бўйича қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган фаолиятдан иборат.

Бу бюджет барқарорлигини таъминлаши ҳамда маблағларни хўжалик

соҳалари, иқтисодий минтакалар ўртасида тақсимлашда зарур пропорцияларни яратиши лозим. Унинг муҳим шarti - бюджет харажатларининг даромадларга мос бўлиши, молиявий захира-лар ташкил қилишдан иборат. Бу принцип бутун молиявий сиёсатнинг асосий мақсади ҳисобланади ва давлат бюджетини ташкил қи-лувчи бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларни аниқ мақсадларга йўналтириш доирасида амалга оширилади.

Давлат бюджетига солиқлар ва тушумларнинг тушишини таҳлил қилиш – даромадлар истиқболини белгилашнинг зарурий элементиدير.

Ўзбекистон Республикаси бюджет даромадларининг асосий қисми солиқлардан шаклланади

Режалаштирилган бюджет харажатларига мос равишда бюджет даромадлари, яъни солиқлар, мажбурий тўловлар ва носолиқ даромадлар прогноз қилинади

Давлат бюджетига солиқлар ва тушумларнинг тушишини таҳлил қилишда солиқ ва молия органлари фаолиятини мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Истиқбол кўрсаткичларини ўрганиш ва уларни иқтисодий таҳлили асосида Молия вазирлиги Республика Давлат Солиқ Қўмитаси билан биргаликда солиқ сиёсати ва солиқ тизимини ҳамда солиққа тортиш услубини такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқади. Истиқболни белгилаш босқичида умумдавлат солиқларини турли поғана бюджетлари ўртасида тақсимлаш тўғрисида таклифлар киритилади.

Ундан ташқари Молия вазирлиги божхона қонун қонуниятлари бож тўловлари ставкалари ва уларни олиниш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳам ишлаб чиқади. Солиқ, солиқсиз ва бож тўловларининг бюджетга тушуми устидан тўғри ва ўз вақтида назорат олиб бориш ва уларни иқтисодий таҳлил қилиш асосида, Давлат Солиқ Қўмитаси ва Давлат Божхона Қўмитаси билан биргаликда, давлат бюджетига даромадларнинг тушумини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгилайди ва зарур таклифлар тайёрлайди.

Давлат солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш-даромадларни прогнозлашнинг асосий босқичи ҳисобланади.

Ҳар йили Молия Вазирлиги Давлат Солиқ Қўмитаси билан биргаликда келгуси йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсатини ишлаб чиқади. Бунда келгуси йил учун бюджет даромадлари ва харажатлари миқдори, ҳамда солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ставкалари, шунингдек янги киритилган ёки бекор қилинган солиқлар борасида маълумотлар ифода қилинади.

Шунингдек, ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан келгуси йил учун бюджет параметрлари борасида қарор қабул қилинади.

Маҳаллий бюджетларни мувозанатини таъминловчи бюджетлараро муносабатларнинг кўрсаткичларини истиқболини таҳлили молиявий назоратнинг

асосий элементидир.

Молия органларининг бюджет даромадларини истиқболини белгилаш жараёнидаги назорат-иқтисодий ишларини ташкил этишда, авваламбор маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантириш тартиби тўғри амалга оширилганлигига аҳамият берилади

Сўнгра, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмининг шаклланиш манбалари текширилади. Бунинг учун алоҳида бюджетларнинг даромадлари қайси солиқ ва тўловлардан, ёки бошқа қайси манбалардан ташкил топганлиги аниқланади. Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг тақчиллигига йўл қўйилмаслиги зарур. Шунинг учун ҳам, давлат бюджети даромадларининг истиқболини белгилаш жараёнида, бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ, юқори бюджетлардан ажратиладиган дотация ва субвенциялар ҳисобига қопланилганми ёки йўқми деган масалага эътибор қаратилади.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси молиявий органларида назорат иқтисодий ишларни ташкил этиш ҳамда молиявий назоратнинг ҳозирги ҳолати қандай?

2. Нима учун мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини таҳлил қилиш - давлат даромадлари (жумладан, давлат бюджет даромадлари)нинг истиқболини белгилашнинг асоси сифатида деб эътироф этилади?

3. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини қандай макроиқтисодий кўрсаткичлар белгилайди?

4. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгиловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш давлат даромадлари ҳажмлари билан боғлиқлигини исботланг.

5. Давлат бюджетига солиқлар ва тушумларнинг тушишини таҳлил қилиш ния учун даромадлар истиқболини белгилашнинг зарурий элементи сифати келтирилган?

6. Давлат бюджетига солиқлар ва тушумларнинг тушишини таҳлил қилишда солиқ ва молия органлари фаолиятини қандай тартибда мувофиқлаштирилади?

7. Даромадларни прогнозлашнинг асосий босқичида солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари қандай аҳамиятга эга?

8-мавзу: Бюджетни тузиш ва ижро этиш жараёнини назорат қилиш

Режа:

1. Бюджетни тузиш жараёнида молия органлари фаолиятини тафтиш этишнинг асосий вазифалари.
2. Бюджетни тузиш бўйича тафтишнинг субъектлари, объектлари ва предмети. Тафтиш манбалари.
3. Бюджет ижросини тафтиш қилиш бюджетнинг даромад ва харажатлар бўйича ижросини текшириш, қўшимча ажратмаларнинг асосланганлигини, режадан ортиқча ажратмаларни молиялаштириш манбаларини мавжудлигини текшириш.
4. Бюджет бўғинлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича, бюджет ссудаларини бериши бўйича операцияларнинг қонунийлигини текшириш.
5. Молия органларида назорат - иқтисодий ишларнинг ҳолатини текшириш. Бюджетнинг кассавий ижросини текшириш ва тафтиш қилиш, унинг мақсадлари, вазифалари, объектлари.
6. Тафтиш натижаларини расмийлаштириш ва чора тадбирлар белгилаш. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида текшириш ва тафтишларнинг самарадорлигини ошириш, тафтишчиларни моддий рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш.

Давлат бюджети давлат молияси тизимида марказий ўринни эгаллайди. Иқтисодиёт ривожланишини турли босқичларида бюджет давлат сиёсатини амалга ошириш қуроли, мўлжалланган дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларини асосий манбаи ҳисобланади. Давлат бюджети, давлат ҳокимиятининг кундалик масалаларини ҳам, ривожланиш истиқболлари вазифаларини ҳам ҳал этишда катта аҳамиятга эгадир.

Бюджет уч таркибий қисмдан — харажат, даромад қисмлари ва улар балансида иборат. Яъни даромадларнинг харажатларга мувофиқлиги қонунга амал қилиши лозим. Бюджетни шакллантириш аввало унинг харажат қисминини тузиш йўли билан юз беради, чунки давлат ўзида мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиқибгина харажатлар қилиши мумкин эмас. Давлат аввало жамиятни самарали ривожлантириш мақсадида унинг олдида турган вазифаларни бажариш учун зарур маблағлар ҳажминини белгилаши ва шундан кейингина ўз қўлида бўлган бюджет даромад қисминини тўлдиришнинг асосий воситаси - солиқлар ва бошқа манбалар ёрдамида ана шу молиявий ресурсларни жалб этиши керак.

Давлат бюджети пул ресурсларининг марказлаштирилган жамғармаси (фонди) бўлиб мамлакат ҳукумати давлат аппарати, қуролли кучларни тутиб туриш, шунингдек иқтисодий функцияларни бажариш учун уни тасарруф этади. Ҳозирги шарт-шароитда бюджет давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш, ҳўжалик фаолиятига таъсир кўрсатиш шунингдек кризисга қарши чора-тадбирларни амалга оширишнинг қудратли воситаси ҳамдир. Ҳозирги давлат бюджети унинг бутун хилма-хил функцияларини акс эттирадиган мураккаб, кўп

кўринишли хужжат ҳисобланади. Аввало бюджетда давлат харажатлари ва даромадлари тартиби ўз аксини топади. Харажатлар бюджет қуролиларининг сарфланиш йўналишлари ва мақсадларини кўрсатади.

Харажат моддаларининг аҳамияти жуда муҳим, чунки уларнинг қанчалик мақсадга мувофиқлигига мазкур давлат солиқ тўловчилари зиммасига юклатиладиган солиқ юкига боғлиқ бўлади. Бундан шу нарса равшанки, мазкур аниқ даврда амал қиладиган солиқлар тизими (солиқ миқдори, уларни ставкалари, солиқ солинадиган база) давлат бюджетида харажатларнинг қандай моддалари кўзда тутилганига ва уларни қоплаш учун қанча миқдорда маблағлар зарурлигига тўла равишда боғлиқдир.

Иқтисодий ишлаб чиқариш секторлари фаолияти учун энг қулай шарт-шароитларини яратиш билан боғлиқ харажатлар давлат харажатларининг энг муҳим моддалари қаторига киради. Ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга доир, биринчи навбатда таълим ва соғлиқни сақлаш харажатлари ҳам борган сари кўпроқ ўрин эгалламоқда.

Маҳаллий бюджетлар давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Уларнинг харажатлари ҳисобига биринчи навбатда коммунал мулк объектлари, йўллар, мактаблар қурилиши, алоқа воситаларини ривожлантириш шунингдек уй-жой қурилиши пул билан таъминланади. Маҳаллий ҳокимият органлари бюджетидан маҳаллий маъмурий ва бошқа бюджет муассасаларини тутиб туриш учун ҳам фойдаланилади. Маҳаллий бюджетлар харажатларида ижтимоий маданий эҳтиёжлар, соғлиқни сақлаш объектларига доир, иқтисодий мувозанатни қўллаб туриш харажатлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Иттифоқ, тарқалиб кетиши билан Ўзбекистон Республикасининг давлат ва иқтисодий мавқеи тубдан ўзгарди. Ўзбекистон халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган мустақил ва суверен давлат мақомига эга бўлди. Ўзбекистоннинг маҳаллий давлат ҳокимият идоралари - вилоятлар, шаҳар ва туманлар билан ўзаро муносабатлари янгича иқтисодий асосларда қайта ташкил этилди. Республика ўз даромадларини мустақил тасарруф этадиган, ўз харажатларини тўла-тўқис ўзи қоплайдиган бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси давлатнинг зарурий хусусияти саналувчи бюджет ва бюджет жараёнида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас эди. Жумладан, собиқ иттифоқ давлат бюджетидан фарқ қилиб, Ўзбекистон Республикаси бюджети давлатнинг ягона пул жамғармаси ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 213-моддасига мувофиқ, давлат мулки республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки (муниципал мулк)дан иборат. Шу туфайли маҳаллий давлат идоралари бюджети ҳам мустақил бўлиб, юқори турувчи давлат идоралари бюджетининг таркибий қисми ҳисобланмайди. Аммо бу нарса марказлаштирилган ҳолда бюджет масалаларига ёндошишликни истисно қилмайди.

Шунга эътиборни қаратишни истар эдикки, бюджет тизимини нисбатан бошқачароқ таърифга асосланувчи муносабатлар сифатида ҳам қарайдиган муаллифлар учрайди.

Масалан, О.Г. Бежаев “Иқтисодий муносабатлар асосланувчи, ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солиб турилувчи, нодавлат бюджет фондлари бюджетларини қамраб олувчи мамлакат ҳудудидаги мавжуд барча бюджетлар

йиғиндиси бюджет тизимини ҳосил қилади”, деб таъриф беради.

Бу таъриф ҳам юқорида давлат бюджетига берилган таърифга мазмунан яқин келади.

Бюджет тизими ва бюджет жараёнида юзага келадиган барча босқичларда “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонун талабларига, бюджет тизимининг асосий тамойилларига, бюджет тизими тўғрисидаги меъёрий харажатларга, йўриқнома ва тартибларга амал қилиниши **бюджет интизоми** тушунчасини белгилайди.

“Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида қўлланилган иқтисодий категорияларнинг мазмуни – таърифи келтирилган. Бироқ, бюджет интизоми тушунчаси мазмуни – моҳиятига тўхтанилмаган.

Мазкур қонун Республикамиз ҳудудидаги бюджет тизимини тартибга солиб туриш учун хизмат қилсада, лекин қонунда фақат 38-модда Давлат бюджети ижросини назорат қилишга бағишланган бўлиб, бюджет интизомига эътибор қаратилмаган ва у тўғрисида қонуннинг ҳеч бир қисмида маълумот учратилмайди. Ваҳоланки, бюджет интизоми тартибини, меъёрини маъсулияти ва жавобгарлигини қонунан белгилаб қўйиш зарур ва аҳамиятли ҳисобланади.

Бюджет назоратини амалга оширишдан мақсад бюджет маблағларини ҳосил қилиш ва ишлатишда мақсадлилиқ, самарадорлик, тартиблилик, қонунийликнинг таъминланишига эришиш зарурлигидан иборатлигига эътиборни қаратсак, бунда бюджет интизоми ва унинг назоратида қуйидаги чизмада кўрсатилган муҳим кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади (1.1-расмга қаранг).

Бюджет интизоми ва унинг назорати



Россия Федерациясида 1998 йил 31 июлда 145-ФЗ-сон билан қабул қилинган. Россия Федерациясининг Бюджет кодекси қабул қилинган ва амал қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам бюджет тизимини, бюджет ва нобюджет муносабатларини бюджет ижросини, бюджет назоратини, бюджетлараро муносабатларни, бюджет дарамодларини шакллантиришни, қолаверса бюджет интизомини ҳуқуқий тартибга солиб туриш имконини берувчи умумий ва ягона қонунни – бюджет кодексининг ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Умуман, бюджет назоратининг амалий ижроси мустаҳкамлигини таъминлаш учун унинг мукаммаллаштирилган ҳуқуқий асосини яратиш лозим.

Бюджет назоратини амалга оширишдан мақсад бюджет маблағларини ҳосил қилиш ва ишлатишда мақсадлилиқ, самарадорлик, тартиблилик, қонунийликнинг таъминланишига эришиш зарурлигидан иборатлигига эътиборни қаратсак, бунда бюджет интизومي ва унинг назоратида қуйидаги чизмада кўрсатилган муҳим кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади

Ҳозирги кунда бюджет интизомини мустаҳкамлаш барча бюджет жарағнларида ислохотлар олиб боришга эҳтиёжлар туғдирмоқда. Бу иқтисодий ислохотлар:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва маъсулиятини ошириш;

- бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратишлар орқали олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, маблағ билан таъминлаш бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чорақлар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда бюджетдан фойдаланиш махсус мезонлар йиғиндиси мавжуд бўлишини тақозо этади. Бундай юридик мезонлар молия ҳуқуқининг мустақил бўлимини ташкил этади. Бюджет ҳуқуқи молиявий тизимнинг таркибий бўлаги сифатида бюджетни вужудга келтириш, тақсимлаш ҳамда фойдаланиш юзасидан вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Бюджет ҳуқуқи мазмуни жумласига қўйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг бюджети тузилиши ва бюджет тизимлари соҳасидаги муносабатлар;

- Ўзбекистон Республикасининг бюджети ва маҳаллий бюджет даромадлар ва харажатлар тузилишини, уларнинг турли бюджет бўғинлари ўртасида тақсимланиши соҳасидаги муносабатлар;

- Ўзбекистон Республикасининг бюджети ва маҳаллий бюджетлар ваколатлари доирасини белгилашга оид муносабатлар;

- Бюджет жараёни билан боғлиқ муносабатлар;

- Бюджет ижроси устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар.

Юқорида санаб ўтилган ижтимоий муносабатлар бюджет ҳуқуқи мезонлари билан тартибга солиниши натижасида бюджетга оид ҳуқуқий муносабатларга айланади. Бошқа молиявий муносабатлардан фарқли равишда бундай ҳуқуқий муносабатлар бюджет фаолияти натижасида вужудга келади. Бюджет ҳуқуқий муносабат субъектлари доираси нисбатан торроқ бўлиб, улар жумласига қўйидагилар киради:

- давлат, маъмурий-ҳудудий тузилмалар;

- давлат вакиллик, ижроия ҳамда маҳаллий идоралари;

- давлат ва муниципал ташкилотлар.

Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси идоралари, вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятлари киради.

Иккинчи гуруҳга ҳукумат, вилоят, шаҳар, туман маъмурияти, молиявий идоралар тизими (Молия вазирлиги, молия бошқармалари, банк тизимлари, солиқ идоралари) киради.

Учинчи гуруҳга давлат ва муниципал корхоналар, муассасалар ва давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган бошқа тузилмалар киради.

Бюджет ҳуқуқи мезонлари моддий-ҳуқуқий ёки процессуал бўлиши мумкин. Моддий-ҳуқуқий мезонлар бюджет тузилиши, тизимлари, даромад ва харажатлар таркиби ва бошқаларни белгилайди. Процессуал мезонлар эса бюджет жараёнини, унинг қабул қилиниши ва ижро этилиш тартибларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет ҳуқуқи ҳали шаклланиш босқичидадир.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилиши тушунчаси деганда, бюджет тизимларини ташкил этиш ва унинг тузилиш қоидалари кўзда тутилади.

Хар қандай давлатнинг бюджет тузилиши унинг давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишига кўра белгиланади. Шу сабабли федератив, конфедератив ёки унитар давлатларда у ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети асосан солиқлар ёрдамида тўпланадиган ҳамда давлат томонидан унинг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш учун ишлатиладиган пул маблағларининг марказлаштирилган фондларидир, у қонун кучига эга, республика Олий мажлиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети бир бутундир, яъни бюджет тизими барча бўғинлари давлатнинг ягона давлат бюджетига кирадиган Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳар ва туманлари бюджетларининг узвий бирлигини билдиради. Бюджет бирлигини Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлиги белгилаб беради. Бюджет тизими

бутун республика худудида амал қилаётган давлат даромадлари ҳамда умуман республикани Қорақолпоғистон Республикаси вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун тизимига асосланади.

Бюджетнинг яхлитлиги туфайли давлат ўз тасарруфига пул ресурсларнинг ягона марказлаштирилган фондини олади, уни бюджет тизимининг фақат бирор бир бўғинига тақдим этиш мумкин эмас, ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига бирлаштириладиган барча бюджетларнинг мажмуи сифатида ифодаланади. Республика бюджет тизимининг яхлитлиги ва бир бутунлиги қонун томонидан мустаҳкамлаб қўйилган, унда қуйи бюджетларнинг ҳар бири юқори бўғинга кириши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг муҳим таркибий қисми маҳаллий бюджетлардан иборат. Улар ўз фаолиятини амалга ошириш учун давлат ҳокимиятининг ҳар-бир маҳаллий органи тасарруфида реал молиявий негиз барпо этади.

Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чоратadbирлар билан тўғри солиштириш имконини беради. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетга даромадлар келиб тушишини кўпайтириш ва ресурслардан авайлаб фойдаланишдан манфаатдорлар. Чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиш суръатлари маҳаллий бюджет маблағларидан режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида умуман Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини муваффақиятли бажарилишига имкон яратади. Маҳаллий бюджетлардан уй-жой коммунал хўжалик ва ободонлаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ижтимоий таъминотга доир таadbирлар ва бошқалар молияланади.

Давлат бюджети даромад ва харажатлар баланси шаклида тузилади ҳамда мамлакат бюджети фондини шакллантириш манбалари ва ундан фойдаланиш йўналишларини акс эттиради. Шунинг учун хилма-хил алоқаларни акс эттирувчи бюджет кўрсаткичларини айти-равшан белгиланиши умумдавлат миқёсидаги фаол молиявий назорат учун асос яратади.

Бюджетнинг даромад қисми, шунингдек **дотациялар ва субвенциялар**, яъни юқори турувчи бюджет томонидан қўйи турувчи бюджетга маблағ ажратилишидан иборатдир.

Юридик шаклларига кўра, бюджет даромадлари **солиқ ва солиқдан ташқари** тўловларга бўлинади.

Бюджет тизимлари ва харажатларини тақсимлаш пайтида икки муҳим вазифа хал этилади:

1) Ўзбекистон Республикасини, маҳаллий бюджетларни улар олдида турган вазифаларни бажариш учун етарли бўлган маблағ билан таъминланишларига эришиш;

2) бюджетларга улар фаолияти доирасига мувофиқ келадиган харажатларни юклаш.

Даромад ва харажатларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш жараёни қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

- марказлаштирилган ҳолда бошқариш;
- бюджетларни энг кўп мувофиқлаштирилишига эришиш, улар ўртасида турли нисбат ўрнатилишини таъминлаш;
- молиявий таъминланадиган объектнинг таалукчилиги ва аҳамиятлилиги;
- даромадларни ўтказишда ҳудудийликка амал қилиш;
- республика ва маҳаллий ҳокимият идораларининг айрим турдаги даромадларни тақсимлаш пайтидаги мустақилликлари.

Барча даражадаги бюджетларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар шаклланишининг айнан бир босқичлари доимий равишда янгиланиб туради ва бюджет доимий ижро этиб борилади. Бу ҳол у ёки бу даражадаги бюджетларни муайян давр давомида амал қилиши, бу муддат тамом бўлиши билан янгидан қабул қилиниши билан тавсифланади.

Бюджет шаклланиш жараёнида қуйидаги уч босқични босиб ўтади:

- бюджет лойиҳасини тузиш;
- лойиҳани кўриб чиқиш;
- тасдиқлаш.

Бюджетнинг ижро этилиши унинг тўртинчи босқичини ташкил этади. Бюджет ижроси юзасидан ҳисоботлар берилиши эса якуний босқич ҳисобланади.

Бюджет жараёнининг ҳар бир босқичи бир қанча оралиқ босқичларни ўз ичига олади ва унинг ҳар бир оралиқ босқичларида корхоналар, ташкилотлар, давлат идоралари, маҳаллий ҳокимият ва ижроия идоралари томонидан содир этилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатлар белгилаб қўйилади.

Бюджетларнинг шакллантирилиши тўрт даврдан: бюджет лойиҳасини тузиш, лойиҳани муҳокама қилиш, уни ваколатли идора томонидан қабул қилиниши — тасдиқланиши ҳамда уларни белгиланган давр давомида ижро этилишини таъминлаш босқичларидан иборат бўлади.

Бюджетлар лойиҳасини тайёрлаш, уларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, маҳаллий давлат идоралари қарорлари билан белгилаб қўйилади.

Бюджетларни шакллантиришнинг асосий қоидалари “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонунда ва бошқа қонуний ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Юқоридаги қонунлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, маҳаллий давлат идоралари ўз бюджетини шакллантириши ва ижро этишига оид бўлган меъёрий ҳужжатларни қабул қиладилар.

Бюджет жараёни қонунлар билан тартибга солинган фаолиятдан иборат бўлиб, бу фаолият давлат ва маҳаллий бюджетларни таркиб топтириш ҳамда ижро этилишини таъминлашга қаратилган бўлади.

Ушбу қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларига лойиҳаларини тайёрлаш учун, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга;

Бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун-

республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларга бюджет сўрови юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, тайёрлаш ва муддатларини қабул қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари уч кун ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаш учун туман ва шаҳар ҳокимларига, бюджет маблағи олувчиларга бюджет сўрови юборади бу жараён туман ва шаҳарлардаги бюджет маблағи олувчиларгача давом этади.

Келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртмалар:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан —жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмай тегишли молия органларига;

Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Келгуси молия йилига тегишли бюджетлар лойиҳалари:

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари молия органлари томонидан - маҳаллий ҳокимият органлари белгилаган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг йигирма бешинчи июнидан кечиктирмай юқори молия органларига;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда бироқ жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджет лойиҳасини тайёрлайди ва жорий йилнинг ўн бешинчи сентябригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси ёки унинг топшириғига асосан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири амалга оширади.

Давлат бюджет Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинади. Давлат бюджетига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари —Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

Шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман буйсунивидаги

шаҳарлар бюджетлари — белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Бюджет жараёни булардан ташқари бу соҳадаги ваколатларни тақсимлаш пайтида давлат вакиллик ҳамда ижроия идоралари ўртасида ҳокимият ваколатларнинг чегараланганлиги асос қилиб олинади. Шунга кўра бюджетларни тайёрлаш ва ижро этиш ижроия идоралар зиммасига юкланган бўлиб, бюджетларни муҳофаза қилиш ва тасдиқлаш вакиллик (қонунчилик) идоралари ваколатига киритилгандир.

Бюджет жараёнининг барча босқичларига ҳос яна бир хусусият - бюджет кўрсаткичларининг ихтисослаштирилганлиги, яъни даромадларни ўз манбаларига кўра, харажатларни эса мақсадли йўналишларга кўра тизимларга бўлинганлигидир.

Бюджет жараёнида унинг тамойилларига тўла риоя қилиш турли омиллар ва манфаатлар ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий ҳаётда самарали бошқарувни, бир маромдаги ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг барча бўғинлари ўз бюджетларини тайёрлаш ва ижро этишда мустақил бўлсаларда, бюджет лойиҳасини тайёрлаш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, қабул қилиш ва ижро этиш масалаларини тартибга солувчи процессуал ҳуқуқий қоидалар, барча бюджет бўғинлари учун умумий бўлган тартиблар белгилаб қўйилган. Бундай умумий қоидалар Ўзбекистон бюджет қонунчилиги билан белгиланган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

1. Бюджетлар муайян ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболини белгилаш кўрсаткичлари ҳамда дастурларига мувофиқ равишда амалга оширилиб, бюджет лойиҳаси тайёрлангунига қадар тегишли миллий-давлат ҳамда маъмурий-ҳудудий бирликлар тараққиёти режалари, тахминлари ишлаб чиқилади. Улар асосида ҳокимиятнинг ижроия идоралари тегишли бюджетнинг даромадлари: харажатлари, жамлама бюджет, қуйи ҳудудий идораларнинг минимал бюджет кўрсаткичлари тўғрисида ҳокимиятнинг вакиллик идораларига таклифлар ҳамда ахборотлар тақдим этадилар. Бундай ахборотларнинг тақдим этилиш муддатлари ва тартиблари қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли ҳокимиятларнинг ижроия ва вакиллик идораларига белгилаб қўйилган муддатларда кейинги йил бюджетининг ўзига ҳос хусусиятлари, бюджет лойиҳаси ҳисоб-китоблари, ижтимоий ва молиявий меъёрлар ҳақида хабарлар юборади.

3. Бюджет лойиҳаси тайёрланаётган пайтда қуйидагилар асос қилиб олинади:

— тартибга солинадиган даромадлардан ажратиладиган улуш (фоиз)лар лойиҳаси ва бу даромадлар таркиби;

— тегишли юқори турувчи бюджет ҳисобига амалга оширилиши мўлжалланаётган дотация ва субвенциялар кўрсаткичлари;

— тегишли ҳудудий бюджет даромадлари рўйхати ва бу даромадларнинг қайд этилган даромадлар ҳиссаси (фоизда);

— юқори турувчи бюджет бирлиги томонидан берилган харажатлар рўйхати.

4. Ҳокимиятнинг ижроия идоралари ўзларига юқори ташкилотлар томонидан

берилган бюджет кўрсаткичларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилади, уларга аниқлик ҳамда тузатишлар киритиш хусусида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришлари мумкин бўлади.

Бюджет лойиҳасига аниқликлар ва ўзгартиришлар киритишлар тўғрисидаги таклиф-мулоҳазалар тегишли юқори турувчи ижроия идоралари томонидан кўриб чиқилади ва улар рад этилгани тақдирда манфаатдор ижроия идора иштирокида мавжуд келишмовчиликлар тўғрисида тегишли баённома тузилади.

Бағнномада бюджет лойиҳасига тузатиш киритиш асослари ҳам, бу таклифларни рад этилиш асослари ҳам кўрсатилмоғи лозим.

Келажақда ушбу ихтилофни ҳал этиш учун тегишли қуйи ва юқори ҳокимият вакиллик идораси ўртасида ўзаро тенглик (паритет) асосида келиштириш комиссияси ташкил этилади ва унинг келишмовчилик бўйича қабул қилган қарори қуйи ва юқори ижроия идораларига маълум қилинади.

5. Тегишли ҳудудни ривожлантириш режалари ва истиқбол кўрсаткичлари асосида ижроия идора ҳокимият вакиллик идорасига бюджет харажатлари юзасидан моддама-модда таклифлар тақдим этади. Айни пайтда бюджет даромадларини белгилаш юзасидан ҳам ўз ҳисоб-китобларини маълум қилади. Бу таклифлар тегишли вакиллик идораси қўмиталари ва комиссияларида мақсадга мувофиқлиги, долзарблиги, уларни молиявий ва моддий жиҳатдан рўёбга чиқариш мумкинлиги нуқтаи-назаридан қаралган ҳолда муҳокама этилади.

Вакиллик идорасининг бюджет харажатларига розилик бериш тўғрисидаги қарори келгусида бюджет маблағлари ажратилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бюджет лойиҳасига барча ўзгартириш ва тузатишлар киритиб бўлингач, ижроия идораси уни тасдиқлаш учун вакиллик идораси муҳокамасига тақдим этади.

6. Бюджетларни тасдиқлаш даромадлар ва харажатларнинг ҳар бир моддасини муҳокама қилиш, улар юзасидан қарор қабул қилиш йўли билан амалга оширилади.

Вакиллик идораси, ижроия маҳкамаси, суд ҳокимиятини маблағ билан таъминлаш, тегишли бюджет харажатларининг мустақил моддаси сифатида кўзда тутилади.

Бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тегишли бюджет таснифига мувофиқ равишда амалга оширилмоғи зарур.

7. Бюджет лойиҳасини тайёрлашга оид амалий ишлар тегишли молия идоралари томонидан амалга оширилади.

8. Бюджетларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси миқёсида тегишли давлат бюджети ҳақидаги қонун билан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикаси Жуқориғи Кенгеси қонуни билан, маҳаллий бюджетлар эса тегишли халқ депутатлари кенгашлари қарорлари билан расмийлаштирилади. Ушбу қонунлар ва қарорлар матбуотда эълон қилинмоғи керак.

Барча даражадаги бюджетлар ижроси давлат ҳокимият органларининг мунтазам назорати остида бўлади. Бюджет ижроси устидан назорат олиб бориш тартиби ва ташкилий кўринишлари тегишли давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқий

актлари билан белгиланади. Ижроия ҳокимият органлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда бюджет ижросининг бориши устидан назорат олиб борадилар.

Ўзбекистон бюджет қонунчилиги қуйи органлар бюджет фаолиятига юқори аралашувини тақиқлайди. Шу билан бирга юқори органлар қонунда бевосита кўзда тутилган ҳолларда қуйи органлар ўзларига юқори турувчи бюджетдан ажратилган маблағлар (субвенциялар)дан тўғри фойдаланаётганлигини назорат қиладилар.

Бюджетлар ижроси бюджет жараёнининг охириги босқичи бўлиб, унда даромадлар ҳамда харажатлар бўйича барча кўрсаткичларнинг амалга оширилиши таъминланади. Қонунчиликка кўра бюджет ижросини таъминлаш вазифаси ҳокимиятнинг тегишли ижроия органлари зиммасига юклатилган.

Бюджетлар ижроси амалга оширилишида у ёки бу даражада барча марказий ва маҳаллий ҳокимият вакиллик ҳамда ижроия органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар иштирок этадилар.

Аммо бюджет ижросини таъминлаш бевосита солиқ, молия органлари ҳамда кредит муассасалари зиммасига юклатилган бўлиб, жумладан солиқ хизмати органлари бюджетларнинг даромад қисмларининг ижро этилишини таъминлайдилар²⁰. Ана шу мақсадда солиқ инспекциялари юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ ҳамда носолиқ тўловларнинг ўз вақтида тўланиши, даромадларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олиб борилиши устидан назорат олиб борадилар. Уларга ушбу вазифаларини бажаришлари учун зарур ваколатлар бериб қўйилган.

Бюджетлар ижросининг амалга оширилишида молия органлари муҳим ўрин тутадилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва бошқа молия органлари белгиланган тартибда марказий ва маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлайдилар; Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан бюджетларга тузатишлар киритадилар, бюджетлар ижроси устидан назорат қиладилар. Республика бюджетидан ажратилган маблағлардан тўғри ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилаётганлигини кузатиб борадилар; Республика бюджети ва жамланма (консолидацияланган) бюджетлар ижроси ҳақида ҳисоботларни тайёрлайдилар ва уни ҳукуматга тақдим этадилар. Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари ўзларига юклатилган назорат функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни, бухгалтерия ҳисоботларини талаб қилиб олишга ҳақли бўладилар.

Бюджетлар ижросини таъминлашда асосий ҳужжат бўлиб бюджет тақсимооти саналади. У тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органи томонидан тасдиқланади ҳамда унда бюджет даромад ва харажатлари батафсил кўрсатиб қўйилади.

Бюджетларнинг харажат қисмини ижро этиш бюджет ҳисобидан муайян маблағларнинг ажратилиши билан боғлиқ бўлади. Бюджетни ижро этиш жараёнида унинг ҳисобидан у ёки бу харажатларни коплаш мақсадида маблағ ажратилиши бюджет кредити деб юритилади. Бюджет кредити вазирликлар,

²⁰ Шохин С.О., Воронина Л.И. Бюджетно-финансовый контроль и аудит. Теория и практика применения в России. Научно методическое пособие. М.: Финансы и статистика, 2002. – с. 94.

идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотларга ажратилади. Бюджет кредити тегишли муассаса ва ташкилот раҳбари (кредит тақсимловчи) ихтиёрига келиб тушгандан сўнг улар ўзларига ажратилган маблағлардан мақсадга мувофиқ ва тасдиқланган смета доирасида фойдаланишлари лозим. Акс ҳолда бюджет маблағларидан фойдаланиш пайтида йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун кредит тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра жавоб берадилар.

Юқорида таъкидланганидек, бюджет ижросининг амалга оширилиш устидан назорат қилиш Республика Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларига юклатилган бўлиб, Молия Вазирлигининг асосий вазифаси — ҳукумат бюджетини тайёрлаш ва уни инфляциясиз молиялашдан иборатдир.

Ушбу вазифа қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- мамлакат бюджетини тайёрлаш;
- бюджетнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланиши;
- бюджет ижросини таъминлаш;
- харажатларни назорат қилиш.

Асосий вазифани ҳал қилишни кенгроқ маънода оладиган бўлсак, молия тизими, солиқ, монополияга қарши ва нарх-наво сиёсатининг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, ишлаб чиқариш самарадорлиги, миллий даромаднинг ўсиши, корхоналар ва ташкилотлар даромадларининг ва бошқа молиявий ресурсларнинг ўсишини таъминлашга, молия-кредит дастакларининг хўжалик механизмидаги бошқа унсур(элемент)лар билан алоқасини мустаҳкамлашга фаол таъсир кўрсатишини назарда тутати.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўз иш фаолиятини юритишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тўғрисида"ги Низомига асосланиб келинган.

Вазирликнинг асосий вазифалари Республика ҳудудида келишилган ягона молия-бюджет сиёсатини амалга ошириш бўйича вазирликнинг бўлим ва бошқармалар ишларини мувофиқлаштириш бу борада:

- Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича мустаҳкам молиявий базани яратиш;
- Давлатнинг йиғма молиявий баланси ва бюджетини тузишда халқ хўжалиги тармоқларининг молиявий ва иқтисодий аҳолини таҳлил қилиш;
- Республика ҳудудларидаги мавжуд маблағларни бюджетга жалб қилиш ва давлат маблағларини тежамли равишда харажат қилинишини таъминлаш.

Юқорида қайд этилган босқичлардан харажатларни назорат қилиш вазифаси бевосита Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий Назорат-тафтиш бошқармаларига юклатилган бўлиб, давлат маблағларининг айрим жойларда бошқа мақсадларга харажат қилинганлиги, ажратилган маблағлар эвазига олинган моддий-товар бойликларини ўзлаштириб, улар ҳисобидан камомадлар содир этилиши ва шунга ўхшаш бир қанча хато-камчиликларни аниқлашда шу бошқарманинг амалга ошираётган ишлари катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар самараси ва натижалари бюджет тизимида ҳам ўзига хос ўзгаришлар қўлланишга зарурлигини тақозо қилди. Ўз навбатида, бундай ўзгариш ва такомиллашувлар бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда бюджет интизомида риоя қилиш ва унинг ижроси назоратини кучайтиришга ўз таъсирини кўрсата олиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 февралдаги 66-сонли қарор билан тасдиқланган Низомнинг ўз кучини йўқотишга унинг ўрнига янги Низомнинг қабул қилинишга сабаб яратилди.

Янги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги қабул қилинган 393-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, у ҳам 10 бўлимдан иборат бўлсада, бундаги энг асосий ўзгаришлар пахта тозалаш саноати билан боғлиқ қўшимчаларга асосланади. Шунга кўра, Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкилий тузилмаси ва улар ишини ташкил этиш каби муҳим жиҳатларида ҳам анча тўлдиришлар ва пахта тозалаш саноатига доир қўшимчалар амалга оширилганлигини кўриш ва уни ижобий баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан ўтказилаётган текширишлар натижаси вилоятларда, бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомига риоя этилиши борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилиш ҳолатлари аниқланди. Туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг маҳаллий бюджетлар ижроси жараёнига ноўрин аралашуви оқибатида бюджет маблағлари бюджет параметрларида кўрсатилмаган турли харажатларга йўналтирилган. Бундай ҳолат биринчи даражали тадбирлар — иш ҳақи, нафақа ва стипендияларни, шунингдек бюджет муассасаларини озиқ-овқат, дори дармон, ёқилғи-энергия ресурсларини сотиб олиш учун ўз вақтида маблағ билан таъминлашга жиддий таъсир кўрсатиб келган.

Назорат саволлари:

1. Бюджет жараёни босқичларига таъриф беринг.
2. Бюджет жараёни назорат қилувчи субъектларни кўрсатинг.
3. Бюджет ижросини назорат қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқланг.
4. Бюджет бўғинлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни тафтиш қилишни зарурлигини тушунтиринг.
5. Даромад ва харажатлар бўйича ижроси текшириш субъектларини кўрсатинг.

9-мавзу. Солиқ назорати

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, унинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2. Давлат солиқ қўмитаси таркиби ва тузилиши, унинг молия тизимида назоратни ташкил қилишдаги роли ва аҳамияти.

3. Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштиришга хизмат қилувчи қонуний-ҳуқуқий ҳужжатлар.

4. Солиқ назоратининг шакллари. Бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумларни назорат қилиш.

5. Бюджет интизомига риоя этиш тартиби. Солиқ текшируви турлари. Солиқ текширувини ўтказиш тартиби.

Давлат молиясини бошқаришда Давлат Солиқ Қўмитаси ва унинг қуйи органлари қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- Бюджетга ва нобюджет фондларга солиқлар, йиғимлар ва тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилиши масалалари бўйича молиявий қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганини назорат қилиш;
- Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ва текшириш;
- Молия органларига ва хазиначиликка солиқлар ва бошқа тўловларнинг ҳақиқатдаги тўловлари тўғрисида ҳар ойда маълумот тақдим этиш;
- Ортиқча тўланган солиқ суммаларини ва солиқ тўловчилардан нотўғри ундирилган жарима ва пеняларни эгаларига қайтариш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини бошқаришда солиқ назорати энг муҳим инструментларидан бири ҳисобланади. Солиқ назоратисиз солиқ маъмурчилигини умуман тасаввур ҳам қилиш мумкин эмас. Солиқ назоратининг иқтисодий моҳияти ва мазмуни тўғрисида тўлароқ тушунча олиш мақсадида солиқ назоратига олимлар томонидан берилган таърифларнинг мазмунини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. И.ф.д. Б.И. Исроилов фикри бўйича “Солиқ назорати – давлат молиявий назоратининг ажралмас ва муҳим йўналишидан бири”²¹ ҳисобланади. Демак, муаллиф солиқ назоратини молиявий назоратнинг бир қисми сифатида тан олади. Муаллифлар гуруҳи солиқ назоратини ҳужжатли текшириш амалларига ўхшатишади.²² Бу муаллифлар солиқ назорати билан ҳужжатли текширув ўтказишни бир нарса деб тушинишади. Ўзбекистон республикасининг янги таҳрирдаги солиқ кодекси 67-моддасида солиқ назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилиши кўзда тутилган: “солиқ тўловчиларни

²¹ Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. – 216-бет.

²² Зуйкова Л., Карсетская Е., Шершнева Е. Налоговый контроль // Экономико-правовой бюллетень. №1, январь 2007.

ҳисобга олиш; солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш; бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш; камерал назорат; нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи; солиқ текширувлари; фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш; акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш; давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлари устидан назорат қилиш”.²³ Бизнинг фикримизча, солиқ кодексида солиқ назоратининг қуйидаги жиҳатларига урғу берилган: биринчидан, солиқ тўловчилар, солиқ базаси, солиқ объектлари ва солиқ тушумларни ҳисобга олиш, яъни уларнинг ҳисобини солиқ идораларида қатъий равишда, тўғри ва аниқ юритилишини таъминлаш. Демак, бу ерда солиқ ҳисобининг назорат функциясига урғу берилган; иккинчидан, камерал назорат, яъни жойларга чиқмасдан туриб солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари, солиқ солиш базалари ва солиқ тушумлари²⁴ бўйича маълумотлар базасини яратиш, уларни ўтган ҳисобот даврларидаги кўрсаткичлар билан таққослаш орқали “оғриқ нуқталар”ни аниқлаш ва зарурият бўлган ҳолларда жойларда хужжатли текширувларни амалга ошириш. Учинчидан, солиқ назоратнинг техник томонларига, яъни нақд пул тушумлари хронометражи; назорат-касса машиналарини қўллаш; акциз маркаларини қўллаш; молия инспектори лавозимини жорий этиш масалаларига қаратилган; тўртинчидан, даромадларнинг тўлиқ тушишини ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлари устидан назорат ишларини амалга оширишга қаратилган. Яъни, ички ишлар идоралари, нотариуслар, божхона идоралари, мулкни хусусийлаштириш идоралари томонидан давлат бюджетига ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга қилинадиган мажбурий ажратмаларнинг тўлиқ тушишини назорат қилиш.


Солиқ назоратининг асосий мақсади муаллифларнинг фикрича “...солиққа тортишнинг такомиллашган тизимини ташкил этиш, солиқ тўловчилар, банклар ва бошқа солиққа оид муносабатлар қатнашувчилари ўртасида солиқ қонунчилигини бузулишига йўл қўймайдиган солиқ интизомини яратиш” ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда солиқ назорати соҳасидаги давлат сиёсати солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига амал қилишини текширишнинг иккита мақсадига хизмат қилади: а) солиқ тўловчиларнинг ўз солиқ мажбуриятларини мустақил аниқлаш тизимининг амал қилишини кафолатлаш; б) солиқ қонунчилигининг бузилиш ҳолларини аниқлаш. Бошқача айтганда, солиқ идоралари солиқ назорати соҳасида ўз профессионал вазифаларини бажариш жараёнида виждонли солиқ тўловчиларга нисбатан ҳар томонлама ахборот ва бошқа томонлардан ёрдам бериши, солиқ қонунчилигини

²³ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси: Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. 51-52 бетлар.

²⁴ Изох: солиқ тушумлари деганда солиқ тўловчилар томонидан мажбурий равишда тўланадиган барча солиқлар, мажбурий ажратмалар ва тўловлар тушинилган.

бузушга моил солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ текширувларини мажбурлаш ва жазолаш инструменти сифатида қўллаши лозим. Солиқ назоратининг энг асосий вазифаси қонун бузулишларини профилактика қилиш ҳисобланади.

1-чизма



Солиқ назоратининг самараси кўп жиҳатидан солиқ назоратининг турлари, усуллари(йўсинлари), услуби ва шаклларини тўғри танлашга боғлиқ. Уларнинг оптимал ҳолати эса солиқ назоратини амалга оширишда кам ҳаракат билан энг яхши натижаларга эришишга имкон беради. Ўтказилган тадқиқот солиқ назорати давлат молиявий назоратининг махсус тури сифатида тан олишга имкон беради. Давлат молиявий назорати билан солиқ назоратининг асосий фарқ қилувчи белгиларига уларнинг шакли ва усулларини киритиш мумкин. Солиқ назоратининг шакллари текширув амаллари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиладиган камерал ва жойларга чиқиб амалга ошириладиган текширувларни олиб бориш мумкин. Шу билан биргаликда солиқ назоратининг шакллари тафтиш, инвентаризация ва назоратни олиб бориш мумкин.

Солиқ назоратининг турлари солиқ назорати шакли тушунчаси ва мазмуни билан узвий боғлиқдир. Солиқ назорати турлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда унинг давлат молиявий назоратнинг қайси типига қарашли эканлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳозирги кундаги мавжуд солиқ қонунчилиги солиқ ҳуқуқининг кўпчилик тушунчалари, жумладан, “солиқ назоратининг турлари” тушунчасини тўлиқ очиб бермаган ҳамда бевосита солиқ назоратига тегишли бўлган ва солиқ назоратининг турлари, шакллари ва усулларинини аниқ таснифлаб бермаган. Шу сабабли турли асосларга кўра амалга ошириш мумкин бўлган солиқ назоратининг турлари буйича таснифлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Илмий адабиётларда солиқ назоратини таснифлашда жуда кўплаб мезонлардан фойдаланилган. Молия-хўжалик операцияларини текширишга нисбатан солиқ назоратини ўтказиш вақти бўйича солиқ назоратини дастлабки,

жорий(оператив) ва навбатдаги солиқ назоратига таснифлашади.²⁵ Дастлабки назорат хўжалик ёки молиявий операциядан олдин ўтказилиб, солиқ қонунчилигидаги бузулишларни режалаштириш ва лойиҳалаштириш босқичларида аниқлаб, оқилона бошқарув ечимларини қабул қилишга хизмат қилади.



1-жадвал

Солиқ назорати турларининг таснифланиши²⁶

Солиқ назоратининг турлари	Солиқ назоратини таснифлаш мезонлари
Дастлабки назорат	Назоратни ўтказилиш вақти бўйича
Жорий назорат	
Навбатдаги назорат	
Хужжатли назорат	Маълумотлар манбаси бўйича
Ҳақиқий назорат	
Комплекс назорат	Назоратни объекти бўйича
Тематик назорат	
Солиқ идоралари назорати	Назоратни субъекти бўйича
Мақсадли жамғармалар назорати	
Молия идоралари назорати	
Божхона идоралари назорати	
Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар	
Бошқа назорат идоралари	
Режа бўйича назорат	Текширув тадбирларининг характери бўйича
Ҳақиқий назорат	
Барча хужжатларни ёппасига назорат	Хужжатларни камраб олиши бўйича
Хужжатларни танлаб текшириш	
Жойларга чиқиб назорат қилиш	Ўтказилиш жойига қараб
Камерал назорат	
Дастлабки назорат	Ўтказилиш даври бўйича
Қайта иккинчи назорат	

²⁵ Хаменушко И.В. Финансовый контроль за трансфертными ценами // Финансовое право. №6. 2005.
Варфоломеева Ю.А. Правовые основы финансового контроля // Финансовое право. №12. 2005

²⁶ Солиқ назоратининг таснифланиши монографик тадқиқот асосида муаллиф томонидан тузилган.





Бир қатор меъёрий-ҳукукий ҳужжатларнинг кучга киритилиши тақозо этган, кичик тадбиркорлик ва хусусий бизнеснинг хўжалик юритиш шароитларини ривожлантириш ва эркинлаштиришга кўмаклашиш йўли давлат назорати соҳасини такомиллаштиришни ҳам қатъият билан талаб қилди. Бугунги кунда иқтисодий муносабатлар соҳасида бозор механизмларининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлайдиган ушбу бошқарув дастаги Президентнинг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сон Фармони²⁷ билан белгиланган сифат жиҳатидан янги талабларга асосланиши керак.

Ушбу ҳужжатни бажариш учун барча назорат қилувчи органлар режали текшириладиган субъектлар рўйхатлари ва уларни танлаш мезонларини шакллантиришнинг аниқ асосланган қоидаларини ишлаб чиқдилар.

Мулк шаклларида қатъи назар назорат қилувчи органлар режали тартибда амалга оширадиган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини барча текширишларни ўтказиш учун, бундан молиявий-хўжалик фаолиятини текширишлар мустасно, қонунда энг кам муддат – бир йилда кўпи билан бир марта ўтказиш белгиланган²⁸, бунга хусусий корхоналар кирмайди. Шу боис тадбиркорлик субъектини турли назорат қилиш органлари ҳар йили текширишларнинг режа-жадвалларига киритишлари мумкин. Бунда фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига кўра одатда бир вақтда комплекс текширишларни ўтказиш назарда тутилмоқда.

²⁷ «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

²⁸ 21998 йил 24 декабрдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 717-сон Қонун.

ПФ-3665-сон Фармоннинг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш, йиллик ва чораклик мувофиқлаштириш режа-жадвалларини шакллантириш тартибига қатъиян риоя этиш талабига мувофиқ текшириладиган тадбиркорлик субъектлари рўйхатлари хатар гуруҳини ҳисобга олиб ва улар фаолиятини текширишлар даврийлигини кўрсатган ҳолда белгиланади. Хатар – субъект томонидан қонун талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганда юзага келадиган эҳтимолий салбий оқибатлардир.

Шу боис бир субъект фаолиятининг турли томонларини бир нечта назорат қилувчи орган текширишга ҳақли. Уларнинг ҳар бири ўз ваколатларига мувофиқ текширишларнинг даврийлигига эга бўлишлари мумкин. Агар субъект белгиланган меъёрлар ва қоидаларга ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда риоя этса, текширишлар икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади²⁹.

Солиқ тўловчи тўғрисида солиқ органларида мавжуд бўлган барча ахборотни таҳлил қилиш натижалари бўйича бундай танлаб олиш солиқ ҳуқуқбузарликларини аниқлаш эҳтимоли энг юқори бўлган субъектларни текшириш учун собитқадам танлашни таъминлайди. Собитқадам танлаш чоғида солиқ текширилиши устувор бўлган корхоналар танлаб олинади. Шу сабабли турли гуруҳларга кирадиган хўжалик юритувчи субъектларни текширишларнинг даврийлиги бир хил эмас.

Бошқа назорат қилувчи органлар томонидан унинг мақсадга мувофиқлигини асослаган ҳолда (масалан, бирор-бир ўзгартиришлар қилинганда) биринчи навбатда текширилиши таклиф қилинган корхоналар ҳам текширишларнинг режа-жадвалига киритилиши мумкин.

Текшириш чоғида назорат қилувчи органларнинг асосий вазифаларидан бири – ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ёки илгари аниқланган ҳуқуқбузарлик бартараф этилмаганлигидан гувоҳлик берувчи далилларни йиғишдир. Агар корхона ўз фаолиятини амалга ошираётганда хатоларга йўл қўйса ва ишончсиз субъектлар рўйхатига тушса, бу ҳол уни текширишларнинг йиллик режа-жадвалига киритиш мезонларидан бири ҳисобланади. Ушбу текширишлар энди солиқ текширишлари ҳисобланмайди ва солиқ қонунчилиги меъёрлари билан чекланмайди.

Бошқа назорат қилувчи органлар сингари Молия вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмалари ҳам комплекс режали текширишларда иштирок этишлари мумкин. Вазирлик томонидан унинг назорат қилиш вазифаларига бўйсунадиган фаолият йўналишлари аниқ белгилаб қўйилган. Булар:

- аудиторлик фаолияти;
- суғурта фаолияти;
- давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятларида давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;
- лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолияти;

²⁹ Президентнинг 2005 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ПФ-3694-сон Фармони

– тадбиркорлик субъектларига ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш борасида давлат манфаатларини ҳимоя қилиш.

Ҳозирги даврда хўжалик юритувчи субъектлар иложи борида камроқ, лекин ҳолатда комплекс тарзда текширилишини назорат қилишга ҳаракат қилинмоқда. Бунда текширишларнинг режа-жадвалларига тадбиркорлик субъектлари киритилмайди, агар:

улар фаолиятини текшириш тегишли назорат қилувчи органнинг ваколатлар доирасига кирмаса;

текширишларнинг йиллик ва чорақлик мувофиқлаштириш режа-жадвалларини шакллантириш қоидалари тўғрисида тасдиқланган низомлар шартларига риоя этилмаган бўлса;

тадбиркорлик субъектлари тугатилган ёки тугатилиш жараёнида бўлган, шунингдек уларни банкрот деб эълон қилинган бўлса;

уларнинг текширишлар режа-жадвалига киритилиши қонун ҳужжатларига ва Кенгаш қабул қилган қарорларга зид бўлса³⁰.

Юқорида айтилганидек, режа-жадвал ва унга қўшимчалар тадбиркорлик субъектини бир йил мобайнида биттадан ортиқ текширишни назарда тутмайдди.

Текширишлар сони қисқарганлиги қонунга итоаткор солиқ тўловчилар сонининг ўсганлигидан ҳам далолат беради – улар ўз вақтида бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этадилар ва солиқларни тўлайдилар, бюджет олдида қарзга эга эмаслар, ўз фаолиятларини амалга ошираётганда қонун билан белгиланган барча меъёрларга риоя қиладилар. Барча хўжалик юритувчи субъектлар ана шу юқори мақомга интилишса, нур устига аъло нур бўлар эди, зеро ўз мажбуриятларини виждонан бажаришда барака бор.

Давлат назорати таомилларини амалга оширишнинг асосий қоидаларидан бири илғор ахборот технологиялари базасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг йиллик ва чорақлик мувофиқлаштириш режа-жадвалларини тузиш ҳисобланади. Ахборот ҳажмларига, маълумотларни олгандан бошлаб, уларни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилгунга қадар бўлган вақтни қисқартиришга нисбатан кўп маротаба ошган талаблар энди бошқаришнинг замонавий даражасини эскича услубда таъминлашга имкон бермайдди.


5-қизма


³⁰ Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низом (янги таҳрири)нинг 13-банди.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги солиқ кодексида жойларга чиқиб режали солиқ текширувларни амалга ошириш маълум моддалар билан тартибга солинган ва солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режадан ташқари солиқ текшируви (тафтиши) фақат қўйидаги ҳоллардагина ўтказилади

**Юридик шахс
туғатилаётганда**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда





Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг вазифалари ва функцияларини айтиб беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини биласизми?
3. Давлат солиқ қўмитаси қандай таркибий тузилишга эга?
4. Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштиришга хизмат қилувчи қандай қонуний-ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз?
5. Солиқ назоратининг қандай шакллари мавжуд?
6. Солиқ текшируви қандай тартибда ўтказилади?

10-мавзу. Суғурта назорати

Режа

- 1. Суғурта ҳақида тушунча ва суғурта фаолиятининг моҳияти**
- 2. Суғурат соҳалари ва унинг субъектлари**
- 3. Суғурта назорати давлат инспекцияси вазифалари, функциялар, ҳуқуқлари ва унинг тузилмаси**
- 4. Суғурта муносабатлари ривожланишида суғурта назоратининг аҳамияти**

Суғурта – ишлаб чиқариш муносабатларининг зарурий элементи. У ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги моддий зарарларни қоплаш билан боғлиқдир. Нормал такрор ишлаб чиқариш жараёнининг муҳим шarti унинг узликсизлиги ва тўхтовсизлиги ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг доимий янгиланиб бориши инсонларнинг барча ижтимоий-иқтисодий формацияларда, шу жумладан ривожланган жамиятда ҳам мавжуд эҳтиёжларини қондириш учун зарурдир.

Суғурта – бу унинг қатнашчилари ўртасида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган мақсадли суғурта фондларини бадаллар ҳисобидан шакллантириш билан боғлиқ бўлган қайта тақсимлаш муносабатлари йиғиндиси.

Суғуртанинг иқтисодий моҳиятига унинг функциялари мос келади. Улар суғуртани молия тизимининг бир бўғини сифатида хусусиятларини ойдинлаштиришнинг ташқи шакллари ҳисобланади.

Суғуртанинг тўртта функцияси мавжуд:

Таваккалчилик.

Олдини олиш.

Жамғарма.

Назорат.

Асосийси таваккалчилик функцияси ҳисобланади, чунки суғуртавий таваккал зарар эҳтимоллиги сифатида талофат кўрган хўжаликларга пуллик ёрдам кўрсатиш бўйича суғуртанинг асосий йўналиши билан бевосита боғлиқ. Айнан таваккалчилик функциясининг амал қилиш доирасида суғурта иштирокчилари ўртасида бўлиши мумкин бўлган суғурта ҳодисалари оқибатлари билан боғлиқ пул шаклидаги қийматнинг қайта тақсимланиши рўй беради.

Олдини олиш функцияси суғурта фонди маблағларининг бир қисми ҳисобидан суғурта таваккалчилигини камайтириш бўйича тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган.

Ҳаёт суғуртасида суғурта категорияси кредит категорияси билан ҳаётни маълум муддатгача суғурталаш шартномалари бўйича маблағларни

жамғаришда анча яқинлашади. Ҳаёт суғуртаси орқали пул маблағларини жамғариш оилавий шароитда суғуртавий ҳимояга бўлган эҳтиёж билан боғлиқдир. Шу билан суғурта жамғариш функциясини ҳам бажариши мумкин.

Суғуртанинг назорат функцияси суғурта фондини қатъий мақсадли шакллантирилиши ва унинг маблағларидан тқғри фойдаланишдан иборат. Мазкур функция юқоридаги уч специфик функциялардан келиб чиқади ва конкрет суғурта муносабатларида улар билан бирга намоён бўлади. Назорат функциясига мос равишда қонунчилик ва инструкторив ҳужжатлар асосида суғурта амалларини тқғри бажарилиши устидан молиявий суғурта назорати амалга оширилади.

Суғурта ташкилотлари молиявий ресурсларининг шаклланиши жараёни қуйидаги чизмада акс эттирилган


Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари доимо ҳаракатда бўлади ва гоҳида вақт нуқтаи назардан молиявий оқимлардек кўринишга эга бўлади. Молиявий оқим - бу молиявий ресурсларнинг ташкил топиш манбаидан қатъий назар, белгиланган давр мобайнида тушумлар ва харажатлар ўртасидаги айирмаларининг динамик қаторларидир. Суғурта ташкилоти пул маблағлари ҳаракати унинг фаолият соҳалари бўйича бўлинган

Суғурта ташкилотлари молиявий оқимлари асосан фаолият соҳалари бўйича қуйидаги кўринишларга бўлинади:

- жорий суғурта фаолияти. Бунга суғурта тўловлари, зарарлар, даромадлар, харажатлар шунингдек бошқа суғурта ва қайта суғурта операциялари билан боғлиқ пул маблағлари оқимлари;
- инвестиция фаолияти. Бу тармоққа қимматли қоғозлар, кўчмас мол-мулк ва бошқа инвестиция активларини сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ пул маблағларининг ҳаракатлари;
- молиявий фаолияти. Акциялар чиқариш, илгари сотилган акцияларни қайтариб сотиб олиш, қарз олиш ва қарзларни узиш, акция эгаларига дивидендлар тўлашга хизмат қиладиган пул маблағлари ҳаракатини ўз ичига олади.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги даври ва бошланган ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган стратегик ҳужжатлар мамлакатимизнинг ички салоҳияти ва ўз инвестиция имкониятларидан фаол фойдаланишни кўзда тутди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда суғурта ташкилотлари молиявий ресурсларидан фойдаланишнинг самарасини ошириш республика иқтисодиётининг барқарор ва ишончли ривожланиши, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, фуқаролар ва хўжалик субъектлари мол-мулкларини суғурталаш учун қўшимча хизмат қилишига асос бўлади.



Молиявий ресурслар— ташкилотлар ихтиёрида бўлган ва турли характердаги молиявий мажбуриятларни бажаришга, кенгайтирилган суғурта хизмат турларининг барқарорлигини таъминлашга ва харажатларни қоплашга мўлжалланган пул даромадлари ва тушумларидир.¹

Молиявий ресурсларнинг моддий асосини молиявий захиралар ташкил этади.

Суғурта захиралари—суғурта ташкилотларининг суғурта тўловларини амалга ошириш учун асосий манбаи ҳисобланади ва тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз мажбуриятлари ҳажмини акс эттиради. Шунинг

¹ Федорова Т.А. Страхование Учебное пособие: М.: Магистр 2008 с. 899-900

учун суғурта захиралари миқдори ва таркиби ўз олдидан турган суғурта тўловларини таъминлаш учун суғурта ташкилотларининг мажбуриятларига мос келиши керак. Етарлича ҳажмда бўлмаган суғурта захираларини шакллантириш суғурта ташкилотлари учун ўз мажбуриятларини қоплашнинг имконияти йўқлиги, суғурта захиралари ҳажмини оширганда эса унинг солиққа тортиладиган фойдасини камайтиришини билдиради

Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари барқарорлиги - суғурта ташкилотларининг фаолияти ва ривожланишини узлуксиз амалга ошишини таъминлашга имкон берадиган активлар ва мажбуриятларининг сифат ва миқдорий ҳолатларининг сақланишини билдиради.

Суғурта ташкилотлари молиявий барқарорлиги ўз ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан барча субъектлар олдидан ўз зиммасига олган жорий ва келгуси молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва кўзда тутилган ҳажмда бажаришдаги ташкилотнинг молиявий ресурслари ҳолатлари тушунилади. Бу барқарорлик доимий баланс ҳолатида яъни даромадларнинг харажатлардан устун эканлигини кўрсатиб туради. Суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигининг асосий белгиси уларнинг тўловга қобилиятлилиги яъни ташкилотдаги мавжуд мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш қобилияти ҳисобланади.

Суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ҳолати бир қатор омилларга боғлиқ. Бу бевосита суғурта ташкилотларининг суғурта операцияларини амалга ошириши, молиявий ресурсларини инвестиция қилиши, хўжалик фаолиятидаги мавжуд бошқа фаолиятларни амалга ошириш (ўз фаолиятини молиялаштириш, кредитлар олиш, бюджет билан ҳисоб-китоблар) ва бошқа шунга ўхшаш бир қанча элементлардан ташкил топган фаолиятлар билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимиз суғурта бозорини ривожлантириш ва янада эркинлаштиришга жуда катта эътибор қаратилганлиги туфайли, мамлакатимиз суғурта бозори динамик ривожланмоқда, ушбу бозорда суғурта операциялари ҳажми тўхтовсиз, доимий ўсмоқда. Суғурта ташкилотлари эса мамлакатимиз иқтисодиётида жуда муҳим рол ўйнамоқда.

Суғурта фаолияти -

суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолият.

Суғурта қуйидаги соҳаларга бўлинади:

- ҳаётни суғурта қилиш (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш, бунда шартнома бўйича суғуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади ҳамда суғурта пуллариининг суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фоизни ўз ичига олувчи бир марталик ёки даврий тўловларини қамраб олади);
- умумий суғурта (шахсий, мулкӣ суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари).

Суғурта фаолиятининг субъектлари

Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари **суғурта фаолиятининг субъектлари** ҳисобланади.

Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари

Суғурталовчилар, суғурта воситачилари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ **суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари** ҳисобланадилар.

Суғурта воситачилари

Суғурта брокери, қайта суғурта брокери ва суғурта агенти **суғурта воситачилари** ҳисобланадилар.

Суғурталовчи

Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс **суғурталовчи деб ҳисобланади.**

Суғурта брокери

Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс **суғурта брокери ҳисобланади.**

Суғурта агенти

Суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс **суғурта агенти ҳисобланади.**

Суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда 1997 йил 1 мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳам муҳим ўрин тутди. Кодекснинг 52-боби суғуртага бағишланган бўлиб, унда ихтиёрийлик ва тенглик тамойиллари асосида тузиладиган суғурта шартномаси билан боғлиқ фуқаровий – ҳуқуқий муносабатлар ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда молия- кредит тизимида, айниқса, суғурта хизматларини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган туб ўзгаришлар суғурта бозори иштирокчиларининг фаолиятини кенгайтириш, шунингдек, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган замонавий суғурта турлари ва шакллари жорий қилиш мақсадларини кўзлайди. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, бизнеснинг муваффақияти бозор иқтисодиёти институтлари, хусусан, суғуртанинг замонавий шакллари ва молиявий хизматларнинг бошқа турларини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқ.

2007 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғур- та хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган эди.

Қарорга биноан, рақобатли суғурта бозорини шакллантириш , суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, республика суғурта бозорининг халқаро суғурта бозорига интеграциялашуви- га шароит яратиш, вилоятларда суғурта ташкилотлари тармоқларини кенгай-

тириш, суғурталовчиларнинг иқтисодий барқарорлиги даражасини ошириш ҳамда суғуртани тартибга солиш услубларини мукаммаллаштириш каби масалалар асосий мақсад қилиб қўйилган.

.Суғурта ташкилотлари молиявий ресурслари ва уларни шакллантиришнинг назарий-услубий асослари

Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурслари – ташкилотлар ихтиёрида бўлган ва турли характердаги молиявий мажбуриятларни бажаришга, кенгайтирилган суғурта хизмат турларининг барқарорлигини таъминлашга ва харажатларни қоплашга мўлжалланган пул даромадлари ва тушумларидир.

Суғурта ташкилотлари молиявий ресурслари шаклланишининг асосий хусусиятлари қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

- суғурта муносабатлари иштирокчиларининг рискларини молиялаштиришдаги тадбиркорлик фаолиятининг асосий кўриниши;
- суғурта рисклари трансфери асосида суғурта ҳимоясини тақдим этиш учун махсус пул фондларини шакллантириш механизми;
- суғурта ташкилотларининг молиявий аҳволи суғурта рискларига сарфланган маблағлар натижасида зарар етган кўпгина омиллар.

Суғурта ташкилотлари молиявий ресурслари ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар ва қарзга олинган маблағларга бўлинади.

Ўз маблағлари таркибига жамғарма маблағлар, юридик шахслар тўловлари ва жамғарма захиралари киради.


Жамғарма маблағлар таркибидаги устав капитали суғурта ташкилотлари таъсисчилари тўловлари ҳисобидан суғурта ташкилотларини ташкил этишда шаклланади

. Суғурта ташкилотларининг устав капитали минимал миқдорига талаблар вақти-вақти билан суғурта назорати органлари томонидан қайта кўриб чиқилади.

Бу жаҳон суғурта бозорида юзага келадиган вазиятларга мувофиқ келиши, шунингдек суғурта объектлари қийматининг ўсиши муаммолари, суғурта ходисалар юз бериш эҳтимоли ва уларнинг таъсир даражаси ўсиб бораётганлиги билан боғлиқ бўлади.

Суғурта захиралари– бу суғурта шартномалар бўйича ўз олдида турган суғурта тўловларини амалга ошириш мақсадида йиғилган суғурта мукофотлари ҳисобидан шаклланадиган махсус пул фондларидир. Суғурта захиралари миқдори суғурта фондини ташкил этадиган амалда ва қайта тузилган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари ҳажмига боғлиқ.

Бу маблағлар суғурталовчига тегишли бўлмайди. Суғурта захиралари фақат вақтинчалик суғурта шартномалари амал қилиш даврида суғурта ташкилоти ихтиёрида бўлади.



Суғурта ташкилотлари молиявий ресурслари ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар ва қарзга олинган маблағларга бўлинади.

Ўз маблағлари таркибига жамғарма маблағлар, юридик шахслар тўловлари ва жамғарма захиралари киради. Жамғарма маблағлар таркибидаги устав капитали суғурта ташкилотлари таъсисчилари тўловлари ҳисобидан суғурта ташкилотларини ташкил этишда шаклланади. Суғурта ташкилотларининг устав капитали минимал миқдорига талаблар вақти-вақти билан суғурта назорати органлари томонидан қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистонда суғурта ташкилотлари молиявий ресурсларидан фойдаланишнинг самарасини ошириш республика иқтисодиётининг барқарор ва ишончли ривожланиши, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, фуқаролар ва хўжалик субъектлари мол-мулкларини суғурталаш учун қўшимча хизмат қилишига асос бўлади.

Замонавий суғурта саноатини яратиш давлатга:

- табиий техноген хусусиятга эга қутилмаган харажатларни қоплаш борасида давлат бюджетига тушаётган юкларни камайтириш;
- бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида суғурталаш орқали ижтимоий таъминотнинг баъзи муаммоларини ҳал этиш (пенсия жамғармалари тўловлари, меҳнат қобилиятини йўқотганлик ёки боқувчисининг ўлими, ишсизлик учун нафақалар, тиббий харажатларни қоплаш);
- аҳоли ва ташкилотларнинг омонатларини миллий иқтисодиётга узоқ муддатли асосда жалб этиш имконини беради.

Суғурта назорати олиб боровчи ташкилот Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги **Суғурта назорати Давлат инспекциясидир.**

Суғурта назорати давлат инспекцияси Молия Вазирлиги ҳузурида бўлиб, суғурта муносабатлари барча қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта ташкилотлари фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади. Ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сон қарорининг 2-илоvasи “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси тўғрисида”ги Низомга амал қилади.

Суғурта назорати Давлат инспекциясининг **асосий вазифалари:**

- бажарилиши мажбурий бўлган тўлов лаёқати нормаларини ва уларни аниқлаш тартибини, алоҳида таваккалчиликлар бўйича суғурталовчиларнинг мажбуриятлари чекланган йўл қўйиладиган миқдорини ҳисоблаб чиқиш методикасини ҳамда мажбуриятларнинг

жами миқдорини, суғурталовчиларнинг тўловга лаёқатлилиги бўйича ахборот бериш тартиби ва муддатларини белгилаш;

- суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, тўловга лаёқатлилиқнинг белгиланган нормативларини ва уларнинг молиявий барқарорлигига қўйиладиган бошқа талабларни таъминлаш;
- суғурталовчилар томонидан суғурта заҳиралари маблағлари шакллантирилиши ва жойлаштирилиши бўйича ҳисобот юритиш тартибини, ҳисоботлар тузишни белгилаш;
- суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига ва бош бухгалтерга қўйиладиган бажарилиши мажбурий бўлган малака талабларини белгилаш;
- суғурталовчилар томонидан молиявий ҳисобот берилиши шакллари, тартиби ва муддатларини белгилаш;
- суғурталовчилар томонидан суғурта заҳиралари ҳосил қилиш ва жойлаштириш тартиби ва шартларини белгилаш;
- суғурталовчилар томонидан суғурта ҳодисалари бошланишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича тадбирлар маблағ билан таъминланиши тартиби ва шартларини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал қатнашчиларининг фаолиятини текшириш ва аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензиялари амал қилишини тўлиқ ёхуд суғуртанинг айрим турлари (даражалари)га нисбатан тўхтатиб туриш, шунингдек уларнинг амал қилишини тўхтатиш;
- ҳар бир молиявий йил тамом бўлгандан кейин олти ой ўтгач суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича фаолият тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни, шунингдек молиявий йил мобайнида суғурта бозорининг фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини эълон қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Давлат инспекциясининг асосий функциялари

- Суғурталовчилар томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ва уларнинг ҳисоботлари ишончлилигини, шунингдек, улар учун белгиланган тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари ва молиявий барқарорлиқнинг бошқа талаблари таъминланишини текшириш;
- Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш;
- Ўз ваколатлари доирасида суғурталовчилар ишини методик таъминлаш;
- Суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғурта қилиш қоидалари ва суғурта тарифлари белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб суғурта муносабатларининг барча қатнашчилари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича норматив ҳужжатлар ва методик материалларни ишлаб чиқиш;
- Суғурта фаолияти масалалари бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;
- Суғурталовчилар тугатилган ва қайта ташкил этилган тақдирда суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Республикада суғурта фаолияти ривожланишининг ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилиш;
- Ноширлик фаолиятини амалга ошириш ва б.

Давлат инспекциясининг ҳуқуқлари

- Суғурталовчилардан суғурта фаолияти тўғрисида белгиланган ҳисобот ва уларнинг молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотни, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, банклардан (кичик корхоналар, микрофирмалар бундан мустасно), фуқаролардан ўзига юкланган функцияларини бажариш учун зарур бўлган ахборотни олиш;
- Суғурталовчилар томонидан суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида суғурталовчилар фаолиятини текшириш;
- Давлат ижро этувчи органларидан ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот ва статистика ҳисоботини текин олиш ва ҳ.

Суғурта назорати давлат инспекцияси аппарати

ТУЗИЛМАСИ

Лавозим	Ходимлар сони
Суғурта назорати давлат инспекцияси бошлиғи	1
Иш юритувчи – инспектор	1
Юрист	1
Суғурта фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш бўлими	
Давлат инспекцияси бошлиғининг ўрин. - бўлим бошлиғи	1
Бўлим бошлиғининг ўринбосари	1
Бош мутахассис	1
Етакчи мутахассис	2
1-тоифали мутахассис	1
Жами	6
Суғурта фаолияти услубиёти бўлими	
Бўлим бошлиғи	1
Бош мутахассис	2

Етакчи мутахассис	2
1-тоифали мутахассис	1
Жами	6
Ҳаммаси	15

Назорат саволлари:

1. Суғурта назоратини амалга оширишда давлат суғурта назоарти қандай аҳамиятга эга?
2. Суғурта муносабатларининг қандай турларини билсаиз? Кичик муаммолар:
3. Суғуртанинг келиб чиқиш сабабларини айтинг?
4. Суғурта муносабатларининг турлари бир-биридан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?
5. Суғурта муносабатларини текширишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Суғурта назоратининг зарурлиги нимада? Кичик муаммолар:
7. Суғурта назоратининг объектларини кўрсатинг.
8. Суғурта назоратининг субъектларини кўрсатинг.
9. Суғурта назорати қандай тузилишга эга.

11-мавзу. Божхона ва банк назорати

Режа

- 1. Божхона назорати ҳақида тушунча ва божхона назоратининг мақсади**
- 2. Божхона назорати шакллари, услублари ва унинг аҳамияти**
- 3. Банк назорати моҳияти ва унинг асосий вазифалари**
- 4. Банк фаолиятини ривожланишида банк назоратининг аҳамияти**

Божхона Кодексининг 2-моддасида божхона иши тушунчаси қуйидагича таърифланган:

«Божхона иши Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш. Божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларидан ҳамда божхона сиёсатини ҳаётга татбиқ этишнинг бошқа воситаларидан иборатдир.

Божхона иши Ўзбекистон Республикасининг божхона органлари томонидан амалга оширилади».

Давлат Божхона Қўмитаси бош бошқарма ва унинг қуйи қисмларидан иборат. Марказий банк эса департамент (масалан, тижорат банкларини лицензиялаш департаменти, валюта департаментива ҳоказо) ҳамда унинг қуйи қисмларидан иборат. Шунингдек, ушбу ташкилотларнинг вилоятларда бошқармалари мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг божхона иши соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар мажмуидан иборат

ДБҚ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланади:

1) Республика божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

2) Республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, белгиланган ваколатлар доирасида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, божхона қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

3) Божхона ишларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг, шунингдек, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасида божхона назоратини таъминлаш, шу чегара орқали товарлар ва транспорт воситалари ўтишини тезлаштиришга имкон берадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш;

5) Контрабандага, божхона қонунчилигини бузишларга қарши кураш, наркотик моддалар, психотроп ва портловчи моддалар, қурол-яроғ, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланувчи бадий, маданий-тарихий ва

археологик мерос буюмлари, аклий мулк объектлари, Республиканинг божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига чек қўйиш;

6) Савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг божхона воситаларини қўллаш, бож ҳақи, солиқлар ҳамда бошқа божхона тўловларини ундириб олиш;

7) Хорижий давлатларнинг божхона органлари билан божхона иши масалаларига мутасадди халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро божхона ва савдо ташкилотларида иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига таалукли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

8) Ташқи иқтисодий фаолиятга оид божхона статистикаси ва товар номенклатурасини юритиш;

9) Божхона иши соҳасидаги фаолият тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда унга ишлов бериш борасидаги автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Белгилаб қўйилсинки, ЎзР. Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган бўлиб, у қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

1) Божхона масалалари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда халқаро битимлар ва шартномалар тузиш.

2) ЎзРнинг жиноят ҳамда жиноят – процессуал қонун ҳужжатларининг нормаларига амал қилган ҳолда божхона органларининг ваколатига дахлдор ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ишлари ва зарур тезкор-қидирув чоратадбирларини ўтказиш.

3) Божхона қонунчилиги бузилганлиги учун мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий таъсир чораларини қўллаш.

4) Айбдорларни жавобгарликка тортиш масаласи давлат божхона органларининг ваколатлари доирасидан чиқадиган ҳолларда ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича ҳужжатларни тергов ва суд органларига топшириш.

5) Товар ва транспорт воситалари республика божхона чегараси орқали олиб ўтилишнинг қонуний асосларини аниқлаш учун вазирликлар, идоралар, ташкилотлардан ва маҳаллий ҳокимият идораларидан, ЎзР. ҳудудида жойлашган ташқи иқтисодий алоқаларнинг қатнашчиларидан (мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъий назар) белгиланган тартибда материаллар ва ҳужжатлар олиш.

Божхона назорати тушунчаси.

Божхона назорати аҳамияти ва моҳияти.

(семинар ўтказиш: вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари.)

(Давлат божхона қўмитаси структураси.)

Божхона назорати -

Ўзбекистон Республикасининг божхона иши соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар мажмуидан иборат.

Божхона назоратининг мақсади -

божхона чегарасидан ўтаётган товар ва транспорт воситаларини назоратдан ва кўрикдан ўтказишда, уларни қонунийлигини аниқлаш ва тасдиқлашдир.

Божхона назоратнинг шакллари қуйидагилардан иборат:

- Божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш;
- Жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўраб суриштириш;
- Божхона кўригидан ўтказиш;
- Товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни божхона томонидан қиёслаш;
- Товарлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олиш;
- Ҳисобга олиш ва ҳисобат тизимини текшириш;
- Божхона назоратидан ўказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситаларини туриши мумкин бўган ёхуд назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолият амалга оширилаётган ҳудудлар, бинолар ва бошқа жойларни текшириш.

Назорат ва кўрикдан ўтказишнинг услублари:

керакли ҳужжатларни тўлдириш;

- сўраб-суриштириш;
- назарий кўрикдан ўтказиш;
- қисман кўрикдан ўтказиш;
- тўлиқ кўрикдан ўтказиш;
- шахсий кўрикдан ўтказиш;
- техник воситаларини қўллаш;
- кинологик хизматдан фойдаланиш.

Божхоначиларнинг назоратини олиб боришдаги ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- божхона назорати ўтказилаётганида инсон, ҳайвонот ва ўсимлик ва соғлиғи учун хавфсиз бўлган ҳамда товарлар ва транспорт воситаларига зиён етказмайдиган техникавий ва бошқа воситалар қўлланилиши мумкин – бу рентген аппаратлари, металл борлигини аниқловчи асбоблар, ёритгичлар, махсус ойна ва ҳоказолардир;
- Божхона органлари эркин божхона зоналари ва эркин омборларда турган товарлар устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона назоратини амалга оширишга ҳақлидир;
- Божхона органлари божхона ҳудудидан божхона органининг рухсатсиз чиқиб кетган транспорт воситаларини мажбурий равишда тўхтатиш, денгиз, дарё ва ҳаво кемаларини мажбурий равишда орқага қайтаришга ҳақлидир, чет эл кемалари ва бошқа давлатларнинг ҳудудида турган кемалар бундан мустасно;
- Божхона органлари божхона назоратини ўтказишда, қоида тарақасида, назоратнинг қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш учун етарли бўлган шакллари қўллайдилар;
- зарурат бўлганда божхона органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, божхона назоратининг Божхона Кодексида белгиланган барча шахсларидан фойдаланишлари мумкин.



Қуйидагилар божхона текширувидан озод қилинади:

- ☐ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг шахсий багажи, агар мазкур шахслар хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган бўлсалар;
- ☐ Чет эл ҳарбий кемалари, жанговар ва ҳарбий техникалари.

Божхона назорати зоналари:

- Божхона назорати зоналари божхона чегаралари бўйлаб, божхона расмийлаштируви жойларида, божхона органлари жойлашган ерларда ва божхона органлари томонидан белигланган бошқа жойларда тузилади.
- Божхона назорати зоналарини тузиш ва белгилаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.
- Божхона назорати зоналарида ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятини ва бошқа фаолиятини амалга оширишга, шунингдек уларнинг чегаралари орқали транспорт воситалари, товарлар ва шахсларни олиб ўтишга божхона органларининг рухсати билан ва назорати остида йўл қўйилди.

Божхона назорати остида бўлиш вақти:

- Божхона ҳудудига олиб киришда – товар ва транспорт воситалари божхона чегарасидан кесиб ўтган пайтдан эътиборан.
- Божхона ҳудудидан товарлар ва транспорт воситаларини олиб чиқишда – божхона декларациси қабул олинган пайтдан эътиборан бошланади.
- Божхона назорати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситалари эркин муомалага чиқилганидан сўнг, ёки товарлар ва транспорт воситалари сақланган божхона режимига мувофиқ божхона мувофиқ чегарасидан кесиб ўтган пайтдан эътибордан тугалланади.

Божхона назорати остидаги юкларни ташишда ташувчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

товар, транспорт воситаси ва уларга оид ҳужжатларни жўнатувчи божхона органи томонидан белгиланган манзилга, йўналишда ва муддатда уларнинг ўров идишлари ёки ҳолатини ўзгартирмасдан, элтиб беришдан бошқа мақсадда фойдаланмасдан етказиб бериши;

- товарлар ва уларга оид ҳужжатларни юк келиб тушадиган божхона органида кўрсатиши, бу орган мансабдор шахсларининг талабига биноан эса – товарлар ва транспорт воситаларини амалда тақдим этиши;

- божхона назорати остида турган товарлар билан бир вақтда бошқа товарларни ташимаслик.

Банк назорати - қонунга мувофиқ давлат томонидан ўрнатилган тартибни мижозлар томонидан ҳисоб-касса операцияларини ва валюта қонунчилигини олиб боришни кузатиш, шу билан бирга ликвидликни қўллаб-қувватлаш зарурияти банкдан потенциал заём олувчиларни заём олувчи корхоналарни

молиявий ҳолати ва кредит олишга лаёқатлилигини баҳолашни талаб қилиш, ссуда берилган тақдирда банк берилган ссудани ишлатилишини, миждозни тўлов қобилияти ва ликвидлигини ўрнатилган муддатда қўйилган фоизлари билан қайтариш тахминий баҳолашни назорат қилиш.

Давлат молиявий назорат бўйича функцияларни банк тизими ҳам бажаради. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги қонунига мувофиқ у банк тизими барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида банк назоратини ва банклар фаолиятини тартибга солишни амалга оширади.

Текширишлар Марказий банкнинг ваколатли вакиллари ва Марказий банк белгиладиган аудиторлар томонидан амалга оширилади.

Марказий банк аудиторлардан Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига, шу жумладан тартиб ва услубиётларига риоя этишларини талаб қилишга, шунингдек улардан банк аудити билан боғлиқ ҳар қандай маълумотларни бевосита олишга ҳақли.

Банк назорат - қонунга мувофиқ давлат томонидан ўрнатилган тартибни миждозлар томонидан ҳисоб-касса операцияларини ва валюта қонунчилигини олиб боришни кузатиш, шу билан бирга ликвидликни қўллаб-қувватлаш зарурияти банкдан потенциал заём олувчиларни заём олувчи корхоналарни молиявий ҳолати ва кредит олишга лаёқатлилигини баҳолашни талаб қилиш, ссуда берилган тақдирда банк берилган ссудани ишлатилишини, миждозни тўлов қобилияти ва ликвидлигини ўрнатилган муддатда қўйилган фоизлари билан қайтариш тахминий баҳолашни назорат қилиш.

Давлат молиявий назорат бўйича функцияларни **банк тизими** ҳам бажаради. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги қонунига мувофиқ у банк тизими барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида банк назоратини ва банклар фаолиятини тартибга солишни амалга оширади.

Марказий банк назорат функцияларини бажариш бўйича ўз ваколатларини амалга ошириш юзасидан банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботларни тузиш учун банклар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банкнинг назорат вазифаларини бажаришга доир ваколатлари:

- банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва банк статистика ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни;
- молиявий операцияларни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш юзасидан кредит уюшмалари учун мажбурий бўлган қоидаларни;
- фаолият ва операцияларни амалга ошириш юзасидан гаровхоналар учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

- банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарнинг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини олиш ва текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан операциялари тўғрисида ахборот сўраш ҳамда олиш;
- олинган ахборот юзасидан изох талаб қилиш;
- банклар ва кредит уюшмаларининг, уларнинг филиаллари ва улар билан узвий боғланган шахсларнинг, шунингдек гаровхоналарнинг фаолиятини текшириш, қоидабузарларга нисбатан санкциялар қўллаш;
- банкларнинг ички аудитига доир талабларни белгилаш;
- банк активлари сифатини тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ўрнини коплаш учун шунга монанд резервлар яратишга доир талабларни белгилаш;
- ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва таомилини аниқлаш;
- банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарга уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф қилиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш;
- банк акциядорлари устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқроқ қисмини сотиб олган тақдирда уларнинг молиявий аҳволи ҳамда обрў-эътибори ҳақида ахборот сўраш ва олиш;
- банкларнинг ва улар филиалларининг раҳбарлари, бошқарув аъзолари ҳамда бош бухгалтерларига, кредит уюшмалари ижро органларининг раҳбарларига нисбатан малака талабларини қўйиш.

Текширишлар Марказий банкнинг **ваколатли вакиллари** ва Марказий банк белгилайдиган **аудиторлар** томонидан амалга оширилади.

Марказий банк аудиторлардан Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига, шу жумладан тартиб ва услубиётларига риоя этишларини талаб қилишга, шунингдек улардан банк аудити билан боғлиқ ҳар қандай маълумотларни бевосита олишга ҳақли.

Марказий банк қўллайдиган чоралар ва санкциялар:

Банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, Марказий банк устав капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 фоизгача жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишни олти ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга.

- банклардан устав капитали энг кам миқдорининг бир фоизидан ошмаган суммада жарима ундиришга;
- банкдан банкни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан активлар тузилмасини ўзгартириш, банк харажатларини камайтириш ва акциядорларга дивидендлар тўлашни тўхтатиш тадбирларини кўришни, банк ёки унинг филиали раҳбарларини шу жумладан банк кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини алмаштиришни, банкни қайта ташкил этишни, филиални тугатишни талаб қилишга;
- банк учун иқтисодий нормативларни олти ойлик муддатгача ўзгартиришга;

- банкнинг айрим банк операцияларини амалга оширишини бир йилгача бўлган муддатга, шунингдек филиаллар очишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўйишга;
- банкни молиявий соғломлаштириш ёки Марказий банк кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган даврда мансабдор шахслар ва акциядорлар эга бўлган барча ваколатларни васийга бериб, банкка васийлик қилиш тартибини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилишга;
- банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайтариб олишга ҳақлидир.
- Банк филиаллари тўловларни ўз вақтида ўтказмаган ва уларнинг вакиллик ҳисобварақлари қоникарсиз аҳволда бўлган ҳолларда Марказий банк банк филиали ушбу ҳаракат натижасида олган даромадини қатъий тартибда ундириб олади, шунингдек шундай миқдорда жарима солади.
- Кредит уюшмалари, гаровхоналар, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқарувчиларга нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Назорат саволлари.

- 1.Божхона назоратининг мақсади.**
- 2.Божхона назорати шакллари, услубларини айтинг.**
- 3.Банк назорати моҳияти ва унинг асосий вазифаларини айтинг.**
- 4.Банк фаолиятини ривожланишида банк назоратининг аҳамияти.**

12-мавзу: Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштиришдаги молиявий назорат

Режа:

1. Бюджет ташкилотларини сметали молиялаштириш тартиби. Бюджет ташкилотларининг асосий ишлаб чиқариш (оператив-тармоқ) кўрсаткичлари – текшириш объекти сифатида.
2. Бюджет ташкилотлари асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Харажат гуруҳлари бўйича асосий ҳисоб-китоблар, уларнинг тўғрилигини текшириш тартиби, текшириш манбалари. Харажатларни режалаштиришнинг қонуний, ҳуқуқий ва меъёрий асослари.
4. Бюджет меъёрлари, Харажатларни лимитлаш, уларга риоя қилинганлигини текшириш.
5. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари манбаларининг шаклланиши, маблағларнинг ишлатилиши юзасидан назорат-иқтисодий ишларни ташкил қилиш.

Давлат бюджетидан молиялаштириш смета харажатларнинг қуйидаги гуруҳи бўйича амалга оширилади:

-Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга моддий ёрдам, стипендия ва б.

-Иш ҳақиға нисбатан ажратма.

-Капитал қўйилмалар (давлат инвестиция программасида кўзда тутилган манзил кўрсатилган рўйхатға мувофиқ)

-Бошқа харажатлар.

Молиялаш бажариш жараёнида харажатлар рўйхатиға киритиладиган ўзгаришлар ҳисобға олинган уч ойликлар бўйича тақсимлаб тасдиқланган йиллик харажатлар рўйхатиға мувофиқ амалға оширилади.

Бюджет нормалари (меъёрлари). Бюджет маблағларини сарф қилишнинг асосий принципи уларнинг мўлжалланганлиги ва вақт бўйича қаттиқ регламентация қилинганлигидир (тартабға солинганлигидир). Ташкилот сметада кўзда тутилмаган мақсадларға пул маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқиға эға эмас. Бюджет ташкилоти сметасининг харажатлари уларнинг ёпиқ рўйхатини ўз ичига олиб, таркибига қуйидагилар киради:

- ходимларнинг меҳнат ҳақини тўлаш;
- давлат нобюджет фондларига бадаллар;
- аҳолиға трансфертлар (қонунға мувофиқ равишда белгиланган пенсиялар, стипендиялар, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловлар);
- сафар харажатлари ва ходимларға берилган бошқа компенсацион тўловлар;
- сотиб олиниши керак бўлган товарлар, бажарилиши лозим бўлган ишлар ва кўрсатилажак хизматларни тўлаш.

Юқорида кўрсатилган харажатлар конкрет эҳтиёжни қондириш ўлчови сифатида пул маблағларининг маълум суммаси сифатида ифодаланган харажатлар нормаси асосида амалга оширилади. Амалиётда пулли нормаларнинг турлитуман турларидан фойдаланилади:

- моддий бойликлардан фойдаланишнинг натурал кўрсаткичларига асосланган нормалар (овқатланиш, медикаментларни сотиб олиш, юмшоқ инвентарлар ва ҳ.к.лар харажатлари нормаси). Бундай нормалар моддий нормаларнинг пулдаги ифодасини намоён этади',
- умумлаштирилган якка тартибдаги тўловлар иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, сафар харажатлари ва бошқалар;

1-чизма

Бюджет муассасаларини молиялаштириш тамойиллари



Бюджет ташкилотларининг асосий ишлаб чиқариш (оператив-тармоқ) кўрсаткичлари – текшириш объекти сифатида. Бюджет ташкилотлари асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Молиялашнинг янги тартибида бюджетдан ташқари фаолиятдан қўшимча даромад олган ўқув юртларини давлат бюджетига олинадиган барча солиқ ва йиғимлардан (2000 йил I январ, беш йил муддатга) озод қилиш кўзда тутилган.

Ортиб қолган маблағ мақсадли йўналтирилиб, ўқув юртининг моддийтехника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга, шунингдек ходимларни моддий рағбатлантиришга қаратилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида таълим муассасалари молмялашнинг янги тартиби — харажатлар моддалари бўйича маблағ ажратишга ўтказилди. Жорий этилган бу янги тартиб улар мустақиллигини кенгайтирди ва шу билан бирга, масъулиятини ҳам ошириш.

Бундан ташқари молиялаш тартибини соддалаштириб, ўқув юрти ходимлари меҳнатини рағбатлантириш учун шароит туғдирди.

Меъёрлар бўйича ягона рўйхатдан молиялашнинг янги тартибини жорий этиш таълим муассасаларига қуйидагилар ҳисобига риёжлантириш фондини шакллантириш ҳуқуқини берди:

- режавий бюджетдан молиялаш ҳисобига тушадиган тежалган (фойдаланилмаган) ва ҳисобот даври охирида бюджет ташкилоти ҳисоб рақамида қолган маблағ;

- Ўқув юрпги соҳасига оид фаолият бўйича товар ишлаб чиқариш ва сотишдан (ишлар бажариш, хизмат кўрсатишдан) келган даромад;

- юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган, беғараз, хомийлик ёрдами.







Харажат гуруҳлари бўйича асосий ҳисоб-китоблар, уларнинг тўғрилигини текшириш тартиби, текшириш манбалари. Харажатларни режалаштиришнинг қонуний, ҳукукий ва меъёрий асослари.

Бюджет муассасалари харажатларини молиялаштиришнинг умумий тамойиллари, текшириш тартиби, текшириш манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- минимум харажатларда максимум самарани олиш. Маблағлардан фойдаланишнинг энг юқори натижалилиги (самаралилиги) таъминланган шароитдагина (шартдагина) тақдим қилиниши керак. Бундай самара, бир томондан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг турли вазифаларини ечиш, иккинчи томондан эса, бюджет ажратмалари олувчилар даромадларининг ўсиши ҳисобидан пул маблағларининг бюджетга қайта оқиб келиши билан ифодаланиши мумкин;

- маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли хусусиятдалиги. Бюджет муассасалари маблағларни олдиндан мақсадлари аниқланган ва тасдиқланган бюджет асосида олиши мумкин. Бу тамойилга қатъи риоя қилиш маблағлардан самарасиз фойдаланишга тўсқинлик қилади;

- кўзда тутилган режаларнинг бажарилиши ва олдин берилган ажратмаларнинг фойдаланилганлигини инобатга олган ҳолда бюджет маблағларини тақдим этиш. Бюджетдан молиялаштиришнинг кўрсаткичлар бажарилишига боғлиқлиги молиявий органларга корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолияти устидан самарали ва таъсирчан назоратни амалга оширишга имкон беради;

- маблағларнинг қайтарилувчан эмаслиги. Бюджет ажратмалари субъектларга уларни мажбурий равишда бюджетга қайтариш шартсиз (қайтармаслик шарти билан) тақдим этилади;

- бюджет ажратмаларининг текинлиги. Бюджетдан ажратмалар субъектларга фоиз кўринишида қандайдир даромадларни давлатга тўламасдан ёки ажратмаларни тўлашнинг бошқа кўринишларисиз ажратилади.

Умумий тамойиллар билан биргаликда бюджетдан молиялаштириш амалиётида хусусий тамойиллардан ҳам фойдаланилади. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- фақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш харажатларига бюджет ажратмаларини ажратиш;

- бюджет ажратмаларининг ўлчамини аниқлашда "қолдиқ" ёндошувидан фойдаланиш;

- бюджетдан молиялаштиришни режалаштарилаётган харажатларни

кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш;

- корхоналарнинг молиявий ҳолатини бюджетли тартибга солиш таъминли ва бошқалар.

Пул маблағларини тақдим этишнинг юқорида келтирилган усуллари бюджетдан молиялаштиришнинг қуйидаги шакллари ёрдамида амалга оширилади:

- бюджет ташкилотини еаклаш учун ажратмалар;
- давлат ва маҳаллий ўзўзини бошқариш органларининг шартномалари бўйича юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилган товарлар, ишлар ва хизматларни тўлаш учун маблағлар;

- аҳолига трансфертлар;
- жисмоний ва юридик шахсларга субвенция ва субсидиялар;
- қуйи бюджетларга ва давлат нобюджет фондларига дотация, субвенция ва субсидиялар;

- ҳаракатдаги (амалдаги) ёки янгида ташкил этилаётган юридик шахслар устав капиталига инвестициялар;

- баҳолардаги фарқни қоплаш.

Амалиётда бюджетдан молиялаштириш, юридик нуқтаиназардан, қуйидаги икки кўринишда амалга оширилади:

- 1) харажатларни республика бюджетидан молиялаштириш;

- 2) харажатларни Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш.

Ўзбекистон Республикаси "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонунининг 22 моддасига кўра республика бюджетидан харажатларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оширилади:

Бюджет меъёрлари, харажатларни лимитлаш, уларга риоя қилинганликни текшириш

Бюджет харажатлари – давлат ва маҳаллий ҳокимият вазифа ва фаолиятини молиявий таъминлашга йўналтириладиган пул маблағларидир. Бюджет маблағларига эгалик қилувчилар – бюджет маблағларини олувчилар ёки бошқарувчилар бўлган, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги ташкилотлар бюджет харажатлари орқали молиялаштирилади. Шундай қилиб, бюджет харажатлари транзит характерга эга. Бюджетда фақат бюджет харажатларининг миқдори харажатлар моддалари бўйича белгиланади, бевосита харажатларни эса бюджет олувчилар амалга оширадilar. Бундан ташқари дотациялар, субвенциялар, субсидиялар ва бюджет ссудалари воситасида бюджет тизими даражалари бўйича бюджет маблағларини қайта тақсимлаш бюджет орқали амалга ошади. Бюджет харажатлари асосан

кийтариб олинмайдиган характерга эга. Фақат бюджет кредитлари ва бюджет ссудалари қайтариладиган асосда берилиши мумкин. Харажатлар тузилмаси йил учун тасдиқланадиган бюджетда бевосита кўрсатилади ва бюджет даромадлари каби иқтисодий вазиятга, ижтимоий устуворликларга боғлиқ бўлади.

5-чизма

Бюджет харажатларининг иқтисодий таснифи тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат. Бунда харажатлар уларнинг аниқ турлари, яъни харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича гуруҳланган

Бюджетнинг жорий харажатлари қуйидаги харажат гуруҳлари бўйича молиялаштирилади:


I-гуруҳ	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оналарга нафақалар, стипендиялар ва бошқалар)
II-гуруҳ	Иш берувчиларнинг ажратмалари (Иш ҳақиға устамалар)
III-гуруҳ	Капитал қўйилмалар (Давлат инвестицион Дастурларига кирган манзилли лойиҳалар бўйича)
IV-гуруҳ	Бошқа харажатлар
код 01300	«Хизмат сафар харажатлари»
код 01400	«Коммунал хизматларни тўлаш харажатлари»
код 01500	«Телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари харажатлари»
код 01600	«Жорий таъмирлаш харажатлари»
код 01700	«Сақлаш, эксплуатацион харажатлар ва бошқа хизматларни тўлаш харажатлари»
код 01800	«Техника, ускуналар, жорий мақсадлардаги бошқа буюмларни ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари»
код 01900	«Бошқа жорий харажатлар»
код 03400	«Уй хўжаликларига жорий трансфертлар»
код 04100	«Асосий капитал активларни сотиб олиш»
код 04500	«Ноишлаб чиқариш соҳасидаги капитал таъмирлаш харажатлари»

Молия органларининг бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш, смета асосида молиялаштириш ва маблағлардан фойдаланиш жараёнидаги назорат-иқтисодий ишлар: сметанинг ва штатлар жадвалининг тўғрилигини текшириш, тасдиқлаш, молиялаштирувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиш, молиялаштиришни очиш, маблағларнинг ишлатилишини назорат қилиш, ҳисоботлар қабул қилиш ва умумлаштириш.

ғазна ижроси тўғрисида»ги ЎзР Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун бюджет тизимини бошқариш, бюджет ижросини амалга оширишнинг принциплар жиҳатдан янги тизимининг шаклланишига асос солди. Қонунга мувофиқ, “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат” (Қонуннинг 4-моддаси). Ғазначилик тизими Молия вазирлиги қошидаги Ғазначилик Департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан иборат. Ғазначиликнинг асосий вазифалари Қонуннинг 7-моддасида белгилаб қўйилган, улар қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджетининг касса ижросини амалга ошириш;
- давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- давлат бюджети маблағларини бошқариш;
- давлат бюджетида маблағлари назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;
- бюджет ташкилотларининг товар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек, буюртмачиларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;
- давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларга хизмат кўрсатиш, давлат кафолатларини бажариш кабилар.

Ҳозирги кунда республикаимиз бюджет тизимида ғазначилик тизимини тадбиқ этиш бўйича бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Албатта, ғазначилик фаолиятини иқтисодиётга тадбиқ этиш молия тизимининг барча жабҳаларида ўзига хос ўзгаришларни тақозо этади. Бу асосан, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳолати, ташкилий-услубий ва ахборот технологиялари жараёнларини қамраб оломи керак.



Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари манбаларининг шаклланиши, маблағларнинг ишлатилиши юзасидан назорат-иктисодий ишларни ташкил қилиш.

Бозор муносабатларивожланган шароитларда бюджетдан ташқари маблағларнинг роли ва ахамияти сезиларли даражада ортиб бормокда, улар ҳақидаги тушунча ҳам анча кенгайди. Шу билан бирга, бюджетдан ташқари маблағларнинг юқорида курсатилган уч тури танифи ҳозирги вақтда ҳам уз кучини саклаб қолмокда. Тугри, сунги йилларда нашр этилган адабиётларда бюджетдан ташқари маблағлар таснифининг бош мезони сифатида ушбу маблағлар даромад манбаи хусусиятини тан олиш ҳамда уларни шу асосда ишлаб топилган даромадлар ва ишлаб топилмаган даромадларга ажратиш таклиф этиляпти. Чунки бундай ажратиш купгина бозор иктисодиёти мамлакатларида мавжуд.

Бюджет ташкилотларининг қушимча махсус маблағларни олишдаги манфаатдорлигини ошириш мақсадида амалдаги қонунчиликда уни рағбатлантириш бўйича нихоятда муҳим тадбирлар назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарори билан юқорида курсатилган махсус маблағлар шаклидаги қушимча даромадларни олувчи бюджет ташкилотлари 2005 йил 1 январга қадар Давлат бюджетига олинadиган солиқлар ва йигимларнинг барча турларидан озод қилинган. Озод қилинган маблағлар аниқ мақсадли йуналиш бўйича бюджет ташкилотларнинг моддий техника базаси ва ижтимоий базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш йуналтирилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларининг қўшимча даромадлари маблағ билан таъминлашнинг қуйидаги манбалари ҳисобига олинishi мумкин:

- фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш;
- бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага бериш;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (бегараз) ёрдами.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси:

■ ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бўйича - режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

■ ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича - ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб

рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

- бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

- вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи. Маблағларнинг қолган 50 фоизини бюджет ташкилотлари маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказадилар;


- юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (бегараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари манбаларининг шаклланиши, маблағларнинг ишлатилиши юзасидан назорат-иқтисодий ишларни ташкил қилиш.

Бозор муносабатларивожланган шароитларда бюджетдан ташқари маблағларнинг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортиб бормокда, улар ҳақидаги тушунча ҳам анча кенгайди. Шу билан бирга, бюджетдан ташқари маблағларнинг юқорида курсатилган уч тури танифи ҳозирги вақтда ҳам уз кучини саклаб қолмокда. Тугри, сунги йилларда нашр этилган адабиётларда бюджетдан ташқари маблағлар таснифининг бош мезони сифатида ушбу маблағлар даромад манбаи хусусиятини тан олиш ҳамда уларни шу асосда ишлаб топилган даромадлар ва ишлаб топилмаган даромадларга ажратиш таклиф этиляпти. Чунки бундай ажратиш купгина бозор иқтисодиёти мамлакатларида мавжуд.

Бюджет ташкилотларининг қушимча махсус маблағларни олишдаги манфаатдорлигини ошириш мақсадида амалдаги қонунчиликда уни рағбатлантириш бўйича нихоятда муҳим тадбирлар назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарори билан юқорида курсатилган махсус маблағлар шаклидаги қушимча даромадларни олувчи бюджет ташкилотлари 2005 йил 1 январга қадар Давлат бюджетига олинадиган солиқлар ва йигимларнинг барча турларидан озод қилинган. Озод қилинган маблағлар аниқ мақсадли йуналиш бўйича бюджет ташкилотларнинг моддий техника базаси ва ижтимоий базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш йуналтирилади.

Олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари фаолият турлари



Назорат саволлари:

1. Молия органларининг назорат-иқтисодий ишлари нималардан иборат?
2. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш қандай тартибда амалага оширилади?
3. Бюджет ташкилотларини маблағларнинг ишлатилишини назорат қилиш, ҳисоботлар қабул қилиш ва умумлаштириш тартибини биласизми?
4. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари деганда қандай маблағларни тушунасиш?
5. Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағларини ким томонидан назорат қилинади?
6. Бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиши юзасидан назорат-иқтисодий ишлар қакндай тартибда амаалга оширилади?

13-мавзу: Бюджет ташкилотлари хўжалик-молиявий фаолиятини тафтиш этиш

Режа:

1. Бюджет ташкилотларида тафтиш ўтказиш ҳуқуқига эга органлар, уларнинг ваколатлари. Маҳкамавий (идоравий) назорат аппарати, унинг вазифалари, ваколатлари.
2. Молия вазирлиги тизимидаги молия органлари, уларнинг ваколатлари, назорат-тафтиш органлари, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатлари.
3. Бюджет ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг асосий вазифалари. Тафтиш турлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Тафтиш манбалари, уларнинг гуруҳланиши. Тафтиш босқичлари, уларга тавсиф. Тафтишларни режалаштириш. Тафтиш дастурини тузиш. Тафтишни ташкил қилиш.
4. Тафтиш натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш. Далолатнома – тафтишнинг асосий расмий ҳужжати сифатида. Тафтиш натижаларини амалга тадбиқ этиш ва назорат ўрнатиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджети ўзининг муҳим ролини сақлаб қолади. Фақат давлат бюджетининг маблағларини сарифлашнинг ўзгача тартибини яратиш йўли билан ижтимоий иқтисодий ишлаб чиқаришига таъсир кўрсатиш усулларига ўзгаради. Бундан бюджет ижросидаги муносабатларнинг такомиллашуви ҳолати юз беради.

Барча даражадаги бюджетлар ижроси давлат ҳокимият органларининг мунтазам назорати остида бўлади. Бюджет ижроси устидан назорат олиб бориш тартиби ва ташкилий кўринишлари тегишли давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий актлари билан белгиланади. Ижроия ҳокимият органлари корхоналар, ва муассасалар ва ташкилотларда бюджет ижросининг бориши устидан назорат олиб борадилар.

Бюджетлар ижроси бюджет жараёнининг охириги босқичи бўлиб, унда даромадлар ҳамда харажатлар бўйича барча кўрсаткичларнинг амалга оширилиши таъминланади. Қонунчиликка кўра, бюджет ижросини таъминлаш вазифаси ҳокимиятнинг ижроия органлари зиммасига юклатилади.

Бюджетлар ижросининг амалга оширилишида молия органлари муҳим ўрин тутадилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари белгиланган тартибда марказий ва маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлайдилар, Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан бюджетларга тузатишлар киритадилар, бюджетлар ижроси устидан назорат ўрнатадилар, Республика бюджетидан ажратилган маблағлардан тўғри, самарали ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилаётганлик ҳолатини

кузатиб боради ва шу кабилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг асосий вазифаси ҳукумат бюджетини тайёрлаш ва уни инфляциясиз молиялаштиришдан иборат.

Ушбу вазифа қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- мамлакат бюджетини тайёрлаш;
- бюджетни тайёрлаш;
- бюджетнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш;
- бюджет ижросини таъминлаш;
- харажатларни назорат қилиш;

Юқорида қайд қилинган босқичлардан харажатларни назорат қилиш вазифаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига ясатилган бўлиб, давлат бюджети маблағларининг айрим жойларда бошқа мақсадларга харажат қилинганлиги ажратилган маблағлар эвазига олинган моддий товар бойликларини ўзлаштириб, улар ҳисобидан камомадлар содир этилиши ва шунга ўхшаш бир қанча хато-камчиликларни аниқлашда шу бошқармаларнинг амалга ошираётган ишлари катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса текширишлар ўтказилаётган жойларда иқтисодий ва ижтимоий-ислохотлар ўтказиш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларга тўғри бажарилаётганлиги юзасидан назоратнинг таъминланишига ҳам имкон беради.

Бугунги кунда бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомига риоя қилиниши ҳолатларини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ташкилий тузилмаси ўзига хос кўринишга эга бўлиб, унинг таркибий бўлимлари ўзига хос функция ва вазифаларига асосланган ҳолда, уларнинг барчаси назорат-тафтиш бош бошқармасининг яхлитлигини таъминлайди ва ўзига хос йўналишдаги фаолиятни таъминлашга имкон беради. Ундаги барча ходимлар сони йиғиндиси 63 кишини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги иккинчи чақириқ тўртинчи сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тўғрисида” ги қабул қилинган қонунининг 38-моддасига мувофиқ, молия вазирлиги ва бошқа молия органларига турли даражадаги бюджетлар ижроси яқунларини кўриб чиқиш, бюджет маблағи олувчиларининг молия-хўжалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш ва текширишлардан ўтказиш ҳуқуқлари берилди.

Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари томонидан зиммаларига юклатилган масъулиятли вазифаларини бажариш ва берилган ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ва амалга оширилган назорат ишлари таъсиридан республика Молия вазирлиги тизимидан ва барча бўғиндаги бюджет муассасаларида бюджет интизоми сезиларли даражада мустаҳкамлашмоқда, молия органлари ҳамда бюджет муассасалари раҳбар ва мансабдор

шахсларининг маъсулияти кучайтирилмоқда, бюджет интизомини бузиш ҳолатлари кескин камайтирилган ҳамда биринчи даражали харажатларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаб борилишига эришилмоқда.

Давлат томонидан иқтисодий ислохотлар олиб борилаётган бугунги кунда, бюджет жараёнида вужудга келаётган муаммолар ва назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан бюджет интизомига риоя қилиниши устидан доимий назоратни амалга ошириш учун уларнинг олдига қўйилган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг қуйидаги характерли кўринишларини келтириш мумкин.

1. Биринчи даражали тўловларни (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар) ўз вақтида молиялаштирилмаслиги, бюджет параметрларига ва харажатлар сметаларига амалга қилмаслик ҳамда нақд пул билан таъминланмаслиги, тўлов муддатларини кечиктириш.

2. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланишни тўловларнинг ўз вақтида ўтишини, ҳисоб-китобларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш.

3. Штат-смета интизомига ва бюджет маблағларини хўжалик эҳтиёжларига сарфлаш лимитларига риоя қилиши устидан назорат олиб бориш.

4. Бюджет маблағларини коммунал хизматлар ва электр энергиясига сарфлаш лимитларига риоя этилишини мунтазам равишда текшириб бериш.

5. Ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла кўмиталари) орқали аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўланадиган ижтимоий нафақаларни тайинлашдаги турли маҳаллийчилик, қариндош-уруғчиликка йўл қўйилишини, ҳужжатлари сохталаштиришни ҳамда уларни ўз вақтида маблағ билан таъминланишини ва халқ банки тизими орқали белгиланган муддатларда берилишини назорат қилиш.

6. Инвестиция дастурларини амалга оширишга ажратиладиган давлат валюта маблағлари ва марказлаштирилган маблағлардан тўғри ва белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиш.

7. Бюджет интизоми бузилишининг энг кўп тарқалган характерли кўриниши-бу бюджет маблағларини ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашиши, ҳокимларининг фармойишлари асосида адрес дастурига киритилмаган қурилиш ва ремонт объектларига, автомобиллар сотиб олиш, дабдабали тадбирларни ўтказишга йўналтиришлар назоратини олиб бориш.

8. Фуқароларнинг молия ва бюджет интизомини бузилиши ҳоллари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризаларини текшириб бориш.

Умуман олганда, бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг характерли

кўринишлари дейилганда бюджет тизими ва бюджет жараёнида юзага келадиган барча босқичларда “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонун талабларига, бюджет тизимининг асосий тамойилларига, меъёрий ҳужжатларга, йўриқнома ва таратибларга риоя қилиниши даражаси тушунилади.

Бюджет интизомини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар олиб борилаётган бир пайтда, текшириш ва тафтиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бюджет ташкилотлари фаолиятида бюджет маблағларини ноўрин сарфлаш ҳолатларига, бюджет маблағларини маҳаллий бюджетлар параметрларида белгиланмаган харажатларга ишлатиш, бюджет ташкилотларида белгиланган лимитлардан ортиқча маблағлар сарфлаш ҳолларига ҳали ҳам йўл қўйилмоқда, биринчи даражада бўлган иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендия тўловларини нақд пуллар билан таъминлашда ҳам кечикишлар мавжуд.

Раҳбар ва мансабдор шахслар томонидан белгиланган смета-штат интизомини бузиш, бюджет жараёнларига асоссиз аралашиш ва бюджетда кўзда тутилмаган харажатларга маблағлар харажат қилиш, даволаш ва халқ таълими муассасаларига дори-дармон, озиқ-овқат, ёқилғи-энергия ресурсларини кечикиб етказиб бериш ҳолатлари содир этилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя қилишини устидан доимий назоратни янада кучайтириш зарурияти туғилмоқда.

Бунда:

- молия органлари, бюджет муассасалари ва тижорат банкларининг биринчи даражадаги харажатларга навбатида бўйича лимитлар доирасида маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимлари иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш;
- раҳбар ва мансабдор шахслар томонидан белгиланган смета-штат интизими бузилиши ҳолатлари, даволаш ва халқ таълими муассасаларига дори-дармон, озиқ-овқат, ёқилғи-энергия ресурсларини ўз вақтида етказиб бериш;
- ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларининг бюджет жараёнига асоссиз аралашиш ҳолларининг ҳамда бюджетда кўзда тутилмаган харажатларга маблағлар йўналтирилишининг олдини олиш бўйича назорат ва мониторингни кучайтириш лозим.

Бугунги кунда бюджет сиёсатида бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг аниқ мақсадли ва эғали бўлишига эришиш энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилган бир пайтда бюджет интизомига риоя этишини янада кучайтириш, бюджет маблағларининг белгиланган мақсадларда сарфланиши устидан қаттиқ назоратни таъминлаш жуда муҳимдир.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, молия органлари ва бюджет муассасалари раҳбарларининг бюджет интизомига қатъий ва изчил амал қилишлари давлат

олдида турган вазифаларини Давлат бюджети харажатлари орқали сифатли амалга оширилишини таъминлашга ёрдам беради.

Бюджет интизомига риоя этилиш бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет маблағлари сарфининг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эгадир. Бунда улар юзасидан назорат-тафтиш ишлари олиб бориш муҳим ўрин тутди.

Тафтиш-молиявий назоратнинг анча кенг тарқалган методи саналиб, назоратнинг ҳақиқий ва ҳужжатли усуллари кўллаш ёрдамида амалга ошириладиган корхона, ташкилот ва муассасалар молия-хўжалик фаолиятини ўзаро боғланган комплекс текшируви-дан иборат.

Тафтиш тафтиш қилинаётган объект фаолиятидаги кам-чиликлар ва бузилмаларни топиш учун, яъни содир этилган хўжа-лик операцияларининг мақсадга мувофиқлиги, асосланганлиги, иқ-тисодий самарадорлигини, молиявий интизомга риоя этилганлиги-ни, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг ишончли-лигини аниқлаш учун амалга оширилади.

1-чизма



2--чизма

Тўлиқ тафтиш назорат объекти молия-хўжалик фаолиятининг барча томонларини текширишни кўзга тутали

Қисман тафтиш хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг айрим қисмлари ёки томонларини текшириш учун ўтказилади

Мавзули тафтиш бир типдаги корхона, ташкилот ва муассаса-ларнинг фаолияти бўйича маълум бир мавзуга бағишлаб ўтказила-дики, бу нарса уларга хос бўлган типик камчиликлар ва бузилма-ларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-ларнинг қўлланилишига имкон беради.

Комплексли тафтиш текширилаётган корхона, ташкилот ва муассаса фаолиятининг барча томонларини қамраб оладиган ва энг тўлиқ тафтиш бўлиб, у назорат субъектининг хўжалик ва молия фаолиятини, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг бутлиги ва улардан самарали фойдаланиш масалалари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати ва сифати каби масалаларни ўз ичига олади. Бунда тор техник ва технологик масалаларни текшириш учун тегишли мутахассислар жалб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, комп-лексли тафтиш натижаларининг тўлиқлиги ва самарадорлигини таъ-минлашда муҳим ўрин тутади.

1-чизма

Бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг тақдим этиш характериға кўра гуруҳланиши



Ўзбекистон Республикасида назорат-техник ишлари самарадорлигини оширишга, сифатини ривожланган хориж давлатлари тажрибаларига мурожаат қилиш фойдалидир. Шунга кўра ва республикамизнинг назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлишликлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда молиявий назорат қилишни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қаторида қуйидагиларнинг амалга оширилиши шарт ва фойдали, деб ҳисоблаймиз:

- давлат сиёсатига мос равишда молиявий назорат тизимини ислоҳ қилиш мақсадларини шакллантириш;
- қўйилган мақсадларга эришиш учун молиявий назорат соҳасидаги асосий вазифаларни аниқлаш;
- умумий молиявий назорат тизимида назорат-тафтиш ишларини олиб боровчи органларининг самарали фаолиятини таъминловчи ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш;
- назорат-тафтиш органларининг бюджет харажатларини оптималлаштиришга қаратилган юқори самарали фаолиятини
- назорат-тафтиш соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятларини амалга ошириш;
- бу тизимнинг барча тузилмавий элементлари йўналишлари ва ўзаро

таъсирлари механизмини ўрнатиш;

- молиявий назорат тизими органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш;

- назорат органи тизими билан давлатни бошқариш тизимининг бошқа бўғинларини мувофиқлаштириш;

- ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ўзаро таъсир этиш механизмини такомиллаштириш;

- ички ва муассасалар молиявий назорат фаолиятларини фаоллаштириш;

- хориж давлатларининг назорат-тафтиш органлари фаолиятини кузатиш ва тажрибаларини ўрганиш, сўнгра уларнинг ижобий ютуқлари ва натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш.

Назорат саволлари

1. Тафтишларни режалаштириш ва ташкил қилиш тартибини биласизми?.

2..Тафтиш натижаларини қандай ҳужжат асосида расмийлаштирилади.

3. Тафтиш натижалари амалга қандай тадбиқ этилади?

4..Тафтишларни ташкил қилишда давлат молиявий назорати органларининг аудиторлик назорати идоралари билан ҳамкорлигининг аҳамияти қандай?

.

14-мавзу. Аудит назоратининг молиявий назоратни амалга оширишдаги аҳамияти

Режа:

1. Аудиторлик назорати ҳақида тушунча ва унинг вазифалари
2. Аудиторлик текшируви турлари
3. Аудиторлик молиявий назорат олиб бориш тартиби

Аудиторлик назорати -бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни ушбу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилишидир.

Аудитнинг асосий тамойили унинг мустақиллиги бўлиб, бунда асосан текширилаётган субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғриси-даги касбий фикрини ифодалашда бирор томоннинг таъсири остида бўлишдан унинг озод эканлигини тушуниш лозим. Шу билан бирга, яна шуни ҳисобга олиш керакки, аудит барча мамлакатларда етарли даражада қаттиқ тартибга солинади.

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг биринчи (юқори) поғонасида Ўзбекистон Республика-сининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири) туради. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майдаги қарорига мувофиқ қабул қилинган бўлиб, 29 моддадан иборат.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-ликаси Қонунини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган ҳукумат қарорларини ҳам ушбу тизимнинг биринчи поғона-сига киритиш мумкин. Жумладан, 22 сентябр 2000 йилда Ўз-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди.

Шунингдек, ушбу қарорга мувофиқ «Аудиторлик хулоса-ларини солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низом», «Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказишдан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисидаги Низом» ва «Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тўғри-сидаги Низом» тасдиқланган.

Ушбу қарорга мувофиқ: ижобий аудиторлик хулосаси мавжудлиги хўжалик юритувчи субъектининг молия-хўжалик фаолияти солиқ органлари

ва бошқа назорат органлари томонидан охирги текшириш ўтказилгандан кейин камида 24 ойдан олдин текширилмаслиги учун асос ҳисобланади;

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молия-хўжалик фаолияти солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан тегишли аудиторлик ташкилоти албатта жалб қилинган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавоб беради.

Аудиторлик назоратининг асосий вазифалари -бухгалтерлик ва молиявий ҳисоботнинг ишончилигини ҳамда амалга оширилган молиявий ва хўжалик операцияларининг амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш, текширилаётган иқтисодий субъектларнинг тўлов-ҳисобот ҳужжатларини, солиқ декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларини текширишдан иборат.

Аудиторлик хизматлари қуйидаги бошқа хизматларни ҳам кўрсатишлари мумкин:

- бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш ва олиб бориш;
- даромадлар ҳақида бухгалтерия ҳисоботини ва декларацияни тузиш;
- молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва башоратлаш;
- бухгалтерия хизмати ходимларини ўқитиш ва қонунчилик масалаларида маслаҳат бериш;
- аудиторлик текширувлари натижасида олинган тавсияларни ишлаб чиқиш;
- ва бошқалар.

Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш Аудиторлик фаолияти (аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматларидан ташқари) янги қонунчилик бўйича аудиторлик теширувини ўтказиш учун фақат **махсус рухсатнома (лицензия)** мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги **Низомга** мувофиқ равишда олиб борилади.

Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги** (лицензияловчи орган) томонидан амалга оширилади.

Аудиторлик текшируви қуйидаги икки турга бўлинади:

- мажбурий;
- ташаббусли.

1-чизма



Ҳар йили мажбурий аудиторлик текшируви:

- акциядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари; суғурта ташкилотлари; инвестицион ва бошқа жамғармалар, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари, уларнинг бошқарувчи компаниялари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратма маблағлари уларнинг асосий манбалари бўлган хайрия ва бошқа ижтимоий жамғармалар;
- ҳосил бўлиш манбалари қонунчиликда назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган мажбурий ажратмалардан иборат бўлган нобюджет фондлар, устав жамғармасида давлатга тегишли улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилиши шарт.

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмачиси сифатида хўжалик юритувчи субъект иштирок этади. Аудиторлик ташкилотини танлаш мулк эгаси, хўжалик юритувчи субъект қатнашчилари (акциядорлари) умумий мажлиси билан келишилади. Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдоридаги жарима ундириб олиниши ҳамда унинг раҳбарининг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Жарима тўлаш хўжалик юритувчи субъектни мажбурий ауди-торлик текшируви ўтказилишидан озод этмайди.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъект ўзининг йиллик молиявий йил учун аудиторлик текширувини ҳисобот йилининг 1 майига қадар ўтқа-зади ва аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кунлик муддат ичида тегишли солиқ органига аудиторлик ҳулосасининг белги-ланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этади.

■ Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан **энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдоридаги** жарима ундириб олинаши ҳамда унинг раҳбарининг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

■ Жарима тўлаш хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан **озод этмайди**.

■ **Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунини** амалга ошириш, аудиторлик текширувларининг роли ва мақомини белгилаш, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан аудиторлик ҳулосалари ҳисобини юритишни таъминлаш мақсадида сўнгги вақтларда бизнинг мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тартибига жиддий ўзгартиришлар киритилди.

■ Хусусан, белгилаб қўйилдики, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш ишлари аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молиявий-хўжалик фаолияти солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан **мажбурий тарзда тегишли аудиторлик ташкилотлари жалб этилган ҳолда текширилади**.

Тартиблар тўғрисида бир неча низомлар тасдиқланган: солиқ ва бошқа назорат органларининг аудиторлик ҳулосалари ҳисобини юритиш;

б) мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказишдан бош тортганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириб олиш;

в) аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензиялар бериш.

Солиқ органлари ва бошқа назорат органларининг аудиторлик ҳулосалари ҳисобини юритиш тўғрисидаги низом бундай ҳулосаларнинг икки турини белгилаб берган бўлиб, улардан ҳар бири муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келади:

■ ижобий аудиторлик ҳулосаси аудиторлик ташкилоти тўғрисида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини тўғри акс эттиради ва хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ келади, деган фикрлар мавжуд бўлган ҳужжатдир.

- салбий аудиторлик хулосаси хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида тартиббузарликлар мавжуд бўлиб, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчини янглишишга олиб келиши мумкин бўлганлиги тўғрисидаги фикр билдирилган аудиторлик ташкилоти хужжатидир.

Ижобий аудиторлик хулосаси

Хўжалик юритувчи субъектда олдинги икки йил учун **ижобий йиллик аудиторлик хулосаси** мавжуд бўлиши уни хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига киритиш учун зарур шартлардан бири ҳисобланиб, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан текшириш сўнгги текширув ўтказилганидан кейин 24 ой ўтмасидан олдин ўтказилиши мумкин эмас.

Салбий аудиторлик хулосаси

Салбий аудиторлик хулосасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширув режа-жадвалига киритилиши керак.

Солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширув аудиторлик хулосаси хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига **мувофиқ келмаслигини аниқлаган ҳолда**, ушбу аудиторлик хулосаси шак-шубҳасиз **сохта деб ҳисобланади** ва аудиторлик ташкилоти, шунингдек бунда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

Бунда солиқ ва бошқа назорат органлари ўн кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли аудиторлик ташкилоти томонидан амалдаги қонунчилик меъёрлари бузилганлиги аниқланганлиги тўғрисида хабар бериши шарт.

Аудитни давлат томонидан тартибга солишни ташкил этиш қонунчилик ва бошқа норматив хужжатлар воситасида амалга оширилади. Бунда аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари томонидан аудитнинг ўзини ўзи бошқаришига катта имконият берилади. Қайд этиш лозимки, ҳар бир мамлакатда жамоат ташкилотларининг ри-вожланиши ва таъсири турлича амалга оширилади. Масалан, АҚШ ва Англияда аудиторлик фаолияти асосан ихтисослаштирилган про-фессинал аудиторлик ташкилотлари томонидан тартибга солинади.

Кўпгина мамлакатларда мустақил Аудиторлар палаталари иш-лаб турибди. Уларнинг асосий вазифалари аудиторлик фаолияти ва аудиторлар ахлоқ меъёрлари бўйича стандартларни ишлаб чиқиш, аудиторлар иш-фаолиятининг сифатини назорат қилиш, аудиторлик фаолияти бўйича билимларини аттестация қилиш ва хужжатлар бе-риш ҳамда аудиторлик меъёрларини бузган шахсларга нисбатан ин-тизомий жазо чораларини қўллаш (бу – давлатга хос хусусият бўл-маган мамлакатларда) кабилардан иборат.

Аммо айрим мамлакатларда, масалан, Швецияда, гарчи Вако-латли

аудиторлар уюшмаси ва Тасдиқланган аудиторлар уюшмаси ишлаб турган бўлишига қарамасдан, умуман аудиторлик фаолияти-ни тартибга солиш давлат томонидан амалга оширилиб, бу бизнинг Республикамизга ҳам хос бўлган хусусиятдир. Ўзбекистон Ауди-торлар палатаси тузилиш жиҳатидан давлат органлари билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилади. Аммо унинг аудиторлик фаолиятини тартибга солиш бўйича асосий функциялари давлат томонидан мустаҳкамлаб қўйилган.

Аудиторлик фаолияти (аудиторлик ташкилотларининг профес-сионал хизматларидан ташқари) янги қонунчилик бўйича аудитор-лик текширувини ўтказиш учун фақат махсус рухсатнома (лицен-зия) мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Ау-диторлик фаолиятини лицензиялаш аудиторлик ташкилотларига ау-диторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ равишда олиб борилади.

Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (лицензияловчи орган) томонидан амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1. Молиявий назорат тизимида мустақил молиявий назорат (аудит) нинг аҳамияти қандай?
2. Аудит назоратини ташкил этишнинг қандай ҳукуқий-меъёрий асосларини биласиз?
3. Аудит назоратини ташкил этиш тартиби айтиб беринг.
4. Аудит назоратининг қандай турларини биласиз?.
5. Аудит назоратининг усулларини айтинг.
6. Аудит назоратининг шаклларини биласизми?
7. Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти аудитини ташкил қилиш қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
8. Аудит назоратини такомиллаштиришда давлат қандай аҳамиятга эга?

15-мавзу: Ривожланган мамлакатларда молиявий назоратни ташкил этиш амалиёти

Режа:

1. Ривожланган мамлакатларда молиявий назоратни ташкил этиш. Молиявий назорат органларининг хусусиятлари.
2. Солиқ, бюджет ва молия назоратининг ўзига хос жиҳатлари. Назорат-иқтисодий ишларни микродаражада ташкил этиш амалиёти.
3. Иқтисодий назоратни макродаражада ташкил этиш амалиёти, бу соҳадаги хорижий тажриба асосида Ўзбекистон молия органлари олдига қўйилаётган янги талаблар.
4. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

Барча ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти устидан бюджет-молия давлат назорати кўпдан таркиб топган ва муваффақиятли иш олиб бормоқда, назорат-тафтиш органларининг кенг тармоғи мавжуд давлат тузилиши ва бошқарув шакллари, миллий анъаналар хусусиятига боғлиқ ҳолда бу назорат турлича қурилади. Шунга қарамай, хорижий мамлакатларда назорат-тафтиш шохобчалари кўп йиллик халқаро тажрибада ишлаб чиқилган умумий тамойилларга асосланиб ташкил этилган ва фаолият кўрсатади. Чунончи, ҳар қандай йирик (иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, сиғсий, космик) дастур беистисно тарзда назоратнинг кичик тизимига эга бўлиб, белгиланган маблағлар умумий ҳажмининг 1-2 фоизи унга ажратилади.

1-чизма

Одатда, барча мамлакатларда давлат маблағларининг сарфланиши устидан махсус парламент ёки давлат назорати муассасалари (органлари) мавжуд

АҚШда конгресснинг бош назоратчи
раҳбарлигидаги Бош назорат-молия
бошқармаси

Буюк Британияда - бош тафтишчи
раҳбарлигидаги Миллий тафтиш кенгаши

Канадада - бош назоратчи

Японияда - назорат тафтиш бошқармаси

Ҳиндистонда - давлат ҳисоботи ва
бюджет маблағларининг парламент
қўмиталари

Хитойда - давлат кенгаши қошидаги
назорат вазирлиги

Финландияда - 5 нафар давлат
тафтишчиси

Австрия, ГФР, Франция, Венгрияда -
бундестаг ёки парламент ҳузуридаги ҳисоб
папатапарни шўъра жўмпасиландин

Парламент назорати муассасалари билан бир қаторда кўпгина мамлакатларда ҳукуматнинг назорат-тафтиш тизимлари ҳам иш олиб боради. АҚШда - президент ҳузуридаги маъмурий-бюджет бошқаруви (чизмага қаранг), федерал идораларда инспекторлик хизматлари тизими, давлат муассасаларида молиявий суиистеъмоликларга қарши кураш бўйича президент кенгаши, шу жумладан ҳалоллик ва самарадорлик кенгаши деб аталувчи муассаса; Ҳиндистонда - тафтишлар ва ҳисоб-китоб департаменти; Буюк Британияда - ҳукумат ҳузуридаги жамоат ҳисоб-китоб қўмитаси; Финландияда - молиявий вазирлик таркибига кирувчи давлат хўжалигининг тафтиш бошқармаси ва ш.к.

Парламентга кам ва камчиликлар йиғиндиси, хулоса ва кўрилган чоратadbирлар бўйича маълумотлар тақдим қилинади.

ГФР Федерал ҳисоб-китоб палатаси барча федерал корхоналар, федерациясининг суғурта муассасалари, давлат 50%ли ҳисса билан иштирок этгана хусусий корхоналар, давлат маблағларини тасарруф этувчи барча ташкилот ва идораларни назорат қилади. Финляндияда ҳам шундай тартиб ўрнатилган Австрия ҳисоб-китоб палатаси, нафақат, Республика давлат хўжалигини, балки Федерал органлари томонидан бошқариладиган хайрия ва бошқа фондлар ҳамда муассасалар биланбоғлиқ молиявий фаолиятини ҳам текшириб боришга вакил қилинган.

Францияда ҳисоб-китоб палатасининг Президент ва Парламентга йиллик докладлари расмий журналда манфаатдор вазирликларнинг жавоблари билан бирга эълон қилинади. Улар матбуотда кенг муҳокама қилиниб, бу давлат ҳокимияти органларининг ҳисоб-китоб палатаси очган камчиликларни тузатишга давъат этади.

Буюк Британия Миллий тафтиш бошқармаси томонидан ўтказилган хийла чуқур таҳлил энг кўп эътибор талаб соҳаларини гуруҳлаштириш имконини беради:

- объектлар ўз олдига мақсад қўйиб, уларга эришиш назорат қилиш тарзининг айнан бир хил эмаслиги;
- идораларнинг активларни бошқариш молиявий режалаштириш ва назоратдаги ожизлиги;
- пул маблағлари ҳарадатини бошқариш бўйича сифатли ахборотга эга бўлмаслик.

Британия Миллий тафтиш кенгаши молиявий фаолиятини такомиллаштиришга қўшган ҳиссасини кўрсатувчи мисол келтирамиз. 1986 йилги докладда фуқаролик ҳуқуқбузарлиги натижасида кўрилган зиённинг қоплаш тўғрисидаги даъво асосида ижтимоий суғурта бўйича тўланадиган нафақа тўловлари берилиши кўрсатилган. Бу 1988 йилги ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунда фуқаролик даъволари бўйича нафақа олувчи даъвогарлардан ногиронлик бўйича нафақаларни ундириб олиш кўзда тутишига олиб келди.

Буюк Британияда Миллий тафтиш кенгаши маблағларининг сарфланиши самарадорлиги устидан ўтказилган текшириш натижалари кенг муҳокама қилинади ва жамотчилик орасида кенг овоза қилиниб, парламентда мутассил кўриб чиқилади.

АҚШ Бош бюджет-назорат бошқармаси, масалан, конгрессга унинг қонун чиқариш ва назорат фаолиятида ёрдам кўрсатади, фан ва техника, энергетика, космосни ўзлаштириш, миллий муҳофаа ва ижтимоий ривожлантириш, табиий бойликлардан фойдаланиш, транспорт соҳаларида назоратни амалга оширади ва ҳукумат дастурларини баҳолайди. Давлат бошқарув органларининг оператив фаолиятига баҳо беради ва давлат муҳокамасини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

Мадомики, тахминларни ўтказиш чоғида харажатларининг мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий самарадорлиги аниқланар экан, молия хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш асосида оқилона сарф-харажатларни қисқартиришга қаратилган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Масалан, АҚШ да 1987 йили назорат-тафтиш органлари талабига биноан қопланган маблағларнинг умумий миқдори 1,6 млн. доллардан ошиб кетди. Бундан ташқари, уларнинг тавсияларини бажариш натижасида 18 млрд. долларга яқин миқдордаги кераксиз сарф-харажатларнинг олдини олишга муваффақ бўлинди АҚШ конгресси тадқиқот гуруҳининг маълумотларига кўра, федерал назорат-тафтиш органларининг фаолиятидаги кейинги 50 йил мобайнида кўрилган умумий иқтисодий самара тахминан 5000 миллиард долларга тенг.

Ошкоралик тамойили назорат органлари жамоатчиликка таянишга, ўз фаолиятларининг натижаларини кенг ошкор этишга интилишида намоён бўлади. Чунончи, АҚШнинг Бош бюджет-назорат бошқармасида жамотчилик билан алоқадор бўлими ва жамоат ахбороти бўлими мавжуд бўлиб, бепул телефон канали ишлаб туради, у орқали АҚШнинг ҳар бир фуқароси давлат муассасаларидаги молиявий ёки бошқа суистеъмол қилиш фактлари тўғрисида ўз номини айтмай хабар қилиши мумкин. Фуқароларнинг сигналлари асосида ҳар йили минглаб молиявий қоида бузарликлари фош этилади.

Молия бюджет масалаларидан ташқари, айрим мамлакатларда давлат маҳкамасининг бутун ошиши ҳам текширадилар. Масалан, Японияда бош вазир концелярияси ҳузуридаги маъмурий назорат бошқармаси шундай вазифани бажаради, унинг вазифалари сирасига давлат бошқарув тизими ва таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, давлат амалдорларининг хизмат интизомини мустаҳкамлаш, порахўрликка, тўрачиликка қарши кураш, аҳолининг турли табақаларини ҳаяжонлантирган, бартараф этиш учун бир неча идораларнинг ҳамкорлиги талаб қилинадиган муаммоларни ҳал қилиш каби ҳал қилиш каби масалалар киради.

Хорижий мамлакатлар назорат-тафтиш органлари фаолиятининг самарадорлиги анча юқори, чунки улар ўтказган текшириш ва тафтишлар натижасида катта миқдорлар ноқонуний давлат маблағларини аниқлаш ва бюджетга қайтаришга муваффақ бўлмоқдалар. Улардаги мустақиллик,

хужжатларга таяниб ишлаш ва оммани кенг хабардор қилиш таъминлашининг мавжудлигини мазкур органлар фаолиятидаги энг катта ютуқлардан ҳисобланади.

Назорат-тафтиш органларининг бошқарув органларидан, бирон-бир сиёсий ва бошқа таъсирлардан, уларга бирор-бир кимса томонидан тайзиқ, ўтказилиши имкониятидан мустақиллигининг ишончли ҳуқуқий кафолатлари қонун билан белгилаб қўйилган. Ривожланган мамлакатларда бу назорат-тафтиш органлари раҳбарининг парламентлар томонидан парламентнинг ўз ваколатлари қонун билан белгилаб қўйилган. Бундай мамлакатларда назорат-тафтиш органлари раҳбарларининг парламентлари томонидан парламентнинг ўз ваколат муддатига қараганда бир мунча узоқроқ муддатга тайинланиб, тасдиқланиши билан таъминлашда: улар Буюк Британияда – 19 йилга, АҚШда – 15 йилга, ГФР, Австрия, Венгрияда – 12 йилга, Канадада – 10 йилга тайинланадилар. Бундай раҳбарлар касб лаёқатсизлиги туфайли ёки бирор-бир суистеъмолликка йўл қўйган тақдирдагина фақат парламент қарори билан лавозимдан озод қилиниши мумкин. Давлат назорати ходимлари маошининг катталиги, ҳукуматдан ҳуқуқий ва моддий мустақиллиги муҳим кафолатдир, чунки назорат-тафтиш тизимини сақлаш харажатлари парламент томонидан давлат бюджетининг алоҳида моддаси сифатида тасдиқланади.

Финляндияда тафтиш бошқармаси томонидан ўтказиладиган текширишлар ошкора амалга оширилиб, текшириладиган муассаса ва корхоналар, одатда, улар тўғрисида олдиндан хабардор қилинади.

Шундай қилиб, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида бюджет-молия хизмати давлат назорати тизимининг, мамлакатнинг демократик асосларини ҳимоялаб, иқтисодий гуллаб-яшнашини таъминлайдиган зарурий бўғиндир.

Одатда, барча мамлакатларда давлат маблағларининг сарфланиши устидан махсус парламент ёки давлат назорати муассасалари (органлари) мавжуд. АҚШда конгресснинг бош назоратчи раҳбарлигидаги Бош назорат-молия бошқармаси, Буюк Британияда - бош тафтишчи раҳбарлигидаги Миллий тафтиш кенгаши, Канадада - бош назоратчи, Японияда -назорат тафтиш бошқармаси, Ҳиндистонда - давлат ҳисоботи ва бюджет маблағларининг парламент кўмиталари, Финляндияда - 5 нафар давлат тафтишчиси, Хитойда - давлат кенгаши ўошидаги назорат вазирлиги, Австрия, ГФР, Франция, Венгрияда - бундестаг ёки парламент ҳузуридаги ҳисоб палаталари шулар жумласидандир.

Ривожланган мамлакатларда давлат назоратининг асосий вазифаси-давлат маблағларининг сарфланиши ва давлат мулкидан фойдаланиш устидан назорат қилишдан иборат, шунинг учун бундай органлар вазирлик, идоралар ва бошқа бошқарув органлари томонидан уларнинг таъминоти ва давлат дастурларини руёбга чиқариш учун ажратилган маблағларнинг сарфланишини назорат қиладилар, хусусий фирмаларнинг ҳукумат буюртмаларини бажариш борасидаги ишлаб чиқариш-молия фаолиятини текширадилар.

Давлат назоратининг асосий тури - молиявий назорат бўлиб, ҳар қандай корхона, муассаса, ташкилотнинг бутун амалий фаолияти молиявий операцияларда ифодаланади. Молия-бюджет масалаларидан ташқари, айрим мамлакатларда давлат маҳкамасининг бутун ишини ҳам текширадилар. Масалан, Японияда, бош вазир канцелярияси ҳузуридаги маъмурий назорат бошқармаси шундай вазифани бажаради; унинг вазифалари сирасига давлат бошқарув тизими ва таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, давлат амалдорларининг хизмат интизомини мустаҳкамлаш, порахўрликка, тўрачиликка ўарши кураш, аҳолининг турли табаъаларини хаяжонлантирган, бартараф этиш учун бир неча идораларнинг ҳамкорлиги талаб қилинадиган муаммоларни ҳал қилиш каби масалалар киради.

Ривожланган мамлакатларда назоратнинг янги тури жорий этила бошланди. У Швецияда 60-йилларда пайдо бўлган ва самарадорлик назорати деб аталади; унинг моҳияти расмий қонунийликка ҳисоб-китоб аниқлиги пировард мақсад эмас, балки, назоратнинг бошланиши деб ҳисобланишида. Текширишнинг асосий вазифаси операцияларнинг таъсирчанлиги ва натижадорлигини аниқлашдан иборат; уларнинг даромад келтириб ва сиртдан қараганда фойдали кўринган, лекин таъсирчан эмаслиги, яъни давлатнинг ижтимоий-сиёсий мақсадларига жавоб бермайдиганларини назорат қоралайди. Самарадорлик назоратини яратган швед олимлари назоратнинг таъсирчанлигани баҳолаш учун 54 та савол белгалаб чиқишган.

1988-1989 йилларда Буюк Британияда, масалан, тафтишларнинг 44% битишувлар фойдалилигини таҳлил қилишга қаратилган эди. Бу назорат турининг самарадорлиги хусусида шунга қараб хулоса чиқариш мумкинки, ҳукумат миллий тафтиш бошқармасининг 34 та докладида баён этилган хулосалар ва таклифлар асосида жамоат ҳисоб-китоб кўмитаси томонидан тайёрланган 240 тавсиядан 229 тасини қабул қилди. Битимларнинг фойдалилиги нуқтаи назаридан кўйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди: 25 та - ҳисоботлар бўшлиги (улардан 6 таси - талабга жавоб берадиган парламент ва ҳукумат муассасаларига ҳисоботлар, 11 таси талабларга жавоб бермайдиган ҳукумат идоралари томонидан сиртки назорат, 8 таси - ёмон ички назорат); 49 та - самарадорлигининг шубҳалилиги (улардан 25 таси - ҳуқуқий яхши таъминланмаганлик ёки фаолиятни нотўғри баҳолаш, 7 таси - бир-бирини такрорлаш ёки ўзаро ҳамкорликнинг етишмаслиги, 17 таси - кўйилган мақсадларга эришишда муваффақиятсизлик); 33 та - молиявий режалаштиришнинг ёмонлиги (улардан 9 таси - мақсадлар белгиланмаган, сиёсат ноаниқ, вазифалар равшан белгиланмаган, 3 таси - устун йўналишлар ишлаб чиқилмаган, 21 таси - пул маблағларининг ҳаракатини бошқариш тўғрисидаги ахборотнинг талабга жавоб бермаслиги); 54 та - молиявий маблағлар ҳаракатининг бўш бошқарилиши, тижорат ҳиссининг йўқлиги (улардан 23 таси - ҳаражатлар қопланмаган, тежамсиз сарф-ҳаражат, 3 таси - катта чиқимдорлик, 28 таси - шартномалар тузиш услубиятининг бўшлиги, ишга ундайдиган сабабларнинг

мос эмаслиги); 80 та - назорат ва бошқарув бўшлиги (улардан 22 таси - одам ресурслари бўйича, 33 таси - активлар бўйича, 15 таси - лойиҳалар бўйича, 10 таси - моддий ресурслар бўйича); 1 та - бухгалтерия ҳисобининг бўшлиги [6, 22-23-б.].

Буюк Британия Миллий тафтиш бошқармаси томонидан ўтказилган чуқур таҳлил энг кўп эътибор талаб соҳаларни гуруҳлаштириш имконини беради:

- объектлар ўз олдига мақсад қўйиб, уларга эришишни назорат қилиш тарзининг айнан бир хил эмаслиги;
- идораларнинг активларни бошқариш, молиявий режалаштириш ва назоратдаги ожизлиги;
- пул маблағлари ҳаракатини бошқариш бўйича сифатли ахборотга эга бўлмаслик.

Айрим ривожланган давлатлар ва Ўзбекистондаги молиявий назорат тизимлари.

Бўлимлар	Япония	Германия	Франция	Буюк Британия	АҚШ	Ўзбекистон
1. Идоранинг номи	Ҳисоблаш палатаси	Федерал ҳисоблаш палатаси	Ҳисоблаш палатаси	Миллий аудиторлик хизмати	Бюджет-иназорат бош бошқармаси	Назорат-тафтиш бош бошқармаси
2. Таксимловчи қонунчилиги	Япония Конституцияси, “Ҳисоблаш палатаси тўғрисида”ги қонун	ГФРнинг асосий қонуни (Конституцияси), “Федерал ҳисоблаш палатасининг идоралар вазифалари тўғрисида”ги қонуни	Бешинчи республиканинг Конституцияси, 67-сонли 22.06.67 йилдаги “Ҳисоблаш палатаси тўғрисида”ги қонун	“Давлат хизмати ва миллий аудиторлик хизмати тўғрисида”ги қонун	Қўшма штатларнинг қонун кодекслари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.11.2002 йилдаги 393-сонли қарори, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс
3. Текшириш мазмунлари (моҳияти)	1. Бюджет маблағ-лари тушуми ва харажатларини текшириш ҳамда ҳисоботларни тасдиқлаш. 2. Давлат бюджети-дан молиялаштирилган ҳисоб рақам-ларини (юридик шахс) текшириш (112 дан ошиғини). 3. Давлат бюджети-дан субсидия, кредит ва х.к. молиявий ёрдамлар учун ажратилган маблағлар ҳисоб рақамларини текшириш. 4. Бухгалтерия ҳисоб-китоб ишлари устидан назоратни олиб бориш.	1. Федерал бюджетнинг ва федерал корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини қилиш, шунингдек улар томонидан бюджетнинг ижросида, иқтисодий фаолиятда тежамкорлик таъминлаш ва бошқа қонунчиликларга риоя қилинишини текшириш. 2. Давлатнинг даромад ва харажат қисмларининг бажарилиши устидан ҳамда давлат олдидаги мажбуриятлар аҳволини текшириш. 3. Мустақил бошқармалар-га сакланиши (депозит) учун ажратилган ва аванс маблағлардан фойдаланиш юзасидан текширишлар ўтказиш.	1. Давлат хазинабонининг ҳисоботларини текшириш. 2. Бюджет қонун-ларида риоя қилиниши бўйича назоратни олиб боришда Ҳукумат ва парламентга ёрдам бериш. 3. Давлат ҳисобига даромадлар еблгиланган меъёр бўйича тушушини ва уларни давлат эҳтиёжларига сарфланишини текшириш. 4. Давлат бош-қарув органларида ва жамоатчилик (нодавлат) ташкилотларида маблағлар харажат мод-даларига тўғри сарфланишини ва	1. Тасдиқланган харажатларнинг ижроси бўйича тузилган ҳисоботларни текшириш. 2. Давлат кредит-ларини ва хазина-ларнинг бирлашган маблағларининг сарфланиши бўйича тузилган ҳисоботларни текшириш. 4.Моддий бойлик-лар ҳисобини тек-шириш. 5.Бюджет маблағ-ларини мақсадсиз фойдаланганлик ва ортиқча харажат-ларга йўл қўйилган-лик ҳолатларини аниқлашдан ташқари, уларни тежаб, фойдали ва самарали сарфланиши бўйича текширишлар ўтказиш.	1. Федерал ҳукумат-нинг бухгалтерия ҳисоб-китоблари аҳволини текшириш. 2. Федерал мажбурият-ти ва шарт-лари тўғри қўлланил-ганлиги (ёки белги-ланганлиги)ни аниқ-лаш. 3. Хазина мажбурият-ларининг ҳисоб-китоб тўловлари устидан назорат қилиш. 4. Давлат бухгалтерия ҳисоб-китоб ишларини олиб борилиши бўйича бланклар, меъёрий ва бошқа шунга тааллуқли ҳужжатларини таҳлил қилиш. 5. Федерал ҳукумати фаолиятида маблағ-ларни самарали ва тежаб сарфланиши бўйича аудит ўтказиш.	1. Молия органлари, бюджет муассасалари ва тижорат банкларининг биринчи навбатдаги сарф-харажатлар навбатига маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет ходимларига иш ҳақи, стипендия, нафақаларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш, нақд пул билан таъминлаш назорати ва мониторингини амалга ошириш. 2. Давлат эҳтиёж-лари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулот-ларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағлари бўйича назорат олиб бориш. 3. Штат-смета инти-зомига ва бюджет

			кимматбаҳо қоғоз-лар, нақд пуллар сақланиши йўли билан тасдиқлаш. 5. Бюджетдан қув-ватланадиган ва унга алоқадор ташкилотларда текширишлар ўтказиш.			маблағларининг лимитларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш. 4. Ҳукумат ва бошқарув органлари мансабдор шахс-ларининг бюджет жараёнига асоссиз аралашувининг олдини олиш ва инвестиция дастур-ларига ажратилган маблағларни назорат қилиш.
4. Текшириш далолатномаси	Текшириш далолатномаси парламентида тақдим қилинади. Юқоридаги бўлимлардан иборат бўлади, хато-камчиликлар бўйича хулоса қилинади, кўриладиган чоралар қайд қилинади.	Билдирилган фикрлар Бундестаг ва бундестратга юборилади.	Бир йилга оширилган текширилган ҳисоботи Президент ва Парламентга тақдим қилинади. Аҳволни яхшилаш бўйича таклифи, аудитор фикри билдирилади, муносиблиги бўйича эълон қилинади.	Далолатнома Парламентнинг қуйи палатасига топширилади (маблағларни талон-тарожи ва мақсадга мувофиқ сарфлан-маганлиги ва ҳ.к. муаммолар, сама-расиз фойдаланиш ҳолатлари бўйича таклифлар берилади).	Президент ва Конгрессга тақдим қилинади (интизом ва белгиланган қонун-ларнинг бузилиш ҳолатлари ва ички аудит натижалари, маблағлардан самарали ва тежаб фойдаланиш масала-лари бўйича таклиф-лар беради).	Бир йилда амалга оширилган тафтиш ва текширишлар ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига тақдим қилинади (маблағ талон-тарожи ва сарфланмаганлиги ва ҳ.к. муаммолар бўйича маълумотлар тақдим қилинади).
5. Маълумот	Молия йили апрелдан мартгача	Молия йили январдан декабргача	Молия йили январдан декабргача	Молия йили январдан декабргача	Молия йили январдан декабргача	Молия йили январдан декабргача

Иқтисодий назорат ишларини макродаражада ташкил этиш амалиёти. Кўпгина ривожланган мамлакатларнинг ҳукуматлари қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлар алоҳида ўз тафтиш ташкилотига эга. Бу ҳукуматда ҳокимият бўлинишини акс эттиради ва ҳам ташқи, ҳам ички тафтиш қилишнинг заруратини шарт қилиб ўйяди.

Ҳукуматнинг қонун чиқарувчи органига тегашли АКТП Бош бюджет-назорат бошқармаси (ББНБ) асосан конгресс ва унинг комиссияларига хизмат қилади. ББНБ, одатда, федерал ҳукуматнинг макродаражада назорат ўтказадиган ташўи тафтишчиси сифатида қаралади.

Ҳукуматнинг ижро секторида тафтиш ҳар бир жорий вазирлик ва идора (агентлик)да мавжуд ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бундай ташкилотлар федерал ҳукуматнинг ички тафтишчилари сифатида қаралиши мумкин. Тафтиш бўлинмалари бош инспекторлар (тафтишчилар) лавозимидаги шахслар томонидан бошқарилади. Йирик вазирлик ва идораларда бундай мансабдор шахслар президент томонидан, бирмунча кичик идораларда бош инспектор идора бошлиғи томонидан тайинланади.

АҚШнинг 50 штатидан ҳар бирида, масалан, бир нечтадан мустақил (ташқи) ҳукумат тафтиш ташкилотлари (биргина Калифорния штати бундан истисно; Калифорния тафтиш идораси 1992 йили референдум билан қисқартирилган; бироқ бу идорани тиклаш йўллари кўриб чиқилмоқда) бор.

Гарчи бу ташкилотлар штат томонидан федерал молиявий ёрдами олиш шарти сифатида федерал талабларга мувофиқ бўлиши керак бўлса ҳам, тафтиш бўлинмалари штат қонуни асосида таъсис этилади. Оқибатда, бу бўлинмалар ташкилий тузилиши, номланиши, ташкилот бошлиғи лавозимининг номи ва унинг сайланиш усули жиҳатларига кўра жиддий фарқланади. Бундан ташқари, штат ҳукуматининг ижроия органи одатда бир ёки бир неча ички тафтиш бўлимларига эга бўлади. Штат ҳукуматининг федерал молиявий ёрдамини оладиган идораларида тафтиш, шунингдек, ББНБ федерал бухгалтер -тафтишчилари, бош инспекторлар ва ундан ташқари штатнинг бухгалтер-тафтишчилари томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

ББНБ тафтиш ўтказишда барча ҳукумат тафтиш ташкилотлари орасида энг кенг ваколатларга эга. Бундан ташқари, ББНБ тафтиш қилишнинг ички ҳукумат таркибига раҳбарлик қилади. АҚШ президенти томонидан тайинланиб, АҚШ сенати тасдиқлайдиган бош назоратчи тафтиш ишларига раҳбарлик қилади. Ҳукуматнинг ташқи тафтишчиси сифатида ББНБ мустақиллигини таъминлаш учун бош назоратчи 15 йил муддатга тайинланади.

ББНБда 5000 га яқин киши хизмат қилиб, уларнинг ярми Вашингтондаги марказий ташкилотларда жамланган, қолган ярми эса минтақавий ва хориждаги идораларда ишлайди. ББНБ федерал қонун асосида пул маблағларини тўплайдиган, тақсимлайдиган ёки оладиган деярли ҳар қандай ташкилотни тафтиш қилиш ваколатига эга. ББНБ бухгалтерларининг

аксарияти АҚШ конгресси аъзолари ва комиссиялари сўровлари асосида тафтишлар ўтказадилар. Бундан ташқари, ББНБ ўз ташаббусига кўра ҳам тафтишлар ўтказиб, улар турли типда бўлади:

- ҳукумат вазирликлари ва идоралари чиқараётган молиявий ҳисоботлар ва уларнинг маълумотлари, иш операциялари аниқлигини баҳолаш ва имкон бўлса, тасдиқлаш мақсадида тафтиш қилиш, шу жумладан бундай ташкилотларни ички молиявий ва бошқарув текшириш ва бу ташкилотларнинг қонунлар ва молиявий ҳисоботларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қарорларга мувофиқлигини текшириш;
- ҳукумат фаолиятининг тежамлилик ва ташкиллаштириш даражасини баҳолаш, жумладан пул маблағларини тежаш ва иш самарадорлигини оширишга қаратилган йўлларни белгилаш мақсадида тафтиш қилиш;
- ташкилот (фаолиятининг қонунлар ва қарорларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида алоҳида тадбирлар ёхуд бирмунча кенг вазифаларга эга бўлган тафтиш қилишлар бўйича анча кенг кўламли тадбирларнинг бир қисми кўринишида амалга ошириладиган тафтиш қилиш;
- ҳукумат дастурларининг бу дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни яхшилаш учун асос сифатидаги натижадорлигини белгилаш;
- амалга оширилаётган давлат сиёсатини сиёсатни белгиловчи шахсларни муайян дастурлар ва сиёсатнинг кенг соҳаларига тааллуқли асосий қарорларни ишлаб чиқиш учун пухта асос билан таъминлаш мақсадида таҳлил қилиш;
- амалдаги қонунларнинг маъмурият ҳаракатлари қонуний ваколатга эгаллигини белгилаш учун асос бўлган талабларининг ҳуқуқий таҳлили, ёхуд қонун чиқарувчига таклиф қилинаётган қонунларни кучга киритиш ёки бу қонунлар таҳририни танлаш тўғрисида қарор қабул қилишига ёрдам бериш учун ўтказиладиган қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий таҳлили;
- қонун ёки маъмурий қарорларнинг аниқланган бузилишларини текшириш.

Иқтисодий назорат ишларини микродаражада ташкил этиш амалиёти. Ташқи назоратчилар ҳамиша ҳам корхона ёки ташкилот раҳбариятини зарур ахборотлар билан таъминлай олмасликлари мумкин, шу сабабли ҳисоб-молия хизматидан мустақил ички назорат ва аудит ички хўжалик назорати бўлинмасини ёки микродаражадаги назоратни ташкил этиш лозим.

Ички хўжалик назоратининг мақсади - корхонанинг бутун фаолияти қонунийлиги ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигига риоя этилишини таъминлашдан иборат. Ички хўжалик назоратининг асосий субъекти - корхона раҳбаридир. Барча ходимлар ва технологик жараённинг барча бўғинлари жалб қилиниши керак бўлган ички хўжалик назоратининг самарадорлиги айнан раҳбарга боғлиқ.

Кўпгина мамлакатларда ички хўжалик фаолияти бошқарувнинг мустақил

вазифаси деб эътироф этилиб, у алоҳида фаолият соҳасига эга, унинг асосий вазифаси - ишлаб чиқариш, таъминот-сотиш ва молиявий фаолиятнинг иқтисодий самарадорлиги устидан узлуксиз кузатиб боришдан иборат. Бу назорат корхонанинг барча воситалари сақланишини таъминлаш, хўжасизлик ва чиқимларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга ҳам хизмат қилади.

«Сканска» швед-фин қурилиш компанияси синишига оз қолган эди, бироқ у «буюртмачи ҳамиша ҳаф» деган шиорни илгари суриб, ички хўжалик назоратини ташкил этишнинг оригинал услубиятидан вақтида фойдаланди. «Сканска» фин бўлимининг вакили Мартти Раутее ҳикоя қилади: «Шиор икки қисм: муддат ва сифатдан иборат. Чала иш бўлмаса, бинобарин, қайта тузатишлар ҳам бўлмайди. Бунга осонликча эришилмади, лекин ҳозир «сифат назорати» деб номланувчи тизимни жорий этдик. Унинг моҳияти аввалги қурувчилар звеносининг кейингиси олдида жавобгарлигида. Ишнинг қандай бажарилганлигини бошлиқ ҳам, ТНБ ҳам эмас, балки қурилиш майдонида «эстафета таёқчаси»ни қабул қиладиган ўз ҳамкасби - қурувчи текширади. Енгил-елпи ишга йўл йўқ, чунки ўз ҳамкасби қолдириб кетган ишларни текширган қурувчи брак учун масъулият юкини ўз зиммасига олади. Пастдан юқоригача шундай, аксинча эмас» [8, 3-бет].

Молиявий менежмент - ички хўжалик назоратининг таркибий қисми. Унинг асосий мақсади олинаётган даромадлар ва пул маблағлари жамғармалари таркибининг ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини кенгайтириш бўйича белгиланган топшириқларга мувофиқлик даражасини аниқлашдан иборатдир. Корхонанинг бухгалтерия ёки молия, юридик, маркетинг ва бошқа ихтисослашган хизматлари (бўлимлари)нинг таркибий бўлинмалари молиявий менежментнинг субъектлари бўлиши мумкин. Агар бошқарувнинг ташкилий таркиби оддий бўлган корхоналарда ҳисоб-китоб хизмати ахборот тўплаш билан бир қаторда ички хўжалик назорати ва иқтисодий ташҳислаш вазифасини бажаришга ҳам қодир бўлса, шубҳа компаниялари ва филиалларга эга бўлган йирик корхона молияни бошқариш соҳасида у ёки бу қарорларни қабул қилиш салоҳияти ва имкониятига эга профессионаллар ишлайдиган хизматларга муҳтож бўлади.

Ички хўжалик назорати субъектлари орасида корхона уставига биноан ташкил этиладиган кенгаш (бошқарув) муҳим роль ўйнайди. Одатда у корхона мулки эгаси тайинлайдиган ёки корхона меҳнат жамоаси томонидан сайлаб қўйиладиган вакилларнинг тенг миқдорида иборат.

Қўшма корхоналар (хориж сармояси жалб қилинган) ва акциядорлик корхоналарида ички хўжалик назорат субъектлари доираси уларни ташкил этиш ва ишлаш хусусиятлари билан шарт қилиб қўйилган. Бу типдаги корхоналар, шунингдек таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этиладиган тафтиш комиссиясига ҳам эга бўлишлари мумкин.

Қайта қуришгача бўлган даврда мамлакатнинг хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бўлинмаларига эга бўлган йирик корхоналарида бош ҳисобчи ёки раҳбарга бўйсунган тафтиш ва текширишлар бўлимлари (тафтиш бўлимлари) мавжуд эди. Юридик жиҳатдан раҳбарга бўйсунуш энг

конуний йўл ҳисобланиб, бу тафтиш бўлимларининг асосий вазифалари бухгалтериянинг бирламчи ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва ҳисобот маълумотларидан манба сифатида фойдаланган ҳолда комплекс тафтиш ва муайян мавзули текширишлар ўтказишдан иборат эди.

Ўзбекистонда Тошкент трактор заводи, «Компрессор» ёки «Алгоритм» заводлари сингари кўпгина йирик корхоналарда аввал амал қилиб келган ички ҳўжалик назорати ва ички тафтиш бўлимидан иборат ички назорат таркиби сақланиб қолди. Бироқ хусусийлаштириш ва янги нодавлат ишлаб чиқариш ҳамда тижорат таркибларининг ташкил этилиши билан унинг вазифаларини ички ҳўжалик назоратининг субъектлари бажара бошладилар, тафтиш бўлимлари ўрнига ички аудит бўлимлари ташкил этила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текиштиришларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги 1996 йил 8 августда чиқарилган Фармони билан уларга расмий мақом берилди.

Америка мутахассислари ички аудит тушунчаси мазмунига берадиган маънога изоҳ бериб ўтиш керак. Ички аудитнинг Америка ва хориж тажрибасини акс эттирувчи бу ёндашувни ўрганиш мутахассислар ўртасида ички аудитнинг мазмунига ва корхона фаолиятида унинг ролига турлича қарашлар мавжудлиги учун муҳим: бирлари ички аудиторни молия бухгалтери, бошқалари - тафтишчи деб ҳисоблашади.

Ички аудиторлар корхона, ташкилот, фирма, компания ва ш.к. бошқарув вазифаларини мустақил эксперт баҳолашини ўтказадилар. Улар бошқарувни амалга ошираётган марказга таҳлил, баҳолаш натижалари, ўзлари текшираётган ташкилотнинг фаолияти тўғрисидаги тавсиялар, маслаҳатлар ва маълумотларни таъдим этадилар.

Ички аудиторлар ижтимоий ва хусусий секторларда ишлай оладилар. Ички аудитнинг вазифаси - барча ходимларга ўз вазифаларини имкон даражасида малакали ва самарали бажаришга ёрдам беришдан иборат. Ички аудит бухгалтерия маълумотини ва унинг ишончлилигини кўриб чиқади. Бинобарин, ички аудитор - молиявий эксперт ва маслаҳатчидир.

Ички аудиторлар корхона маъмурияти олдида ҳисоб берадилар ва одатда аудиторлик ўўмитаси, бошқаруви ва бошқа бошқарув марказлари билан тўғридан-тўғри алоўа қиладилар. Ички аудиторларнинг тажриба ва билимларини ҳисобга олиб, уларни кўпинча юўори раҳбар бошқармага махсус ёрдам кўрсатишни таъминлашга тақлиф қиладилар.

Америка ички аудиторлар институти ички аудит ва унинг мақсадларига қуйидагича таъриф беради: «Ички аудит - ташкилот ичида унинг фаолияти самарадорлигини текшириш ва аниқлаш учун мустақил баҳо беришдир. Ички аудитнинг мақсади ташкилот аъзоларига ўз вазифаларини самарали бажаришда ёрдам кўрсатишдан иборат. Ички аудит бунинг учун улар ихтиёрига текширилаётган объектлар тўғрисидаги таҳлил маълумотларини, баҳолар, тавсияларни, маслаҳатларни беради» [9, 7-б.].

Бинобарин, соф назорат тусидаги вазифалардан ташқари, ички аудит иқтисодий ташҳислаш, молиявий стратегия ишлаб чиқиш, маркетинг

тадўйўотлари, бошқарув маслаҳатлари бериш каби вазифаларни ҳал қилади.

Ўзбекистон корхоналарида ички аудит ўтказиш зарурати, фикримизча, бир неча сабаблар билан шарт қилиб қўйилан: булар - корхоналар ташкилий таркибининг (ҳамкорлар доираси, шубба корхоналари на ш.к.) мураккаблашуви, фаолият турларининг турли-туманлиги ва уларни кооперациялаш имконияти; бўлинмалар ва филиалларнинг бош корхонадан олислиги; раҳбариятнинг бўлинмалар молиявий хизматлари ва бошқарувнинг барча даражасидаги менежерлар хатти-ҳаракатлари тўғрисида етарлича ҳолис ва мустақил баҳо олишга интилишлари билан изоҳланади. Ички аудит корхона раҳбариятининг буюртмаси билан корхона таркибий бўлинмалари учун турли хил аудиторлик хизматлари кўрсатиш билан шуғулланади.

Ихтисослашган ички аудит хизмати ҳисоб-молия хизматининг бўлинмаларидан бири бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда у ҳисоб-китоб сиёсатини баҳолашда эксперт ролини бажара олмайди. Самарали ҳаракат қилиши учун ички аудит бошқа хизмат бошқармаларига ҳам тобе бўлмаслиги кераў Лекин айна вақтда у ўзини ёллаган маъмуриятга ҳам боғлиқ бўлмаслиги мумкин эмас, "зеро ходим - иш берувчи" муносабатлари мавжуд. Бу мустақилликнинг йўўлиги ички аудиторларни сиртки аудиторлардан фарқловчи асосий белгидир.

Ички аудиторлар корхоналар бўйича тарқоқ ҳолда ишлайдилар, уларнинг фаолияти на давлат, на уларнинг ўзлари томонларидан бирхиллаштирилмаган. Бироқ, кўп йиллик амалиёт натижасида тажриба алмашиниш, касбий тайёргарлик зарурати юзага келди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган барча мамлакатларда бу муаммога жиддий эътибор берилмоўда. Чунончи, АҚШ ички аудиторларининг касб ташкилоти 1941 йили Ички аудиторлар институти сифатида ташкил этилган эди. Бу муассаса ўз фаолиятини ички аудиторларнинг умумий касб манфаатлари, уларнинг амалий тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, касб маҳорати даражасини узлуксиз ошириш дастури, иқтисодий кодекс, касб меъёрлари ва сертификациялаш дастурлари замирига қуради. Институт ички аудиторлар касб оламида ғоят нуфузли ҳисобланади ва 100 дан ортиқ мамлакатларда бизнес, саноат, таълим ва бошқарув соҳаларида ишлаб турган 35 минг аъзосига эга. АҚШдаги бўлимларидан ташқари Австралия, Хитой, Франция, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия, Ҳиндистон, Исроил, Япония, Малайзия, Янги Зеландия, Жанубий Африка мамлакатларида ҳам шу йўналишдаги институтлар бор.

Фикримизча, китобхонни Ички аудиторлар институтининг бошқарув таркиби билан таништириш мақсадга мувофиқ чунки унда республикамизда шундай институт ташкил этишда фойдаланиш мумкин бўлган оқилона ечимлар анчагина. Оператив бошқаришни бошқарув қўмитаси амалга ошириб, у бўлим директорларидан иборат ва унга президент раҳбарлик қилади. Бош штат 3 бўлимга бўлинади: касбий ривожланиш, илмий тадқиқотлар, касб хизмати ва касб амалиёти бўлимлари. Бундан ташқари, молия, илмий тадқиқотлар ва ижтимоий сервис хизматлари мавжуд бўлиб, улар ҳам директорлар томонидан бошқарилади.

Бошқарувнинг бу штат таркиби жамоат таркиби билан тўлдирилиб, унда АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги аудиторликнинг демократик тамойиллари кўп даражада руёбга чиқарилади. Жамоат таркиби директор, ижроия қўмита ва касб амалиёти бўйича учта маслаҳат кенгашидан иборат. Улар касб стандартлари билан бирга халқаро алоқалар, ҳукумат, саноат ва бизнес, коллежлар ва университетлар билан алоқалар билан шуғулланадилар.

Институтнинг уч асосий бўлими ва унинг илмий-тадқиқот ташкилоти вазифаларини кўриб чиқиш ҳам муҳим.

Институтнинг касбий ривожланиш бўлими институт семинарлари, конференциялари ва таълим иши натижалари учун масъул. Бу бўлим ички аудитга ўқитиш маркази ҳисобланиб, у аудиторлар барча янги жиҳатлардан, шу жумладан ички аудиторликнинг ўзгарувчан эҳтиёжларидан хабардор бўлиб боришлари учун уларни ахборот билан таъминлайди; мунтазам семинарлар ташкил этилиб, улар жаҳоннинг исталган шахрида ўтказилиши мумкин. Дастурлар талабга қараб ўзгартирилиб, мақсад энг сўнгги маълумотларни тақдим этишдан иборат.

Касбий ривожланиш бўлими ҳар ярим йилда ички назорат тўғрисидаги сўнгги маълумотларни ўз ичига олган каталоглар чиқаради. Булар - китоблар, видеокурслар, ўз-ўзига таълим берадиган ва хусусий назорат-режалашгириш дастур воситалари, шу жумладан аудиторлар бутун жаҳонда фойдаланадиган «Audit Masterplan» назорат-режа тизимидир. У профессионаллар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда кенг маълум бўлган атамалардан фойдаланилган.

Аудиторларнинг касб жиҳатидан муваффақиятли тараққиёти кўпроқ институтнинг мустақил ва нотижорат илмий-тадқиқот ташкилоти фаолияти билан белгиланади. У ички назорат тамойилларини тадқиқ қилиш ва уларнинг иқтисодиёт истиқболи ҳамда касб келажагига таъсирини аниқлаш учун ташкил этилган. Бу ташкилот ички аудиторларга янги талаблар ва аудит тизимидаги ўзгаришларга тайёргарлик кўришлари учун ёрдам кўрсатиш мақсадида стипендия ва нафақалар ажратади.

Ички аудитнинг мақсадли мактабларининг ташкил этилиши-илмий тадқиқот ташкилоти томонидан ишлаб чиқиладиган муҳим лойиҳалардан биридир. Ташкилот Шимолий Американинг турт университетида мақсадли мактаблар учун салмоқли жамғарма билан таъминланган, у ўзининг лойиҳаларини хусусий шахслар ва ташкилотлар хайриялари ҳисобига амалга оширади.

Институтнинг касб хизмати бўлими аъзолик жамоатчилик алоқалари ва рағбатлантиришлар учун жавоб беради. У аудиторлик амалиёти ва техникасига оид турли-туман ахборотларга бой «Internal auditor» журналинини чоп этади. Амалиётчилар ва ўқитувчилар томонидан яратиладиган бу журнал касбга оид энг эътиборли журналлардан ҳисобланиб, турли мукофотлар билан тақдирланган, уни жаҳоннинг кўпгина кутубхоналари олиб туради. Испан тилида чиқариладиган яна бир журнал «Iia Today» бўлиб, у институтнинг Лотин Америкасидаги, Испаниядаги аъзоларига ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкасбларга етказиб берилади. Институт журнални бошқа

тнлларда чоп этиш имкониятларини куриб чикмокда.

Институтнинг касб амалиёти бўлими стандартлар, ички аудитнинг касбий нашрлари, сертификация дастури ва узлуксиз касбий ривожланиш учун масъул.

Институт вақти-вақти билани стандартларга малакали изохлардан иборат бўлган Ички аудит стандартлари тўғрисидаги низомни чоп этиб боради. Хусусий амалиётчи аудиторларга ёрдам тариқасида стандартларнинг касб бюллетенлари чоп этилади.

Малака ошириш дастури ички аудиторлар унинг асосида касбий эътирофга эришмоўлари ва карьера қилишлари мумкин бўлган асосий база тариқасида яратилган. Бу дастур амал қила бошлаган 1973 йилдан буён уни жаҳондаги 15 мингдан ортиқ ички аудитор муваффақияг билан ўзлаштирган.

Институтнинг ижтимоий сервис хизмати ички аудит бўлимтарга асос солди. У саноатнинг турли соҳаларида тадқиқотлар олиб бориб, аудитнинг профессионаллаштирилишига йуналтирилган. Бу хизмат ходимлари компаниялар ички аудит булинмаларининг ишига баҳо берадечар.

АҚШ ва бошқа мамлакатларда ички аудитга тобора кўпроқ ишонч билдирмоўдалар, айрим штатларда хатто амалдаги қонунлар қайта куриб чиқилди. Ички аудиторлар институти стандартларининг қўлланилиши аудитни ягона халқаро база асосида куриб чиқиш имкониятини беради.

Аудиторларнинг халқаро ташкилотига кириш, аудит соҳаларида жаҳон тажрибасини ижодий қўллаш республикамизда бозор иқтисодиётининг нормал ишлашига ёрдам беради, зеро жаҳон ҳамжамиятидан ажраган шароитда аудиторликни ривожлантириш мумкин эмас.

«Истмэн Кодак» (АҚШ) компаниясининг тажрибаси транснационал корпорацияларда ички аудитнинг ташкил этилганлиги ва унинг муаммолари нималардан иборатлигини ёритишга ёрдам беради. Кўпдан бери бу компания олий сифатли товарлар ва хизматлар етказиб бериш бўйича жаҳонда эътироф этилган етакчи бўлиб келмокда. Товарлар ва хизматларнинг юксак сифат даражасига эришилганидан кейин нафақат уни сақлаб қолиш, балки янада оширишга ўратилган мунтазам ишлар олиб борилади. «Биринчи галданоў тўғри бажар» ва «Қўшимча қиймат ол» каби иборалар барча ходимларнинг иш сифатини яхшилашга интилишларини акс эттиради.

«Истмэн Кодак»да ички аудит 60 йилдан ортиқ қўлланилади. Компания раҳбарияти уни бошқарув назорати жараёнининг ажралмас ва муҳим элементи деб ҳисоблайди. Рочестер (Нью-Йорк штати)да жойлашган аудит умумий бўлими ички аудитни бажаради. У ички аудит бўйича режларнинг шакллантирилиши, мувофиўлаштирилиши ва бажарилиши учун жавоб беради. Унинг ходимлари бутун дунё буйлаб бир неча булинмаларда ишлайдилар.

Аудиторлик хизматлари сифатини аудит эмас, стандартлар ва унинг миждозлари эҳтиёжлари белгилайди, шунинг учун дастлабки вазифа - миждозни аниқлаб олишдан иборат. Умумий бўлим учун корхона (фирма, компания, корпорация) директорлар кенгаши ҳузуридаги аудиторлик кўмитаси, бош бошқарувчи ёки бош молиячи, шунингдек катта

бошқарувчилар мижоз бўлишлари мумкин.

2-жадвал

Элемент	Иқтисодий	Молиявий	Иқтисодий
Таъриф	Корхона жамоаси	Корхона	Менежмент соҳасида
Мақсад	Корхона хусусиятларининг энг	Тадбиркорлик фаолиятининг турли	Корхонанинг иқтисодий, ҳисоб-
Вазифалар	Хўжалик жараёнининг бошқарув	Корхона томонидан амалга оширилаётган сармояни	Корхонада шакллантириладиган иқтисодий ахборот
Назорат вазифа- сининг мазмуни	Берилган назорат параметрларидан чекинишларни аниқлаш учун ишлаб	Олинаётган даромадоларнинг, пул маблағлари Жамғармаси	Ихтисослашган хизматиинг ҳисобчи- аудитори молиявий ҳисоботлар ва
Назорат	Хўжалик юритувчи	Активларнинг	Молиявий
Назорат вазифала рини амалга	Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг молиявий натижаларни	Ишлаб чиқариш харажатлари устидан назорат: маҳсулотни ишлаб чиқариш,	Эксперт аналитик корхонанинг молиявий ҳолатини ва молиявий

Назорат саволлари.

1. Ривожланган давлатларда назорат-иқтисодий ишларни микродаражада қандай ташкил этилади?
2. Иқтисодий назоратни макродаражада ташкил этиш соҳасидаги хорижий тажриба асосида Ўзбекистон молия органлари олдида қўйилаётган янги талаблар нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айтинг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. - Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. - Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А. Каримов. - Т: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 120 б.

8. Ўзбекистон - иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. - 126 б. (электрон версияси билан).

9. «Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрдаги Қонуни. // Солиқлар ва божхона хабарлари, 2001 йил №2.

10. «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2004 йил 26 август.

11. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида» ги қонуни. – Тошкент, 2007 й. 25 декабрь

12. «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабр ПҚ-1245 сонли Қарори.

13.“ Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январ ПҚ-1257 сонли Қарори.

14.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Текширувларни тартибга солиш ва назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида” 1996 йил 8 августдаги №УП-1503 фармони

15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишларнинг ташкил этилишини тартибга солиш тўғрисида” 1998 йил 19 ноябрдаги №УП-2114 сонли фармони

16.“Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг –юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштиришни тартиби тўғрисида”ги Низом, 2006 йил 6 май.

17.Каримов.И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. “Ўзбекистон” нашриёти., 2009 й, 56 б.

18.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т. “Ўзбекистон”, 2010 й. - 80 б.

19.Ваҳобов А., Т.Маликов “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “ИQTISOD-MOLIYA”, 2008 й, 316 б.

20.Ваҳобов А.В., Срожиддинова З.Х. Ўзбекистан Республикаси Давлат бюджети. Т.: “Молия-иқтисод”, 2002 й.

21.Грачёва Е.Ю., Толстопатенко Г.П., Рыжкова Е.А.Финансовый контроль. М.: ФиС, 2004 й.

22.Литовченко В.П., Финансы. М.: ФиС. 2004 й.

23.Маликов Т. Н Ҳайдаров, “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланма Тошкент, “ИQTISOD-MOLIYA”, 2009 й, 556 б.

24.Мусаев Б, Срожиддинова З.Х. Контрольно-экономическая работа финансовых органов. Т.: “Молия-иқтисод”, 2006 й.

25.Степашин С.В., Столяров Н.С., Шохин С.О., Жуков В.А. Государственный финансовый контроль. Учебник. - СПб.: Питер, 2004 й.

26.Яхшибоев Ғ.Қ. “Молиявий назорат”. Услубий қўлланма Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2007 й, 96 б.

Қўшимча адабиётлар.

1.Иванова В.В. “Финанси в вопросах и ответах “: Учебное пособие изд.

2.Проспект 2008 г. 272 стр.

3.Романовский М.В. <<Финанси>> Учебник.-М.: <<Юрайт>> 2008 г.

4.462 стр. 378 стр.

5.Международное финансовое право Шумилов В.М. “Международные отношения” Учебник 2005 г. 432 стр.

6.Негасударственный финансовый контрол Терехова Е.В Узд.МГУ
Монография 2006 г. 152 стр.

7.Бюджетное право. 7-е изд., перераб И доп Ремиханова Д.А., под рек
Поляка

8.Г.Б Юнити Учебное пособие для ВУЗов 2009 г. 187 стр.

Интернет сайтлари.

1.www.mf.uz

2.www.budget.ru

3.www.gov.uz

4.www.mfa.uz

